

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШИШЛОШ

## **ВА СУВ ХӘЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

## САМАРŠАНД ŠИШЛОŠ ХÆЖАЛИК

## ИНСТИТУТИ

## Холбоев Д

## ПУЛ, КРЕДИТ ВА БАНКЛАР

Самарқанд – 2006 йил

Маъруза матнлар курси «Бухгалтерия хисоби ва аудит кафедрасининг доценти Д.Холбоев томонидан «Пул, кредит ва банклар» фанининг Єзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2003 йил 1 июлда тасдиқланган Дастур асосида тайёрланган.

Маъруза матнлари курси «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» йўналиши бўйича тайёрланаётган талабаларга мулжалланган бўлиб ундан «Иқтисодиёт» йўналиши талабалари, ушбу соҳа мутахассислари, ўқитувчилар, аспирантлар ва магистрантлар ҳам фойдаланиши мумкин.

## Такризчилар:

1. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти молия ва  
суѓурта хизматлари кафедрасининг доценти Р.Мусаев

2. Самарқанд қишлоқ хўжалик институти «Бухгалтерия ва  
аудит» кафедрасининг доценти Щурдатов Т.Щ.

.....*Кейинги йилларда*  
.....*молия – банк тизимида*  
*хизматларнинг янги турлари*  
*тез суръатлар билан*  
*ривожланаётгани эътиборга*  
*сазовор.*

*I. Каримов*

*Кириши*

Бозор иқтисодиёти шароитида пул ва пул муносабатлари, кредит ва кредит муносабатлари, банклар ва банк тизимиning роли ошиб боради.

Пул ва кредит бозор муносабатларини олиб боришнинг асосий воситаларидан ҳисобланиб, бозор механизмининг самарадорлигини таъминлашда мухим аҳамият касб этади. Миллий пулимиз сўмни барқарорлигини таъминлаш иқтисодиётни самарали ташкил қилишнинг асоси ҳисобланади.

Мазкур курснинг асосий мақсади ва вазифаси пул, кредит ва банклар билан бођлиқ саволларга назарий жиҳатдан жавоб беришдан, талабаларга Ўзбекистон Республикаси пул – кредит тизимиning ташкил қилиниши ва фаолият кўрсатишининг назарий ва амалий жиҳатларини ўргатишдан иборат.

«Пул, кредит ва банклар» фани иқтисодий фанларни ўқитишида етакчи фанлардан бири ҳисобланади.

Ушбу маъруза матнлар курси В – 340900 – Бухгалтерия хисоби ва аудит йўналиши бўйича тайёрланадиган бакалаврият талабаларига мулжалланган бўлиб унда пулнинг моҳияти ва функциялари, уни иқтисодиётдаги роли, пул тизими унинг таркибий қисмлари, пул айланиши, Ўзбекистон Республикасининг пул тизими, инфляция, унинг турлари ва сабаблари, халқаро ҳисоб – китоб муомилалари, валюта муносабатлари, кредит, унинг функциялари ва кредит тизими, халқаро кредит ва унинг шакллари, банклар ва банк тизими, тижорат банклари ва улар фаолиятини тартибга солиш, банкларнинг инвестицион фаолияти ва банклар фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш энг сўнгти ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда баён этилган.

Маъруза матнлари курсидан иқтисодиёт йўналиши талабалари, ўқитувчилари, аспирантлар, магистрантлар, банк, молия, солиқ тизими ходимлари ҳамда пул – кредит тизими ва банклар фаолиятини ўрганишни хохловчилар ҳам фойдаланиши мумкин.

Муаллиф маъруза матнлари курси сифатини оширишга қаратилган тақриз ва мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қиласди.

## **1-мавзу: Пулнинг моҳияти ва функциялари.**

### **Режа:**

1. Товар ишлаб чиқариш ва пулнинг зарурлиги. Пулнинг моҳияти ва хусусиятлари.
2. Бозор иқтисодиёти шароитида пулнинг аҳамиятини ошиши.
3. Пулнинг функциялари.
4. Иқтисодиётни ривожлантиришда пул барқарорлигини таъминлашни ўрни ва омиллари.
5. Пул тўғрисидаги назариялар.

### **Таянч тушунчалар:**

Пулни келиб чикишининг асослари. Пулнинг моҳияти ва хусусиятлари. Пулнинг қиймати ва истеъмол қиймати. Пулни пайдо бўлиш тарихи. Пулни пайдо бўлиши ва қийматнинг шакллари. Пул тараққиётининг босқич ва шакллари. Қимматли металларни пул вазифасини бажаришининг сабаблари. Қофоз пуллар муомиласини ташкил этишда айрим шахсларнинг ўрни. Бозор иқтисодиёти шароитида пулнинг аҳамиятини ошишининг сабаблари. Пулнинг функциялари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Иқтисодиётни ривожлантиришда пул барқарорлигини таъминлашни

ўрни. Республикализ Президенти И.А.Каримов томонидан сўмни барқарорлигини таъминлаш бўйича кўрсатилган омиллар. Пул тўғрисидаги металлик, номиналлик, миқдорийлик ва монитаризм назариялари ҳамда олтин танга стандарти, қўйма олтин стандарти ва олтин девиз стандарти ва бошқа оқимлар.

**Адабиётлар: 15, 19, 20, 23, 25, 27, 30, 47, 57<sup>в</sup>**

### **1. Товар ишлаб чиқариш ва пулнинг зарурлиги.**

#### **Пулнинг моҳияти ва хусусиятлари.**

Маълумки, пул товар ишлаб чиқариш ва айирбошлишнинг узоқ вақт ривожланиши натижасида вужудга келди. Р.Крузо таъкидлаганидек, фақат товар ишлаб чиқариш бор жойда пул керак, якка одамга пулни кераги йўқ. Пулни товар айирбошлишни ўзи яратди.

Биринчи йирик меҳнат тақсимоти, яъни чорвачиликдан дехқончиликни ажralиб чиқиши ва шу муносабат билан товар хўжалигининг ривожланиши туфайли маҳсулот қийматининг ифодаси бўлмиш пулни келтириб чиқарди.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, товар турларининг кўпайиши алмашув жараёнинг янада ривожланишини тақозо қилди. Алмашув жараёнида товар эгалари ўзаро мулоқотда бўлиб, товарнинг эгаси ўз маҳсулотини (мулкини) баҳолаган. Шу баҳолаш жараёни бирор ўлчов бирлиги бўлишини тақозо қилган. Товар муюмласининг эквивалент ривожланиш жараёнида умумий эквивалент шаклини ҳар хил товарлар ўйнаган. Ҳар бир жамоа ўз товарини эквивалент сифатида ўртага қўйган. Лекин жамият тараққиёти шу товарлар ичидан пулни товарларнинг товари деб эътироф этган.

**Пул** – бу маҳсус товар, умумий эквивалент бўлиб, абстракт меҳнат харажатларини ўзида акс эттиради ва товар хўжалигидаги ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини ифодалайди.

Бу таъриф пулни қуйидаги хусусиятларини ўзида ифодалайди:

1. Пулнинг бошқа товарлардан ажralиб турувчи маҳсус товарлиги.
2. Пул – бу умумий эквивалент – ягона товар бўлиб қолган товарлар қийматини ўзида ифода қилиши.
3. Пулнинг эквивалент сифатида товарни яратишга кетган меҳнат ва бошқа харажатларни ўзида ифода қилиши.
4. Пулнинг ҳар бир иқтисодий тизимда, товар ишлаб чиқаришда кишилар ўртасидаги юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ифода қилиши ва бошқалар

(пулда ифодаланувчи хусусий меҳнат ижтимоий меҳнат сифатида намоён бўлиши).

Пулнинг муҳим хусусияти шундаки, у ҳам бошқа товарлар сингари қийматга ва истеъмол қийматга эга бўлиши билан бирга бошқа барча товарларга қарама-қарши туради. Бу бир томонда пул, иккинчи томонда бошқа товарлар.

Пулнинг истеъмол қиймати шуки у ўз функциясини бажариб иқтисодиёт мушкулини осон қиласи (воситачи сифатида).

Пулнинг қиймати (қадр қиймати) деганда пул бирлигининг харид қилиш қобилияти, яъни унга қанча товар ва хизматлар харид этиш мумкинлиги тушунилади.

Пулни қиймати метал пулни забт этиш ёки қофоз пулни босиб чиқариш харажатларини билдирамайди. Бу харажатлар пул қиймати эмас, балки пулни муюмлага киритиш сарфлариdir. Пулни қиймати нархга боғлиқ, нархлар кўтарилиб, кетса, уни қиймати (қадри) пасаяди ва аксинча.

Умуман пул инсоният кашфиётлари ичida энг оддий, энг тушунарли бўлиб ҳисобланади.

Инсониятнинг бутун ютуклари ҳам, фожиалари ҳам пул билан боғлиқдир. Инсон фаолиятини энг муҳим характеристика келтирувчи кучлардан бири пул бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Таниқли давлат арбобларидан бири таъкидлаганидек, «Давлатни ўрни уни қанча солдати ёки пушкаларини қудрати

билан эмас, балки миллий валютанинг мустаҳкамлиги билан белгиланади. Бунга шуни қўшимча қилиш мумкинки, корхонанинг мавқи унда неча кишини ишлаши, ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори билан эмас, балки унинг молиявий барқарорлиги билан белгиланади».

Яхши ишлаётган пул тизими жамиятнинг барча имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини беради, аксинча ёмон ишлаётган пул тизими пул муомиласини издан чиқариб ишлаб чиқариш даражасидаги кескин пасайишлар, иктисолддаги бандликка ва баҳога, пулни сотиб олиш қобилиятини пасайишига салбий таъсир кўрсатади.

Тарихий манбаларга кўра биринчи қоғоз пуллар XII – асрда Хитойда чиқарилган. Шунинг билан бирга 700 йилларда кумуш тангалар чиқарилгунга қадар Бухоро давлатида қоғоздан пул сифатида фойдаланган.

Умуман тарихда биринчи тангалар VII – асрда кичик Осиёдаги Лидия мамлакатида забт этилган.

К.Маркс, А.Смит ва Д.Рекрдоларнинг тадқиқотларига таянган ҳода пулни вужудга келиш жарёнини қийматнинг қуидаги шакллари билан боғлайди:

### **1. Қийматни оддий ёки тасодифий шакли.**

Бу товар ишлаб чиқаришнинг дастлабки даврига тўғри келиб товарлар пулсиз бир-бирига бевосита айирбошланган. Бунда маҳсулот айирбошлаш учун ишлаб чиқарилмаган, лекин уни

ортиқчаси тасодифий шаклда айирбошланган. Тасодифий айирбошлаш меҳнат маҳсулотининг товарга айланганлигини ифодалайди. Айрибошлаш натижасида товар маҳсулоти ўзига тенг қийматли эквивалент маҳсулотга айрибошланади. Айрибошлаш жараёнида истеъмолни қондириш биринчи даражали масала, товарлар қийматини таққослаш эса иккинчи даражали масала сифатида қаралган. Масалан, 1 болта = 20 кг дон.

### **2. Қийматнинг тўла ёки кенгайган шакли**

Товар айрибошлаш ривожланиши билан тасодифий қиймат шаклидан тўла ёки кенгайтирилган шаклига ўтилган. Бундай айрибошлашда бир товарга қарама-қарши фақат битта товар эмас, балки бир нечта товарлар иштирок этади. Масалан, Суданликларда




Бунда ўз қийматини бошқа товарга айирбошланаётган туз нисбий қиймат шаклида, қолганлари, яъни қўй, эчки ва буқа эса қийматни ўзида ифода этувчи материал бўлиб хизмат қилади ва уларнинг қиймати эквивалент қиймат шаклида туради.

### **3. Қийматнинг умумий (эквивалент) шакли**

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан айирбошланадиган маҳсулотлар сони ҳам ортиб боради ва айирбошлашда мураккаб ҳолат вужудга келади. бирор бир товар сохиби ушбу товарни ўзининг истеъмолига зарур бўлган бошқа бир товарга айирбошланиши учун аввалом бор ўзининг товарига эҳтиёжи бўлган бошқа бир истеъмолчини топмоғи керак бўлади, айирбошлаш мураккаблашиб унинг ривожланишига тўсқинлик қилади.

Аста-секин товарлар орасида ҳамма товарларга айирбошланаоладиган ва ҳамма товарлар қийматини ўзида ифода эта оладиган маҳсус товар ажралиб чиқади. Товарлар дунёсидан чиқсан маҳсус товар қолган барча маҳсулотлар учун умумий эквивалентга айланади.

Масалан:



Бунда умумий эквивалент вазифасини 10 буш кўй бажарган.

#### 4. Қийматнинг пул шакли

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва айирбошлаш жараёнининг тобора ривожланиб бориши худудлар, мамлакатлар ўртасида савдо-сотиқни, товар айирбошлашнинг заруриятини юзага келтиради. Турли мамлакатларда турли товарлар умумий эквивалент ҳисоблангангалиги бу жарённинг тараққий этишига тўсқинлик қилади.

Натижада бутун товарлар дунёсидан шундай товарлар ажралиб чиқадики, у барча худуд ва мамлакатларда умумий эквивалент сифатида қўлланила бошлади. Бу вазифани дастлаб қимматбаҳо металлар мис ва кумуш, кейинчалик олтин бажарадиган бўлди.

Охир оқибатда оддий товар кўринишидаги умумий эквивалент ўрнига пул шаклидаги умумий эквивалент, яъни пул майдонга чиқди.

Масалан:



Бунда олтин оддий товар эмас, балки пул кўринишини олади.

Умуман пул ўз тарақкүйётида 4 босқич ва 4 шаклга эга бўлган:

1. Товар шаклида - “кўйма” асримиздан олдинги VII – асрчага
2. Танга пуллар – “танга” асримиздан олдинги VII-XIX - асрлар
3. қоғоз пуллар – “банкнот” XIX-XX асрлар
4. Электрон пуллар – “карточка” XX – аср ўрталаридан

Шуни таъкидлаш лозимки узоқ йиллар давомида қимматли металлар пул вазифасини бажарган ва унинг асосий сабаблари бўлиб:

1. Уларни қиймати юқори, ҳажми кичик.
2. Улар бўлинувчан, улар бўлингандан сифатини йўқотмайди.
3. Уларнинг яхши сақланиши (масалан, кўмганда ҳам).
4. Уларни олиб юриш қулай
5. Бир оғирликдаги олтин бир-биридан деярли фарқ қилмайди (бир турдаги мўйна бир-биридан нимаси биландир фарқ қилинади) ва бошқалар.

Айрим манбаларга кўра (“экономическая теория” под.ред.В.И.Виляпина, Добрянин А.И. Москва. 2001 й стр.141-166) дастлабки қоғоз пуллар XII-асрда Хитойда, 1571 йилда Францияда, 1690 йилда АҚШ да, XVIII- асрда Екатерини II-даврида Россияда пайдо бўлган.

Қоғоз пуллар муомиласини ташкил этишда Джон Ло (Франция 1710-1720 йиллар), ДубасовИ.И (1897-1987 йиллар Россия) каби айрим шахслар фаолиятини қайд этиш лозим.

Джон Ло дуэлда қатнашгани учун Лондон турмасидан қочиб Голландияда, кейин Италияда яшаб анча бойлик ортирган ва 1710 йилда Франция давлат бюджети даромадини ошириш бўйича хукуматга қоғоз пуллар чиқариш бўйича таклиф билан чиқсан. Ўша пайтда Франция Молия Вазири бўлган Джон Ло 1720 йилда пулни қадрсизлангани туфайли Францияни тарк этади. 1716-1720 йиллардаги қоғоз пуллар бўйича Джон Лони “Машинник и пророка” дейилсада, у Европа халқига қоғоз пулларни ажойиб имкониятларидан воқиф этди.

## **2. Бозор иқтисодиёти шароитида пулининг аҳамиятини ошиши.**

Мамлакат ривожланишининг асосий воситаларидан бири пул бўлиб, бозор иқтисодиётига ўтиш ва унда фаолият юритишида унинг ўрни ва аҳамияти янада ошиб боради. Дарҳақиқат, пул – “бозор тили” деб бежиз айтилмаган. Ҳар бир иқтисодий ахборот, товарлар ва хизматлар баҳоси, тўловлар, даромаду харажатлар, молиявий талаблар ва мажбуриятлар, иқтисодий алоқалар микро ва макро даражаларда фақат пулда ифода қилинади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида пул аҳамиятининг ортиб бориши жамиятимизда мавжуд ҳуқуқий ва жисмоний шахслар фаолияти ва унинг натижаси – даромади пул билан боғлиқ.

Бозор иқтисодиётини муҳим омилини пул ташкил этади. Бозор иқтисодиёти пул билан тирик, чунки такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барчасида пул воситачилик қиласи. Бозор иқтисодиёти шароитида товарлар ва хизматларнинг ишлаб чиқаришдан бошлаб истеъмолчигача бўлган жараён пул воситасида амалга ошади.

Бозор иқтисодиёти шароитида пул муомиласини уюштириш, товарларни айирбошлиш, пулларни сақлаш ва тақсимлаш, бўш пулни қарзга бериш, корхоналар ўртасидаги иқтисодий алоқалар янада кучайиб, мураккаблашиб боради. Пул шаклидаги маблағлар бозор орқали ресурсга айланади ва улар иштирокида товарлар яратилади, товарлар сотилиб яна пулга айланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида нафакат пул, балки унинг эквивалентларидан – акция, облигация каби қимматли қоғозлар ва бошқалардан кенг фойдаланилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида илгари пулга айлантирилмаган айрим воситалар ҳам энди пулда ўз аксини топади (ер ва бошқалар).

Умуман бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар молиясини ташкил этиш, пулни айланishi, умуман хўжаликлар

фаолиятини ташкил этилиши янги пул муносабатлари асосида ташкил этилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб бозор иқтисодиёти шароитида пул иқтисодий қувват, иқтисодиётнинг ўзига хос ташриф қоғози бўлиб хизмат қиласи.

### **3. Пулнинг функциялари.**

Пул иқтисодий муносабатларни ўзида акс эттириб қуйидаги функцияларни бажаради:

**1. Қиймат ўлчови** – пул умумий эквивалент сифатида ўзида ижтимоий меҳнатни мужассамлаштиради ва шу сабабли товарлар қийматини ўлчай олади. Товарни қанча туриши пулда белгиланади. Буюмларни оғирлиги, эни ва бўйига қараб, килограмм ёки метр билан ўлчагандай товарларнинг нархи пул билан ўлчанади. Ҳар бир мамлакатнинг ўз пул бирлиги мавжуд бўлиб, бу Ўзбекистонда сўм, АҚшда доллар, Англияда фунт стерлинг, Туркияда лира, Германияда марка ва бошқалар.

Бу вазифани узоқ йиллар ўз қийматига эга бўлган товар – олтин ёки олтинни ўзида ифодалайдиган пул бирликлари бажариб келган.

**2. Муомила воситаси.** Бу функция ёрдамида товар ўзининг пул қийматига айирбош қилинади. Пул ёрдамида товарни харид этиш, пулга товар айирбошлиш (П-Т) ёки товарни сотиш,

яъни товарни пулга айрибошлаш (Т-П) юз беради. Бу жараёнда пул воситачилик қиласи, пул муомила воситаси функциясини бажаради.

Пул иштирокида товар айрибошлаш товар муомиласи шаклини олади. Бундан фарқлироқ бартер – товарни товарга бевосита алмаштириш бўлиб маълум келишилган нархни тақозо этсада пул иштирокисиз юз беради.

Бартер пулсиз айрибошлаш бўлганидан бозор иқтисодиётига тўғри келмайди, шу сабабли у пул қадрсизланган, товар топиш мушкул бўлган пайтларда қўлланилади.

Ўта тақчиллик юз бериб, бозор алоқалари бузилган шароитда талон ва купонлар товар айрибошлашда қўлланилган ҳоллари ҳам мавжуд. Бартер тараққий этган мамлакатлар учун хос эмас. Бу шунинг учунки айнан айрибошлаш учун минг йиллар олдин пул уйлаб топилган. Шунинг билан бирга ёш мамлакатлар ўзини тутиб олгунча, улар бозорларини хом-ашё ва ускуналар билан тўлдиришда бартерни маълум аҳамияти бор.

Ўзбекистонда 1994 йилда умумий экспортни 17 фоизини бартер ташкил этган. 1995 йилда у икки баробардан кўпроқга камайди.

**3. Тўлов воситаси.** Айрим адабиётларда пулнинг тўлов воситаси унинг муомила воситаси билан қўшиб юборилади. Аслида улар ўртасида туб фарқлар мавжуд ва уларни асосийлари қўйидагилар:

а) муомила функцияси товарни фақат нақд пулда сотилишини билдиrsa, тўлов функциясида товар ҳам нақд пулда ҳам нақд пулсиз ҳолда сотилади.

б) муомила воситасида товар ва пул харакати бир вақтда амалга оширилади деб тушинилади, тўловда эса у кечиктирилиши ҳам мумкин, кредитга амалга оширилиши ва тўлов муддатини кутилиши мумкин.

с) муомила воситасида товарни сотувчи ва олувчи ўртасидаги муносабат бир йўла тугайди, тўловда эса узоқ давом этади ва у дебеторлик ва кредиторлик қарзларига сабаб бўлади.

Пулни тўлов воситаси орқали давлат бюджетига ва кредит тизимига тўловлар амалга оширилади, ахолига иш ҳаки, нафақа, коммунал ва бошқа хизматларга тўловлар амалга оширилади. Пулни тўлов функциясини тан олмаслик дебитор ва кредитор қарзларни ошишига, кредит бўйича ва бошқа молиявий мажбуриятларни бажарилмаслигига, хўжалик жараёнларининг меъерида боришига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

**4. Жамғарма воситаси.** Бу пулнинг жамланган бойлик шаклига кириб ўз эгаси учун керак бўлганда харид этиш воситаси бўлиб хизмат қила олшидир. Пул қоғоз ёки танга бўлгани учун бойлик эмас, балки ўзида меҳнатни мужассамлаштиргани, унга ҳамма нарсани харид этиш ёки уни жамлаб сақлаш мумкин бўлгани учун бойлик ҳисобланади.

Пул бойлик жамгаришнинг энг қулай усулидир, чунки пулда ликвидлик бор, яъни пул ҳамма ерда унга белгиланган номиналга (масалан 500 сўм) қараб тўлов учун қабул қилинади. Пул бошқа ликвидлик воситаларига нисбатан (ер, бино, акция, облигация, сертификат) барқарор восита ҳисобланади, унинг қадри инфляция бўлмаса барқарор сақланади, бошқа ликвидларни эса нархи-қадри ўзгариб туради.

Пулни сифати ва сони мавжуд. Пулни сифати чексиз бўлиши, яъни пулга зарур бўлган вақтда хоҳлаган товарга айлантириш имконияти мавжуд, сони чекланган бўлиши мумкин, чунки унга чекланган миқдорда товар сотиб олиш мумкин.

Пулни қимматбаҳо, ноёб буюмларга, санъат асарларига, уйжой, ер, машина, асбоб-ускуна, акция, облигация ва бошқалар шаклида ҳам жамғариш мумкин.

Адабиётларда пул хазина тўплаш вазифасини ҳам бажариши мумкинлиги қайд этилади. Уни факат ўзининг реал қийматига эга бўлган пуллар (қимматбаҳо металлар) бажара олади. **Қофоз пуллар асосан муомила ва тўлов** вазифасини бажаради.

Ўтмишда пул **жахон пули** вазифасини ҳам бажарган. Бунда мамлакатлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, товар ва хизматлар учун тўловлардаги баҳо масштабини ҳар бир мамлакатнинг пул бирлигини маълум олтин таркиби бўлишилиги билан характерланади. Жумладан, 1961 йилдаги пул реформасидан кейин СССР рубли – 0.987412 граммга, 1 АҚШ\$ = 0,88 грамм олtinga

тенглаштирилган. Ҳозир бундай тартиб йўқ, чунки ХВФ нинг 1976 йил майдаги Ямайканинг Кенгстон шаҳридаги йигилишида олтин бундан буён жаҳон пули вазифасини бажармаслиги эътироф этилган. Шу сабаб ҳозир ўзаро ҳисоб-китобларда жаҳон пули эмас, жаҳон пулларидан фойдаланилади ва бу вазифани обрўли пул бирликлари бажаради.

Пулнинг **функциялари ўзаро** узвий боғлиқ ва улар бирбирини тўлдириган ҳолда пулнинг моҳиятини тўлиқ ифода қиласи. Пулнинг функциялари кетма-кетлигига эътибор бериш зарур. Пул қиймат ўлчови вазифаларини бажармасдан туриб муомила, жамғарма ва тўлов воситаси бўлаолмайди. Пулнинг қиймат ўлчови сифатида мустаҳкамлиги унинг муомила, тўлов, жамғарма функцияларидаги ўрни ва аҳамиятини оширади, ҳалқаро миқёсда ҳам юқори обрўга эга бўлади.

#### **4. Иқтисодиётни ривожлантиришда пул барқарорлигини таъминлашни ўрни ва омиллари.**

Бозор иқтисодиёти шароитида пул унга юклатилган вазифаларни бажаргандагина у иқтисодиётни барқарор ушлаб туришга ва тараққий эттиришга хизмат қиласи.

Республикамиз Президенти И.А. Каримов 1995 йил 21-декабрда Олий Мажлиснинг IV – сессиясида таъкидлаганидек – “Бугунги энг муҳим вазифа валютамиз бақувват, дунёда обрўли

валютага айлантиришдир, у юксак қийматга ва катта кучга эга бўлиши лозим. Сўмни барқарорлигини таъминлаш ва қадрини ошириш умуммиллий вазифа. Республикаиздаги барча фуқароларнинг фаровонлиги ана шу вазифани ҳал этилишига боғлиқ. Аслини олганда бу иқтисодий вазифагина эмас, ҳозирги пайтда ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик вазифага айланмоқда, чунки иқтисодиётнинг юксалиши ҳам, аҳоли турмуш даражаси ҳам, давлатнинг обрў-эътибори ҳам шу вазифанинг бажарилишига боғлиқ. Ҳисоб-китобларимиз ҳамда бу вазифани ҳал этиш учун барпо қилинган ва тўплаган салоҳиятимиз ҳозир ўз олдимизга ана шундай вазифани қўйишимиш ва уни бажаришимиз мумкинлигини кўрсатмоқда. Буни учун нима қилмоқ керак?:

**Биринчи навбатда** сўмнинг харид қувватини ошириш учун истеъмол бозорини керакли моллар билан тўлдириш, ахолини эҳтиёжларини қондирадиган ва хориждан келтириладиган моллар билан рақобат қила оладиган ўз маҳсулотимизни ишлаб чиқаришга зўр бериш зарур бўлади.

**Иккинчидан,** янги йилда валюта захираларини кўпайтириш чораларини кўришимиз лозим. Бунинг учун республикамизнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, корхоналарнинг экспорт қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқариш, жаҳон бозоридан мустаҳкам жой олиш жараёнларини чуқурлаштириш лозим. Экспорт қилинадиган молларни бутун чоралар билан кўпайтириш ва шу

ҳисобдан валюта тушумини ошириш учун ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишимизни қилишимиз керак.

**Учинчидан,** ёқилғи-энергия манбаларини, кўпгина ускуна ва озиқ-овқат маҳсулотларини четдан сотиб олишни камайтириш, уларни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулот билан алмаштириш, ташқи савдо балансини мустаҳкамлашнинг муҳим жиҳатидир. Бу жараён энергия манбалари ва асосий озиқ-овқат маҳсулотларини четдан сотиб олишни энг кам зарур микдорга қадар камайтиришга олиб бориши лозим.

**Тўртинчидан,** капитал бозорининг барча воситаларидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистоннинг қимматли қоғозлар бозорини ривожлантирган ҳолда, аҳоли маблағларининг, шунингдек корхоналарнинг вақтинча эркин маблағларини жалб этиш бўйича амалга ошираётган ишларимизни тубдан қайта кўриб чиқишимиз зарур...

Белгиланган тадбирларни амалга ошириш, алмашув курсини барқарорлаштириш, миллий валютани мустаҳкамлашда ўз самарасини кўрсатиши лозим.

Миллий валютамизни мустаҳкамлаш ва унинг эркин муомиладаги қувватини ошириш **иккинчи устивор** вазифа – пул қадрсизланишининг кескин равишда камайтириш билан бевосита боғлиқдир”.

Пулнинг барқарорлиги деганда **пулнинг сотиб олиш қийматининг ўзгармаслиги ва валюта доимийлиги** тушунилади.

Шунга асосан уни сотиб олиш қобилияти унга тўғри келадиган товар ва хизматларнинг **микдори** билан, пулга бўлган талаб ва таклифни мувозанати билан, давлат бюджети тақчиллигининг ҳолати билан, инфляцияга карши кўриладиган чораларга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Республикамиз ҳукумати томонидан пул барқарорлигини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган пул-кредит ва монетар сиёсати кейинги йилларда иқтисодиётни янада барқарорлашувини таъминлашдаги ўрни қуидаги асосий макроиктисодий кўрсаткичлардан ҳам кўринади:

Кўрсаткичлар	2003 й.	2005 й.	2006 йил (режа)
Ялпи ички маҳсулот, млрд сўм	9664,1	15210	18263
Ўтган йилга нисбатан, %	104,4	107,0	107,2
Давлат бюджети тақчиллиги, %	-0,4	+0,1	-1,5
Ташқи савдо ижобий баланси, млн \$.	760,0	1317,5	1445,0

## 5. Пул тўғрисидаги назариялар.

**Пулнинг назарияси** – пул табиати ва пулнинг ишлаб чиқаришни шакллантиришга таъсири ҳақидаги назариялардир.

Иқтисодчиларнинг пулнинг моҳияти, унинг функциялари ва пул муомиласига бўлган қарашлари пул назарияларини келтириб чиқарди.

Энг асосий пул назариялари сифатида **металлик**, **номиналлик**, ва **микдорийлик** пул назариялари илк тарихий пул назариялари сифатида эътироф этилади. Ҳозирги кунда **монетаризм** ва иқтисодни **пул-кредит** муносабатлари орқали туртиблаштириш назариялари мавжуд.

**Металлик назарияси** – дастлаб XVI – асрнинг охири XVII – асрнинг бошларида капитализмнинг ривожланган мамлакати Англияда юзага келди. Бу назариянинг асосчиларидан бири У.Стеффард (1554-1612 й.) эди. У ўз қарашларини 1581 йилда Лондонда чоп этилган “Ватандошларимизнинг баъзи одатий аризаларининг қисқартмаси” номли пулнинг металлик назариясига оид асарида баён этди. Унинг давомчилари бўлиб Англияда Т.Мен (1571-1641 й.), Д.Норс (1641-1691 й.), Францияда А.Монкретьен (1575-1621 й.), Италияда Ф.Тамани (1528-1787 й.) ва бошкалар ҳисобланади.

Ушбу назария намоёндалари:

- a) Қимматбаҳо металлар (олтин ва кумуш) пул вазифасини ўтайдолади.
- b) Жамиятнинг бойлиги қимматли металларнинг мавжуд захираси билан ўлчанади.
- c) Бу бойликнинг манбаи савдодадир дейдилар.

Европа давлатлари томонидан қимматли металларга бой бўлган ерларни босиб олиниши каби шарт-шароитлар ушбу назарияни келиб чиқишига асос бўлган. Ушбу назария асосчилари вакти келиб муомиладаги метал пуллар ўрнини қоғоз пуллар эгаллаши ва бу жараённинг қонунийлигини тушуниб етмаганлар.

Улар савдо буржуазияси манфаатларини ҳимоя килган.

**Номиналлик назарияси** XVII-XVIII-асрларда Англияда пайдо бўлган. Бу назариянинг намоёндалари бўлиб инглиз руҳонийси **Дж.Беркли** (1683-1775 й.) ва иқтисодчи Дж.Стюарт (1712-1780 й.) лар ҳисобланади. Кейинчалик бу назарияни Германиялик Г.Кнапи (1842-1926 й.), инглиз иқтисодчилари Ж.Стюарт ва Н.Барбонилар давом эттиришган.

Номиналистлар:

- a) Пулни давлат бунёдга келтиради, пулни қиймати давлат томонидан аниқланади. (шунинг учун уни давлат пул назарияси ҳам деб юритилади – Г.Кнапи).
- b) Пулни қиймати унда кўрсатилган номинали билан аниқланади. Улар тўла вазнга эга бўлган

муомиладаги метал пуллар борган сари маълум кисми эскириб йўқолиб боришини унутадилар. Улар пулнинг барча товарлар қийматини ўзида акс эттирувчи умумий эквивалент сифатидаги табиатини тушунмадилар. Пулни таркиби ундаги олтин грамм билан белгиланишини унутдилар. Улар пулнинг ўзига хос қонуниятлар асосида ҳаракат қилиши ва бу қонуниятлар инсон томонидан бевосита бошкарilmаслигини англаb etmadilar.

**Миқдорийлик назариясининг** бошловчиси бўлиб француз Ж.Боден (1530-1596 й.) ҳисобланади ва у XVI-XVIII –асрларни ўз ичига олади. XVIII – асрга келиб бу назарияни инглизлар Д.Юм (1711-1786 й.), Дж.Милль (1773-1836) ҳамда француз Шарль Монаскъё (1689-1755 й.) ривожлантиради.

Бу назариянинг асосини янги қитъаларни кашф этилиши ва улардан Европага қимматли металларни оқиб келиши ва шу билан боғлиқ равишда нарх-навонинг кескин ошиб кетиши ташкил этади.

Ушбу назария намоёндаларининг фикрича:

- Пулнинг харид қобилияти бозорда ўрнатилади.
- Муомилада эмиссия қилинган барча пуллар юради.
- Пулнинг харид қуввати муомиладаги пул миқдорига тескари пропорционалдир.

- Баҳолар даражаси пул миқдорига түғри пропорционалдир.

Бу назарияни миқдорийлик дейилишига сабаб Ж.Боден баҳоларни ўзгариши муомиладаги пул миқдори билан аниқланади деб тушунтируди.

Бу назария пулни фақат муомила воситаси эканлигини кўра олади. Уларнинг таъкидлашича пул ва товар массаларининг тўқнашиши натижасида баҳолар белгиланади ва пулнинг қиймати аниқланади.

Уларни яна бир хатоси шундаки, улар ҳамма пул массаси фақат муомилада бўлади деб қарашган. Аслида муомилага зарур бўлган пул миқдори пул муомиласи қонунига биноан аниқланади.

**Монитаризм назарияси** ҳозирги замон назарияларидан бири бўлиб 1950 йиллар ўртасида пайдо бўлган. Бу назариянинг йирик намоёндаси бўлиб Чикаго Университетининг профессори, иқтисод соҳасида Нобель мукофоти лауриати М.Фредман ҳисобланади. Бу оқим тарафдорларига К.Бруннер, А.Мольцер, Д.Лейдер, Ф.Кейген ва бошкалар киради.

Бу назария ҳам аслида миқдорийлик назариясини тарғиб этгани ҳолда, миқдорийлик назарияси бўйича юқорида қайд этилган тояларга қуйидагиларни кўшимча равишда тавсия этади:

- Банк фоизи даражаси
- Инфляция суръатлари муомиладаги пул миқдорига таъсир этади деб таъкидлашади.

Уларга биноан:

1. фоиз даражаси пасайса қарзга олувчи кўпаяди, ишлаб чиқариш кенгайиб даромадлар ошади ва у пул миқдорини ошишига олиб келади ва аксинча.
2. инфляция пул миқдорини тўғридан-тўғри оширади.

Уларнинг фикрича иқтисодиётни тартиблаш учун пул миқдорини ўзгартириб уни нормал ҳолга келтириш зарур, бу ишни Марказий банк амалга ошириши керак дейди. Улар иқтисодиётга амалий жиҳатдан ёндашиб пул массасини йилига ўртacha 3 % оширишни тавсия этишади. Ўзбекистонда 2004-йилда инфляция даражаси 3,7 фоизни, 2005 йилда 7,8 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2005 йилда Россияда 10,8 фоиз, Украинада 10,3 фоиз бўлган.

XIX – асрнинг иккинчи ярмига келиб немис иқтисодчиси К.Кейнс (1821-1898 й.) металлик назариясини ҳимоя килиб чиқиб (Германия) уни янги шароитга мослади. У пул сифатида факатгина метални эмас, балки марказий банк банкноталарни ҳам эътироф этди. Кейнсни фикрича пул муомиласи метал билан таъминланган банкнот (Марказий банк томонидан векселларни ҳисобга олиш ўюли билан чиқарилган – векселни бир тури) ва метал монетарларга асосланиши шарт.

Бу назариялардан ташқари пулни меҳнат назариясининг мохияти пулни қиймати бошка товарлар каби сарфланган меҳнат харажати билан ўлчанади – умумий эквивалент сифатида.

Булардан ташкари пулни олтин танга, қўйма олтин ва олтин девиз стандартлари каби оқимлари мавжуд.

**Олтин танга стандарти** (олтин монометализми) XVII – асрда Англияда, XIX – асрда бошка мамлакатларда жорий этилган. Бу металлик назариясининг бир йўналиши бўлиб инфляцияни инкор этади. Бу тизим биринчи жаҳон урушигача хукм сурди.

**Қўйма олтин стандарти** – 1920 йилларга тўғри келиб у олтин тангадан фарқ қилиб, муомиладаги банкноталар 12-12,5 грамм олтин қўймаларига алмаштирилган. Унга айлантириш учун Англияда 1700 Ф.Стерлинг, Францияда 215 минг франк талаб килинган. Бу билан олтин муомиладан халқаро айланувга чиқарилди. Ички айланишда эса бундай имкониятга фақатгина йирик фирмалар ва пулдорлар эга бўлдилар.

**Олтин девиз стандарти.** Қўйма олтин стандартига кирмаган мамлакатлар ўз кредит пулларини олтин стандартга кирувчи мамлакатларнинг валюталарига алмаштирилган. Бу бир мамлакат валютасини иккинчи мамлакат валютасига боғлиқликни келтириб чиқариб олтин девиз номини олди.

Бунинг шартларидан бири АҚШ долларигагина олтин билан алмаштирилиши бу стандартдан фойдаланиш ҳукуқини фақатгина чет эл эмиссион банклари учунгина сақлаб қолинган эди. 1971 йил декабридан АҚШ долларини олтин паритети бекор қилиниши билан у ўз кучини йўқотди.

### **Мавзууни мустақил ўзлаштириш бўйича саволлар:**

1. Пул келиб чикишининг иқтисодий асослари нимада?
2. Пулнинг моҳияти ва у қандай хусусиятларга эга?
3. Пулнинг қиймати ва истеъмол қиймати нима?
4. Пулни пайдо бўлиши қандай тарихга эга?
5. Пулни пайдо бўлиши қийматнинг қандай шакллари билан боғлиқ?
6. Пул тараққиётида қандай босқич ва шакллар бўлган?
7. Қимматли металларни пул вазифасини бажаришининг сабаблари?
8. Қоғоз пуллар муомиласини ташкил этишда айрим шахсларни ўрни нимада?
9. Нима учун бозор иқтисодиёти шароитида пулнинг аҳамияти ортади?
10. Пул қандай функцияларни бажаради?
11. Иқтисодиётни ривожлантиришда пул барқарорлигини таъминлашнинг ўрни нимада?
12. Пулнинг барқарорлигига қандай омиллар таъсир этади?
13. Пул тўғрисида қандай назариялар мавжуд, уларни ғоя ва камчиликлари нимада?
14. Пул тўғрисида қандай оқимлар мавжуд?

## **2- Мавзу: Пул тизими ва пул муомиласи**

### **Режа:**

1. Пул тизими ва унинг элементлари. Пул тизимининг турлари.
2. Ўзбекистон Республикасининг пул тизими ва унинг ривожланиш тарихи.
3. Халқаро валюта муносабатлари. Валюта тизими ва унинг элементлари.
4. Валюта курси, уларни турлари ва унга таъсир этувчи омиллар.
5. Инфляция, унинг келиб чиқиш сабаблари, шакллари, оқибатлари ва ундан чиқиш йўллари.
6. Муомиладаги пул массаси ва уни бошқариш. Пул муомиласини барқарорлаштириш йўллари

### **Таянч тушунчалар.**

Пул тизими. Пул тизими элементлари. Пул тизими турлари. Валюта.

Валюта тизими ва валюта мунасабатлари. Валюта тизимининг турлари. Валюта курси ва паритети. Валюта курсининг турлари. Инфляция ва унинг турлари. Инфляциядан чиқиш ва унга қарши

курашиш чоралари. Инфляциянинг иқтисодиётга таъсири. Муомиладаги пул массаси. Пул массасига таъсир этувчи омиллар. Касса айланмаси хомчўти. Аҳолини даромадлари ва харажатлари баланси. Пул агрегатлари. Пул муомиласини бошқаришда Марказий банк томонидан қулланиладиги усуллар. Пул муомиласини барқарорлаштириш йўллари.

**Адабиётлар: 6, 17, 22, 23, 25, 26, 27, 37, 57<sup>в</sup>**

### **1. Пул тизими ва унинг элементлари. Пул тизимининг турлари.**

Пул тизими деганда мазкур мамлакатда пул муомиласини қонуний ва мутоносиб равишда ташкил қилишда қулланиладиган услублар мужмуаси тушунилади.

Хозирги пул тизими XVI-XVII асрларда ишлаб чиқаришнинг капиталистик усулининг юзага келиши муносабати билан шаклланган, бироқ унинг айрим элементлари бундан олдинроқ пайдо бўлган.

Пул тизими куйидаги асосий элементлари ўз ичига олади.

1. Пул бирлиги, сўм, рубль ва бошқалар.
2. Баҳо масштаби-дастлаб у пул бирлигининг олтинга teng қисми сифатида, ҳозир жаҳон пулларига нисбати.

3. Пулнинг турлари. Щийматни ўзида ифодаланишига кўра пуллар икки турга хақиқий ва хақиқий пулни ўрнини босувчи пулларга бўлинади.

Хақиқий пуллар номинал қийматини узида ифодаловчи реал қийматга эга бўлган метал пуллар бўлиб улар ҳар хил шаклларда чиқарилган. Щоғоз пуллар хақиқий пулларнинг вакили бўлиб пулнинг муомила функцияси ривожланиши натижасида юзага келган.

Умуман пуллар қўйидаги турларга бўлинади

### 1. Щоғоз пуллар

#### 2. Кредит пуллар. Кредит пуллар қоғоз пуллардан фарқ

қилиб улар бир вақтни ўзида қийматни ифодалайди ва у кредит хужжат бўлиб, кредитор ва қарз оловчи ўртасидаги иқтисодий муносабатни акс эттиради. Кредит пулларга давлат банки билетлари, вексел, банкнот, чек, кредит карточкаси ва бошқалар киради.

3. Тангалар асосан некель ва бронзадан тайёрланади. Тарихий маълумотларга кура биринчи тангалар бундан 26 аср олдин Лидия ва Хитойда, VII асрларда хозирги Марказий Осиё давлатларида, IX-X асрларда Киев русида зарб килинган. Дастрлаб тангалар олтиндан, кейинчалик улар бошқа металлда зарб килинган.

Щоғоз пуллар тарихий манбаларга кура XII-асрда Хитойда, 700-йилларда кумуш тангалар чиқарилгунга кадар Бухоро давлатида когоз пулдан фойдаланилган. Америка ва Европада қоғоз пуллар XVII-XVIII асрларда чиқарилган

4. Эмиссия тизими - Бу муомиладаги банк билетлари, хазина билетлари, қоғоз пулар ва қимматли қоғозларни чиқаришдир. Буни Марказий банк амалга оширади. Щимматли қоғозларни уларни эмитентлари - давлат, банклар, хиссадорлик жамиятлари чиқаради.

5. Муомиладаги пул массасини тартибга солувчи давлат муассаси- Марказий банк.

Пул тизимининг тарихан 2 тури мавжуд.

1. Металл пуллар тизими.
2. Кредит ва когоз пуллар тизими.

Метал пуллар тизими биметализм (олтин ва кумушни қонуний тартибда умумий эквивалент эканлиги) ва монометализм (факат уларни бирини умумий эквивалентлиги) турларига бўлинади.

Муомиладаги пулларнинг асосий қисмини қоғоз пуллар ташкил қиласди. Щоғоз пуллардан фойдаланилишига сабаб:

а) Щимматбаҳо металлар, хусусан олтин танга пулларни реал ва номинал қийматлари ўртасидаги фарқни вужудга келиши. Масалан. 10 граммлик танга файдаланилиши туфайли 7 граммга келган.

б) Баъзи мамлакатларда пулни реал ва номинал қийматлари тўйчи бўлмаган қалбаки тангаларни чиқарилиши.

в) Метал пулларни бўзилиши, йўқолиши давлат хазинасига қимматга тушади. Шоҳоз пулни чиқариш бунга нисбатан арzonга тушади.

Ривожланган мамлакатларнинг пул тизими қуйидаги элементларни ўз ичига олади.

1. Пул бирлиги.
2. Валюта курсини белгиловчи қоидалар.
3. Баҳо масштаби.
4. Пул қўринишлари – кредит билетлари, қоҳоз пул ва танга.
5. Эмиссия тизими
6. Давлат ёки кредит аппарати.

Ривожланган мамлакатларнинг замонавий пул тизими қуйидаги хусусиятларга эга.

- Олтинга алмашилмайдиган, кейинчалик қоҳоз пул айланадиган, кредит пулларга ўтиш.

- пулни муомилага нафақат хўжаликларни банклар томонидан кредитлаш, балки давлат харажатларини қоплаш учун чиқариш.

- пул муомиласида нақд пулсиз айланишнинг устунлиги
- пул муомиласини давлат томонидан тартибга солишнинг кучайиши.

Шу каби ривожланаётган мамлакатларнинг, ҳатто айрим мамлакатлар пул тизими ўзига хос хусусиятларга эга.

## **2. Ўзбекистон Республикасининг пул тизими ва унинг ривожланиш тарихи**

Қар бир давлат ўзининг пул тизимига эга бўлганидек Ўзбекистон мустакил пул тизимига эга. Республикаизда мустакил пул тизимини ташкил топишининг I-босқичи 1992 йилни ноябр ойида «сўм-қўпон» ларни муомилага чиқарилиши ҳисобланади. Пул тизимининг иккинчи босқичи 1994 йилнинг 1-июлидан муомилагача миллий валюта «сўм»ни чиқарилишидир.

Ўзбекистон республикасининг пул тизимининг элементлари:

1. Пул бирлиги - сўм
2. Пул бирлигининг турлари - қоҳоз ва метал пуллар
3. Уларни муомилага чиқариш қоидалари.

4. Пул, кредит валюта бошқарувини амалга оширувчи давлат органлари.
5. Нақд пулсиз тулов айланиши ва кредит пуллар муомиласининг олиб бориша давлат томонидан белгиланган шартлар.
6. Миллий валютани четга олиб чиқиш ва четдан олиб келиш қоидалари.
7. Халқаро хисоб - китобларни ташкил қилиш асослари.
8. Миллий валютани чет эл валютасига алмаштириш тартиби ва давлат томонидан белгиланган валюта курси.

Ўзбекистон миллий пул тизимининг асосий элементи бўлмиш сўм жамият манфатларига хизмат қилади. Шунинг учун пул тизимининг асосий вазифаси миллий пулимизнинг қадрини мустаҳкамлашдан иборат. Бу жуда маъсулиятли ва осон бўлмаган вазифа. Ўзбекистоннинг ўз иқтисодини бозор талабларига мос равишда ривожлантиришга қаратиши, бозор иқтисодиётига ўтишда Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларига эга эканлиги миллий валютанинг барқарор бўлишини тақозо этади. Зеро мустақил пул тизимиға эга бўлмасдан иқтисодий жиҳатдан мустақил давлат бўлиши мумкин эмас. Шу боисдан Республикализ Президенти И.А.Каримов – « бугунги энг муҳим вазифа валютамизни бақувват, дунёда обрули валютага айлантиришдир у, юксак ва катта кучга эга бўлиши лозим» - деган эди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб республикамизда 2003 йилни 15 октябридан жорий халқаро операциялар бўйича сўмнинг эркин алмаштирилиши жорий этилди.

Республикамизда миллий валютани хорижий валюталарга эркин алмаштиришга эришилганлиги мамлакатимиз иқтисодиёти янги юксалишларга эришаётганлигидан, уни жаҳон иқтисодий ҳамжамиятдаги интеграция жараёни янада тезлашаётганлигидан далолат беради.

Республикамиз Президентининг 2005 йил 5 августдаги ПК-147 сонли «Банклардаги депозит хисоб варақаларидан нақд пул туловларини ўзликсиз таъминлаш тўћрисида» ги қарори асосида банкларга бўлган ишончнинг таъминланиши натижасида 2005 йил январ - июл ойида банк кассаларига тушган ўртача ойлик нақд пул тушумлари 344 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, маскур қарор қабул қилингандан сўнг август – декабр ойларида бу кўрсаткич 515 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 49,7 % га ошди.

Агар 1996-2002 йиллар мобайнида нақд пулларнинг банк кассаларига қайтиши 80-93 фоиз оралиѓида бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилда 96,3 фоизни ташкил этди. Хусусан, 2005 йилда банк кассаларига тушган нақд пуллар 2004 йилга нисбатан 38,6 фоизга, шу жумладан савдо тушумлари 47,2 фоизга ошди.

### **3. Ҳалқаро валюта муносабатлари. Валюта тизими ва унинг элементлари**

Миллий доирада амал қилувчи, қадр – қиймати шу мамлакат бойлиги билан таъминланган пул валюта дейилади. Валюталар бир-бирига айрибошланганда валюта муносабатлари пайдо бўлади. Бундай муносабатлар жисмоний шахслар, фирмалар, банкларнинг валюта ва пул бозоридаги ҳалқаро хисоб китобларни амалга оширишда содир бўлади. Валюта муносабатларининг баъзи бир элементлари қадимий Римда векселлар асосида ва бир мамлакат савдогарларининг пулинин иккинчи бир мамлакат савдогарларига алмаштириб бориш заминида вужудга келган. Валюта муносабатларининг кейинги босқичи қадимий Лионда ва бошқа Ѓарбий Европа мамлакатларида ўтказиладиган тратта операцияларининг ривожланиши хисобланади. Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, жаҳон бозорининг барпо бўлиши, Ҳалқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва жаҳон хўжалик тизимининг ривожланиши ҳалқаро валюта муносабатлари ривожланишининг асосидир. Валюта муносабатлари ҳалқаро иқтисодий муносабатларининг бир бўлаги ҳисобланиб, унинг ҳолати миллий ва жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш даражасига, сиёсий ҳолатга, мамлакатнинг иқтисодий потенциалига, унинг жаҳондаги мавқеига ва бошқа омилларга боѓлиқ бўлади.

Валюта тизими давлатлараро битим ёки миллий қонунларга мувофиқ валюта муносабатларини ташкил қилиш ва бошқариш шаклларини ўз ичига олади. Валюта тизими икки элементдан – валюта механизми ва валюта мунасабатларини ўз ичига олади.

Валюта механизми деганда валюта билан боѓлиқ миллий ва ҳалқаро даражадаги хуқуқий меъёрлар ва муассасалар тушунилади. Валюта муносабатларига савол бошида тухталиниди.

Валюта тизимининг қуидаги турлари мавжуд.

1. Миллий
2. Жаҳон
3. Минтақавий

Миллий валюта тизими алоҳида олинган давлатнинг валюта муносабатиларини қонун асосида ташкил қилиш ва бошқариш муносабатларини ўз ичига олади. Миллий валюта тизими мамлакат пул тизимининг асосий қисмини ташкил этиб миллий валюта, валюта разервлари ҳажми ва тартиби, валюта паритети, мамлакат валюта муносабатларини бошқарувчи миллий махкамалар ва ташкилотлар статуси, валюта ва олтин миллий бозорларининг фаолият юритиш шартлари, валюта назорати, валютавий чекланишлар қоидалари, ҳалқаро кредит воситаларини миллий пул айланишида қуллаш қоидалари ва бошқаларни ўз ичига олади.

Жаҳон валюта тизими ҳалқаро тўлов воситаларининг маълум қисми сифатида валюта курслари ва валюта паритети конвертираш шартлари, ҳалқаро хисоб – китоб шакллари, ҳалқаро

валюта ва олтин бозорлари режими, халқаро ва миллий банк ташкилотлари, халқаро кредит воситаларини муюмилада қуллаш қоидалари, валютавий чеклашларни давлатлараро бошқариш усуллари ва бошқаларни ўз ичига олади.

Минтақавий валюта тизими ривожланган мамлакатларнинг жаҳон валюта тизими чегарасида ташкил этилади. Унинг асоси бўлиб, халқаро меҳнат тақсимоти, ташқи савдо ҳисобланади. Минтақавий валюта тизимига мисол сифатида Европа валюта тизими ва бошқаларни курсатиш мумкин.

Минтақавий валюта тизимларига баъзан улар сиёсий иттифоқ билан бирлашмаган бўлса келажаги йўқ деган қарашлар ҳам мавжуд. Жумладан, 1865 йилдан 1914 йилгача Франция, Белгия, Италия, Швеция, Греция ва Болгариялар кирган монетор иттифоқ биринчи жаҳон уруши бошланиши билан тугади.

Шу каби Буюк Британия ва Ирландия, Бельгия ва Люксенбург ҳам ўзок вакт ягона валютадан фойдаланишган. Бунда ҳам валюта иттифоқи сиёсий интеграцияга олиб келмаган. (Ж. ЭО. 2002. №1-2. 66 стр)

Ўзбекистон мустақилликга эришгач халқаро муносабатлар субъектига айланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1991 йил 31 августдаги қабул қилинган давлат мустақиллиги тўћрисидаги баёнотда «Ўзбекистон Республикаси Халқаро ҳамжамиятнинг тенг хуқуқли аъзоси бўлиб, халқаро ҳамжамиятнинг тенг хуқуқли аъзоси бўлиб, халқаро

муносабатларда суверен давлат халқаро хукуқ субъекти бўлиб чиқади» - дейилган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов Конституциянинг 11 йиллиги муносабати билан 2005 йил декабрдаги нутқида «Ташқи сиёсатда биз ўзоқ ва яқин қўшниларимиз билан умумий тил топишимиз улар билан дўстлик ва қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашимиз, АШШ ва Европа Иттифоқи, Россия, Хитой, Япония ва Жанубий Корея ва бошқа жаҳоннинг етук давлатлари билан тенг хуқуқли муносабатларни ривожлантириш, ўзаро манфаат йўлида уларни имконияти ва бизга бўлган эътиборидан фойдаланиш» деган эди.

Мамлакатимиз 2005 йилда 130 дан ортиқ мамлакатлар билан ташқи савдо операцияларини амалга оширди. Мамалакатимиз жами савдо айланмасининг (9500 млн АҚШ доллари) 57,3 фоизи Европа мамлакатлари, 38,2 фоизи Осиё давлатлари, 4,2 фоизи Америка қитъаси давлатлари билан, 0,3 фоизи Африка ва Австралия қитъаси давлатларига тўћри келади.

Ўзбекистон Республикасининг валюта қонуниятларига «Валютани тартибга солиш тўћрисида» ги қонун (Тошкент 2003 йил), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 августдаги «Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда валюта операцияларини эркинлаштириш чора-тадбирлари тўћрисида»ги 355-сонли қарори ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

#### **4. Валюта курси, уларни турлари ва унга таъсир этувчи омиллар**

Миллий доирада амал қилувчи, қадр – қиймати шу мамлакат бойлиги билан таъминланган пул валюта дейилади.

Бир мамлакатнинг валютаси иккинчи бир мамлакатнинг валютасига айрибошлаш уларни шу муддатга бўлган курси асосида амалга оширилади. Бошқача айтганда пулни пулга сотилиши валюта курси дейилади.

Валюталар орасидаги нисбат валюта паритети ҳам деб аталади. Масалан, АШШ долларининг 2006 йил 20 июнига бўлган сўмнинг курси 1223 сўм, 78 тийинга teng, уларни паритети эса 1:1237,78 ga teng.

Валюталарнинг қуйидаги курслари мавжуд:

1. Тижорат банклари учун марказий банк белгилаган расмий курс.
2. Банкларни валюталарни сотиш ва сотиб олиш курслари
3. Валютани биржа курси
4. Тулов қобилияти паритети, инфляция ва бошқа баҳо индекслари асосида ҳисобланган реал курслар
5. Валюта операцияси турлари бўйича белгиланган спот, фарвард ва бошқа курслар
6. Валюталар савдоси асосида ҳисобланган кросс = курслар

7. Юқоридаги валюталар курслари асосида ҳисобланган ўртача ойлик, чораклик ва йиллик курслар

8. Норасмий валюта бозоридаги курс

Халқаро миқёсда пулнинг қадр – қийматига қараб валюталар:

1. Конвертиранган валюта – бошқа мамлакатлар валютасига эркин алмаштириладиган пул
2. Конвертиранмаган валюта – бу ички конвертиранган бўлиб жаҳон бозорига чиқишига тусқинлик қиласи.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов – 1996 йилни 1-июнидан Ўзбекистон Республикаси худудида тўла қийматли миллий валюта – ягона қонуний тулов воситаси бўлган сўмнинг муомилага киритилиши хақиқатдан ҳам инқилобий ходиса бўлди. Сўнгра сўмни ташқи валюта бозорида конвертациялаш зарур бўлади» - деган эди ва унга республикамиз 2003 йилни 15 октябридан 76 – мамлакат бўлиб эришди.

Конвертирантирган валюта ишончли равишда экспорт – импорт операцияларини утказишнинг кафолатидир.

Валюта курси қуйидаги омилларга боғлиқ:

1. Тулов балансининг ҳолати. Республикамиз тулов баланси 1989 йилда 125.1 млн. \$, 2000 йилда 317,3, 2003 йилда 760,8, 2004 йилда 1 млн \$, 2005 йилда 1317,5 млн \$ ижобий салдога эга 2006 йил режасига кўра у 1445 млн \$ га етади.

2. Инфляция даражаси. Республикаизда 2005 йилда инфляция даражаси 7,8 фоизни ташкил этди. Бу курсаткич Россияда 10,9 фоиз, Украинада 10,3 фоизни ташкил этган.

1. Мамлакатлар ўртасидаги миграция даражаси.
2. Сиёсий ва харбий ҳолат ва бошқалар

Пулнинг конвертациясига эришиш ўзоқ жараён бўлиб, унга ҳар бир мамлакат ўз миллий иқтисодиётининг ривожланиш даражаси ва жаҳон молия ҳамжамияти билан ҳамкорликга тайёргарлик даражасига боћлиқ. Жумладан, Хитой ўз валютасининг конвертациясига иқтисодий ислоҳатларни иккинчи ун йиллиги охирида, Жанубий Кория 1988 йилда ислоҳатларни 30 йилидан кейин, Италия ислоҳатларни 25 йилдан кейин эришган. (журн. РДК 2001. №1. 9 стр).

## **5. Инфляция, уни келиб чиқиши сабаблари, шакллари, оқибатлари ва ундан чиқиши йўллари**

Инфляция лотинча *infeotio* сўзидан олинган бўлиб шиш, буртиш, кўпчиш маъносини англатади.

Инфляция сўзи XIX аср ўртасидан бошлаб иқтисодий термин сифатида

кўллана бошлаган, унгача тиббиётда хафли усма касалини ифодалашда қулланилган.

Лекин хақиқатда ҳам хавфли, у умумиқтисод учун хавфли.

Инфляция сўзининг иқтисодий маъноси-муомилада мавжуд бўлган товарлар ва уларнинг баҳосига ва миқдорига нисбатан кўп пул чиқариш демакдир.

Инфляция сўзи пул муомиласи соҳасида АШШнинг Шимолий ва Жанубий штатлари ўртасида гражданлар уруши бўлганда муомилага жуда кўп миқдорда (450 млн грин бек) қоѓоз доллар чиқарилган вақтидан бошлаб қулланила бошлаган.

Уларни сотиб олиш қобилияти икки йилдан кейин 50 фоизга тушиб кетган.

Тарихга кўра уруш ва бошқа оғатлар сабабли давлат харажатларининг ошиб кетиши, инфляция билан ўзвий боћлиқ. Масалан, Англияда кучли инфляция XIX асрнинг бошида Наполион билан уруш даврида, Францияда францўз революцияси даврида, Россияда XIX асрнинг ўрталарида номоён бўлган. Германияда жуда юқори суръатлардаги инфляция 1923 йилларда бўлиб, муомиладаги пул массаси 496 квинтилион маркага етган ва пул бирлиги триллион маркага қадрсизланган. Олдинги инфляцияларнинг хусусияти шундаги, улар маълум даврда номоён бўлади. Қозирги давр инфляцияси одатда доимий (хроник) характерга эга бўлиб, хўжалик фаолиятининг барча соҳаларини

қамраб олиш билан, пул, омилларидан ташқари бошқа иқтисодий омилларга таъсир қилиши билан фарқланади.

Инфляциянинг асосий сабаблари.

а) Жамғарма ва истеъмол ўртасидаги.

б) Талаб ва таклиф ўртасидаги

в) Муомиладаги пул муассаси ва хўжаликларнинг нақд пулга бўлган талаби ўртасидаги номутоносибликлардир.

Булардан ташқари пул талабининг товар таклифидан ошиши натижасида пул муомиласи қонуннинг бўзилиши, ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши натижасида товарлар баҳосининг ошиши ва шу сабабли пул массасининг ортиб бориши, ишлаб чиқаришни қисқариши, баъзан бюджет дифицетини қоплаш учун қўшимча пул чиқариш ва бошқалар ҳам сабаб бўлади.

Инфляцияни юзага келтирувчи омилларни ички ва ташқи сабабларга бўлиш мумкин.

Ички омиллар мамлакатни монетар – пул сиёсати ҳамда хўжалик фаолияти билан боғлиқ (номутоносиблиқ, баҳолардаги давлатни якка хокимлиги, нотӯҳри кредит сиёсати, пул муомиласи қонунининг бўзилиши ва бошқалар).

Ташқи омилларга жаҳон иқтисодида бўлган инқирозлар (хомашё, ёқилғи, валюта буйича), давлатнинг валюта сиёсати, давлатнинг бошқа давлатлар билан бўладиган ноқонуний операциялари ва бошқалар киради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб инфляция деб ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланишида юзага келувчи диспропорциялар сабабли товарлар ва хизматлар баҳосининг умумий ва тўхтовсиз ўсиши ва натижада пул муомиласи қонунунинг бўзилиши оқибатида пул бирлигининг қадрсизланишига айтилади.

Инфляция қўйидаги шаклда номоён бўлади.

1. Товар ва хизматлар баҳосининг ўзлуксиз ва тартибсиз ўсиб бориши натижасида пулнинг қадризланиши ва уни сотиб олиш қобилиятининг тушиб кетиши.

2. Чет эл валютасига нисбатан миллий валюта курсининг тушиб кетиши.

3. Миллий пул бирлигига олтин нархининг ошиб бориши ва бошқалар.

Халқаро амалиётда инфляциянинг қўйидаги турлари мавжуд.

1. Судралувчи инфляция. Баҳоларнинг ўртача йиллик ўсиши 5-10

фоиздан ошмайди. Инфляциянинг бу тури кўпроқ ривожланган мамлакатларга хос бўлиб, малакавий иқтисодий ривожланиш даражасига кадар баҳолар ошиши 3-4 % атрофида ҳам бўлиши мумкин. Бу инфляция аксинча ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришни такомиллаштирувчи омил сифатида номоён бўлади.

- Сўзиб юрувчи инфляция. Бунда нарх наво тезроқ ўса бошлайди. Иқтисодий ўсиш суратлари пасаяди., ишсизлик кўпая боради. Инфляция йилига 8-12 % атрофида бўлади.
- Шиддатли. Бунда баҳоларни ўртача йиллик ўсиши 10-100 % (баъзиде 200 % гача) бўлиши мумкин. Инфляциянинг бу тури ривожланаётган мамлакатларга хос.
- Гиперинфляция. Баҳоларнинг ўсиш суръатлари йилига 200 фоиздан ошиб кетади. Бу инфляция мамлакатлар иқтисодий ривожланишининг инқирозли даврига мос келади ва у иқтисодиёт таркибий қисмларини ўзгариши билан боғлиқ.

Адабиётларда шу каби стагфляция (инфляцияни иқтисодий танглик билан биргаликда юз бериши), лоқал (бир мамлакат ёки жаҳон миқёсида), ички (бир мамлакат ичida), очик (қачонки баҳолари ўсиши сезилган ҳолда), ёпиқ (секретий – товар ва хизматлар сифатини баҳо ўзгармаган ҳолда ёмонлашувчи, товар дефицети содир бўлганда) инфляция тушунчалари мавжуд.

Инфляциядан фарқлироқ дефляция нарх-наво пасайишини, пул қадрини ортишини билдиради. У сабабли инфляциядан ютқазишлар дефляция ёрдамида қопланишлар содир бўлади.

Инфляциядан чиқиш учун:

- Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, уни ривожланишини рађбатлантириш (солик тизими, паст фоизли кредитлар ва бошқалар билан).
- Рақобатбардош товар ишлаб чиқариш ва уни жаҳон бозорига чиқариш.
- Муомиладги пул муассасини чеклаш ва бошқалар. Хозирги шароитда инфляцияга қарши курашиш чоралари.
  - Иш хаки ва ижтимоий туловларни индесациялаб бориши.
  - Тижорат банклари кредитлари бўйича фоизларини кайта кўриб чиқиб туриш.
  - Пулнинг банқдан ташкарига харакат қилишига йўл қўймаслик (касса аппаратларини жорий этиш ва бошқалар).
  - Шимматли қоѓозлар бозорини кенгайтириш ва бошқалар.
- Инфляциянинг иқтисодиётга таъсири.
  - Ишлаб чиқаришни стихиялиги кучаяди, тармоқлар мутоносиблиги бўзилади.
  - Бўш маблађларни ишлаб чиқариш соҳасидан муомила (савдо) соҳасига оқиб ўтишига сабаб бўлади.
  - Товарларни нормал харакати бўзилиб бозордан бозорга кучиб юриши содир бўлади.
  - Олиб сотарликга кенг йўл очилади.

5. Истеъмол ва эхтиёжни издан чиқаради. Щадрсизланган пулдан қочиш учун керакли, кераксиз товарлар сотиб олинади.
6. Товарларни кредитга сотиш қисқаради.
7. Банк фоизлари ошади, ўзок муддатли кредит бериш барҳам топади.
8. Аҳоли маблағларини жамғармага жалб этиш қийинлашади.
9. Бартер муносабатлари вужудга келади.
10. Бюджет тақчиллиги содир бўлади, эмиссияга зўр берилади ва у инфляцияни янада кучайтиради.

## **6. Муомиладаги пул массаси ва уни бошқариш. Пул муомиласини барқарорлаштириш йўллари.**

Маълумки, бозор иқтисодиёти товар-пул муносабатларига асосланган.

Товар муомиласини таминлаш пул миқдорига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Пул муомиласи қонуни - муомила учун зарур бўлган пул миқдорини белгилайдиган, товар-пул муносабатларини ўзида акс эттирадиган қонундир. Бу қонунга кўра муомила даврида муомилага зарур

бўлган пул миқдори барча товарлар сўммасига тўғри пропорционал пул айланиши тезлигига тескари пропорционал ўзгаради.

Хозирги шароитда муомила учун зурур бўлган пул миқдорига қуйидаги омиллар таъсир этади.

1. Сотиладиган товарлар миқдори (кўп бўлса кўп ва аксинча)
2. Товарларни баҳо даражаси (юқори бўлса кўп ва аксинча)
3. Кредитни ривожланиш даржаси (ривожланган бўлса нақд пул кам талаф этилади.)
4. Нақд пулсиз хисоб китобларни ривожланиш даражаси
5. Пулни айланиш тезлиги

Муомила учун зурур бўлган пул миқдорини юкоридаги омилларни хисобга олган ҳолда қуйидаги формулада ифодалаш мумин.

$$МУЗБПМ = \frac{СТВХМ - ШКВНПХКБ + МБТМ - ШББКТМ}{ПМВТВСУАТ}$$

Бунда: МУЗБПМ – муомила учун зарур бўлган пул миқдори  
 СТВХМ – сотиладиган товар ва хизматлар миқдори  
 ШКВНПХКБ – шундан кредитга ва нақд пулсиз хисоб – китоблар бўйича

МБТМ – мажбуриятлар бўйича тўловлар миқдори  
 ШББКТМ – шундан бир – бирини қоплайдиган туловлар миқдори

ПМВТВСУАТ – пулнинг муомила ва тулов воситаси сифатида ўртacha айланиш тезлиги.

Муомила учун зурур бўлган пул миқдорини аниқлашда касса айланмаси хомчўти ҳамда аҳоли даромадлари ва харажатлари балансидан ҳам кенг фойдаланилади.

Касса айланмаси хомчўти 1991 йилдан бошлаб мамлакатда кредитни ривожлантириш ва касса режалари ўрнига тузила бошланди. Уни тўзишдан мақсад нақд пулга бўлган эхтиёжни бутун республика ва банк муасссалари буйича аниқлаш ҳамда пул муомиласини барқарорлаш тадбирларини ишлаб чиқиши амалга оширишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси МБ-нинг 2005 йил 20 августдаги йуриқномасига биноан касса айланмаси хомчўти қуидаги асосий кирим маблаҗлари ва нақд пуллар чиқими йўналишари буйича тўзилади.

#### I-кирим

1. Истеъмол товарларини қайси канналлар орқали сотилишидан қатъий назар, уларнинг сотишдан тушган савдо тушумлари.
2. Темир йўл ва хаво транспортдан пул тушуми
3. Махаллий транспортдан пул тушуми.
4. Комунал ва турар жой туловлари бўйича тушумлар
5. Томошагоҳ ташкилотларидан тушган тушумлар
6. Маиший хизмат курсатиш корхоналаридан тушум

7. Солик йићимлари, бож туловлари ва бошқа мажбурий тўловлардан тушумлар

8. Щишлоқ хўжалик фаолияти билан шућулланувчи субъектлардан

тушумлар

9. Омонатлардан тушган тушумлар

10. Почта алоқаси корхоналаридан тушум

11. Банк пластик карточкаларидан тушумлар

12. Микрокредитлар қайтарилишидан тушумлар.

13. Бошқа тушумлар (армия, ички ишлар МХХ ва ФВВ, партия ва бошқа ташкилотлар).

Жами кирим.

Чиқимнинг киримдан ошиши

#### II-Чиқим

1. Иш ҳақига (шу жумладан стипендия ва хизмат сафари харажатлари) берилган нақд пуллар

2. Нефт маҳсулотларини сотиб олиш учун берилган нақд пуллар.

3. Щишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиб тайёрлаш учун берилган нақд пуллар

4. Щишлоқ хўжалик фаолияти билан шуѓулланувчи субъектларга берилган нақд пуллар
5. Пенсия, нафақа тўловлари ва суѓурта товоонларни тўлаш учун берилган нақд пуллар
6. Банк пластик карточкалари буйича берилган нақд пуллар
7. Бошқа мақсадлар учун берилган нақд пуллар
8. Микрокредитларга берилган нақд пуллар
9. Омонатлар бўйича берилган нақд пуллар
10. Почта алоқаси корхоналарига берилган мадад пуллари

Жами чиқим

Киримнинг чиқимдан ошиши.

Ушбу хомчўтни банк бўлинмалари барча корхона ва ташкилотлардан йиѓиб Марказий банк топшириѓига биноан кутилаётган квартал бошланишига 30 кун олдин йиѓилади.

Марказий банк ушбу маълумотларни чукур ўрганиб пулни муомилага кўшимча равишда чиқариш ёки муомиладан олиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади.

Пул муомиласини ташкил этишда аҳолини даромадлари ва харажатлари баланси ҳам урганилади ва у қўйидаги шаклга эга.

#### I-Даромадлар

1. Иш хақи
2. Жамоа хўжалиги ва шахсий таморқадан даромад.
3. Пенсия, стипендия ва нафақалар

4. Молия-кредит тизимидан тушумлар
5. Дивидендларни олиш ва бошқа тушумлар

Жами.

#### II-Харажатлар.

1. Товарлар учун толовлар
2. Хизматларга толовлар
3. Мажбурий толовлар ва ихтиёрий бадаллар
4. Щийлмаларга ўтказиш
5. Акция, облигацияларни харид қилиш ва кечикирилаётган тўловлар
6. Бошқа хизматлар.

Жами.

Ушбу балансда аҳоли даромад ва харажатларининг таркиби ижтимоий

гурухлари: ишчи ва хизматчилар, ходимларнинг бошқа гурухлари буйича кўрсатилади.

Ушбу балансни тўзишдан мақсад аҳолининг бўлиши мумкин бўлган пулли даромад ва харажатларининг иқтисодий асосланган прагнозлар қилишдан иборат.

Балансда даромадни харажатлардан кўпроқ бўлиши аҳолини кўлида нақд пул қолдиѓини ошиқлигини, унинг акси эса аҳоли кўлидаги нақд пул қолдиѓининг камайганлигини билдиради. Бу шунга яраша муомилага товарлар чиқариш, хизматлар кўрсатиш

корхоналари фаолиятини ривожлантириш буйича тадбирлар ишлаб чиқишига ундейди. Даромадларни асосий қисмини иш хақи, харажатларнинг асосини товарлар учун туловлар ташкил этилади.

Аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари баланси ва касса айланмаси хомчўти пул муомиласини ташкил этишда асосий режалардан ҳисобланади. Бу иккала режа пул айланшини асосини ташкил этиш билан бирга улар ўртасидаги қўйидаги фарқлар ҳам мавжуд.

1. Касса айланмаси хомчўтида фақат нақд пул айланishi кўрсатилса аҳолини даромадлари ва харажатлари балансида аҳоли амалга оширадиган нақд пуллик ва нақд пулсиз айланиш тўлиғича кўрсатилади.
2. Аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари балансида касса айланishi прагнозидан фарқлироқ аҳолининг шахсий томорқа хўжалиги, хунармандчилик ва бошқа курсатадиган хизматлари буйича олинадиган даромадлари ва амалга оширадиган харажатлари курсатилади.
3. Аҳолининг пул даромадлари касса айланмаси хомчўтининг харажат қисмида, аҳолининг харажатлари касса айланмаси хомчўтининг даромад қисмида курсатилади ва бошқалар.

Пул муассаси пул муомиласининг муҳим курсаткичи ҳисобланади. Пул

массаси хўжалик айланшидаги нақд пулли хисоб-китобларни, яъни аҳоли корхоналар, ташкилот ва муасссаларга тегишли харид тулов воситаларининг ялпи ҳажмини ўзида ифодалайди.

Пул муомиласининг белгиланган муддат ва давр учун, микдорий узгаришларини билиш учун, шунингдек пул массаси, ҳажми ва ўсиш суръатларини тартибга солиш буйича тадбирларни ишлаб чиқиши учун турли хил кўрсаткичлар (пул агрегатлари) фойдаланилади.

Ўзбекистонда пул массаси қўйидаги таркибий қисмларидан (пул агрегатлари тўпланади) иборат.

$M_0$  = нақд пуллар

$M_1 = M_0 + \text{счетлардаги пул қолдиғи} + \text{маҳаллий бюджет маблағлари} + \text{бюджет, жамоа ва бошқа ташкилот маблағлари.}$

$M_2 = M_1 + \text{халқ банкидаги муддатли жамғармалар}$

$M_3 = M_2 + \text{сертификатлар} + \text{мақсадли заём облигациялари} + \text{давлат заём облигациялари} + \text{хазина мажбуриятлари.}$

Пул агрегатлари  $M_1 + M_2$  нинг бир – биридан фарқи  $M_2$  нинг таркибига якин орада пулга айланши мумкин бўлган «квази пуллар» ни (депозит сертификатлари, инвестиция фондларининг акциялари ва бошқалар) олишдадир.

1995 йилда номинал пул муссаси  $M_2$  пул массасининг 1994 йилдаги ўсиш даражасидан 1,5 марта кам бўлган.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов 2003 йил 17 февралдаги Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида «Молиявий пул муомиласи мутоносиблигини таъминлаш масалаларида ижобий натижалар кўлга киритилди.... Пул массасининг ўсиш суръати анча камайди, унинг ҳажми 2001 йилда ЯИМ га нисбатан 14 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 12,5 фоиздан иборат бўлди» деган эди.

Ўзбекистон Республикасида пул муомиласини бошқаришда Марказий банк қўйидаги усувлардан фойдаланади.

1. Мажбурий резерв ставкаси нормасини белгилаш.
2. Тижорат банкларини очиқ бозорда қатнашиши
3. Марказлашган кредитлар учун қайта молиялаштириш ставкасини белгилаш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисидаги қонуннинг 28 моддасига биноан мажбурий резерв миқдори тижорат банкининг йиғилган ресурсларига нисбатан фоизда белгиланади. Тижорат банклари ресурсларининг Марказий банкда сакланиши лозим бўлган ушбу қисми жамъарма турига, унинг ҳажмига, банкинг жойлашган ўрнига боғлиқ бўлган ҳолда турли мамлакатларда турлича.

Масалан, Японияда минимал резерв ставкаси 2,5 %, АШШ да 12% Германияда 12,1%, Португалияда 17 %, Ўзбекистонда 20 % ни

ташкил этади. Ўзбекистонда бу резерв 1.05.94 га 30%, 1.07.96 га 25 % га 2006 йилдан 15 % га тенг.

Марказий банк тижорат банкларга кредитлар буйича қайта молиялаштириш ставкасини белгилаб беради. Бу ставка тижорат банклари берадиган кредитларнинг баҳосини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Бу ставкалар марказий банкнинг кредит сиёсатидан келиб чиқиб кейинги йилларда қўйидагича бўлган: 1,01,94 дан 225 %, 1.03.95 дан 300 %., 1.07.96 дан 60 %., 2000 йил йилига 32 %, 2003 йил 27,1 % , 2005 йилдан 16% ни ташкил этади.

Хозирги кўпгина давлатларда пул муомиласини тартибга солишда очиқ бозорда операциялар утказиш усулидан фойдаланилмоқда. Бу ҳозирги кўп қулланиладиган монитор сиёсатни бир усули бўлиб, у тижорат банкларининг ликвидлик даражасига тез таъсир утказадиган эгилувчан (мосланувчан) амалий ва оператив усул ҳисобланади. Бу усулни бошқалардан фарқи шундаки, уни заруриятга қараб ва хоҳлаган миқдорда утказиш мумкин. Бу механизм бозорни ривожланиш тенденсиясига қараб пул муомиласини барқарорлаштира олиши мумкин. Бунда олди-сотди объекти давлат қимматли қоғозлари ва марказий банк чиқарган қарз мажбуриятлари бўлиши мумкин.

1996 йилни март ойида чиқарилган қисқа муддатли давлат облигациялари (КМДО) тижорат банклари ва корхоналарнинг

маблаҗларини хавф-хатардан сақлаш ва даромад олиш имконини беради.

КМДО ларнинг бирламчи бозори Марказий банк валюта биржасида тижорат банклари иштирокида амалга оширилади. Зурур бўлса, облигация эгаси иккиламчи бозорда уни сотиши мумкин.

Ривожланган давлатларда асосан очик бозорда операциялар ўтказиш усулидан фойдаланилади.

Шундай қилиб Марказий банк пул муомиласини барқарорлаштириш, уни тартибга солиш борасида барча ваколат ва хуқиқий норма ваколатларга эга.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўћрисидаги қонуннинг 3-моддасида таъкидланганидек Ўзбекистон Республикаси марказий банкининг бош мақсади – миллий валюта барқарорлигини таъминлашdir. Валюта барқарорлиги пул массаси, нарх – наво ва миллий валюта курсининг барқарор бўлиш тушунчасини ўз ичига олади.

Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки куйидаги асосий вазифаларни бажаради.

1. Монатор сиёсатни ва валютани бошқариш сиёсатини шакллантириш, қабул қилиш ҳамда амалга ошириш.
2. Ўзбекистон Республикасида хисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил қилиш ва таъминлаш.

3. Банклар фаолиятини тартибга солиш ва улар фаолияти устидан назорат қилиш.
4. Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин валюта заҳирасини сақлаш ва уларни бошқариш.
5. Молия вазирлиги билан биргаликда давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этиш.

Марказий банк пул муомиласини барқарорлаштириш учун баъзи ҳолларда куйидаги усуllibарда ҳам тайёрланади.

1. Нуллификация – бунда қадрсизланган пул батамом бекор қилиниб муомилага янги пуллар чиқарилади. Бу усул инфляция даражаси ўта юқорилаб кетган ҳолларда қулланилади. Бу усул СССР да 1922 - 1924, 1947, 1997, 1961 йиллардаги пул ислоҳати, Ўзбекистонда 1994 йилда бўлиб ўтган пул ислоҳатида қулланилган.

2. Револвация – лотинча қадрини ошиши маъносини англатиб бу миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан қадрини ошишини билдиради. Масалан  $1\$ = 1110$  сўмга тенг бўлди. Ушбу тадбирдан кейин 1005 сўмга тенг бўлади. Бу усул 1922-1928 йилларда Англияда, 1961, 1969, 1971 йилларда Германияда қулланилган.

3. Деволвация – лотинча қадрини тушиши маъносини англатади. Бу усул давлат томонидан миллий валюта курсини бошқа валюталарга нисбатан пасайтирилиши бўлиб у бозор учун кураш кучайган шароитда экспортни рађбатлантириш, тўлов мувозанатини яхшилаш учун қулланилади. Бунинг асосий

сабаблари бўлиб инфляцияни кучайиши ва мамлакат тулов баланснинг салбий қолдиқга эга бўлишидир.

Бу усул АШШ да 1971 йилда 7,89 % га, 1973 йилда 10 % га доллар курсини пасайтириш билан қулланилган.

4. Деноминация – пул миқдорини бир неча маротаба қисқартириш ҳисобланади ва у пулни қадри юқори даражада тушганда, муомиладаги пул ҳажми ошганда қулланилади. Бу усул Россия федерациясида 1921-1922 йиллардаги пул ислохатида 1000:1, 1923 йилда 100:1, 1999 йилда 1000:1 ҳолида, Бухоро шуро ҳалқ республикасида бу усул 1922 йилда 100:1, Ўзбекистон Республикасида 1994 йилда 1000:1 ҳолида қулланилган.

### **Мавзуни мустақил ўзлаштириш бўйича саволлар**

1. Пул тизими, унинг турлари ва элемантларига нималар киради?
2. Ўзбекистон республикаси пул тизимининг хусусиятлари нималардан иборат?
3. Валюта тизими ва унинг элементларига нималар киради?
4. Валюта тизимига нималар киради?
5. Валюта курси ва унинг турлари нима?
6. Валюта курсига қандай омиллар таъсир этади?
7. Инфляциянинг асосий сабаблари нималардан иборат?

8. Инфляция қарши кураш ва ундан чиқиш чораларига нималар киради?
9. Инфляция иқтисодиётга қандай таъсир кўрсатади?
10. Муомиладаги пул массасига қандай омиллар таъсир этади?
11. Касса айланиш хомчутининг таркибий қисмларига нималар киради?
12. Аҳоли даромадлари ва харажатлари баланснинг таркибий қисмларига нималар киради?
13. Касса айланмаси хомчути ва аҳоли даромадлари ва хизматлари баланснинг умумийлик ва фарқлари нималар?
14. Пул агрегатлари ва унинг турларига нималар киради?
15. Марказий банк томонидан пул муомиласини бошқаришда қандай усуллардан фойдаланилади?
16. Миллий валютани барқарорлаштириш бўйича Ўзбекистон Марказий банкининг вазифалари нималардан иборат?
17. Пул муомиласини барқарорлаштиришда қандай йуллардан фойдаланилади?

### **Режа:**

1. Пул айланиши, унинг моҳияти ва тўзилиши
2. Нақд пул айланиши ва унинг хусусиятлари
3. Нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг зарурияти ва аҳамияти
4. Нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг ташкил этилиши ва тамойиллари
5. Нақд пулсиз ҳисоб – китоблар шакли хакида тушунча ва унинг тўлов топшириқнома шакли
6. Нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг тўлов талабнома шакли
7. Нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг аккредитив шакли
8. Нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг инкассо топшириқнома шакли
9. Нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг ҳисоб – китоб чеки шакли
10. Нақд пулсиз ҳисоб – китобларда пластик карточкалардан фойдаланиш
11. Ҳисоб – китоб ва тўлов интизоми юзасидан назорат

### **Таянч тушунчалар**

Пулнинг нақд пуллик ва нақд пулсиз айланиши. Пул айланишини айрим белгилари бўйича гурухланиши. Монетар ва фискал сиёsat. Нақд пул айланиши субъектлари. Нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг зарурияти ва аҳамияти. Нақд пулсиз ҳисоб – китобларни ташкил этилиши. Нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг унсурлари. Нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг тамойиллари. Нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг тўлов топшириқнома, тўлов

талабнома, аккредитив, инкассо топшириқнома, ҳисоб – китоб чеки, мемориал ордер шакллари. Нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг пластик – карточка шакли. Пластик карточкаларни айрим белгилари бўйича гурухланиши. Ҳисоб – китоб ва тўлов интизоми устидан назорат ва у бўйича қулланиладиган чоралар.

**Адабиётлар: 8, 13, 16, 23, 25, 27, 29, 38, 57<sup>a</sup>**

### **1. Пул айланиши, унинг моҳияти ва тўзилиши**

Пул айланиши – бу нақд пуллик ва нақд пулсизлик олиб бориладиган ҳисоб – китобларнинг йиғиндицидир.

Пул айланиши асосан икки белгига:

1. Жами ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш
2. Пулни функцияларига кўра таркибий қисмларга бўлиш мумкин

Жами ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ ҳолда пул айланиши: товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш, капитал курилиш билан боғлиқ айланишга, ҳамда товар ва уларнинг харакати билан боғлиқ бўлмаган айланишга бўлинади.

Товар ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнидаги пул айланишига ишлаб чиқаришга тегишли ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш, маҳсулотни сотиш, тегишли ташкилотлар билан ҳисоб – китоблар олиб бориш киради, иккинчисига капитал қурилиш ва таъминлаш соҳасидаги ҳисоб –

китоблар киради. Товар ва уларни харакати билан боћлиқ бўлмаган айланишга миллий даромадни тақсимлаш ва кайта тақсимлаш билан боћлиқ тўловлар ва бошқа товар харакати билан боћлиқ бўлмаган тўловлар киради.

Пул функцияларига ва тўлов турига кўра пул айланиши нақд пуллик ва нақд пулсиз айланишга бўлинади.

Умуман пул айланиши қуидаги белгилари бўйича гурӯхланади:

1. Пуллик муносабатларнинг турига кўра:

- a) Товар – моддий қийматларни айрибошлиш жараёнидаги пул айла-ниши
- б) Товар характеристига эга бўлмаган ҳисоб – китоблардаги пул айланиши

2. Тўлов усулига кўра:

- а) Нақд пуллик
- б) Нақд пулсиз

3. Пул муносабатлари иштирокчиларининг худудий жойлашишига кўра:

а) Бир худуд миқёсидаги пул айланиши

б) Худудларо пул айланиши

4. Пулни тўлов жараёнидаги иштирокига кўра:

а) Актив пул айланиши – тўлов жараёнида бевосита иштирок этаётган пул массаси

б) Пассив пул айланиши – маълум давр ичida, вақтинча муомилада иштирок этмаётган пул массаси (жамъармадаги, ҳисоб – вараклардаги бўш пул маблаѓлари).

Пул айланиши ҳолатини тартибга солиш бўйича хукумат органлари тегишли тартибда монетар ва фискал сиёсатини олиб боради.

Монетар сиёсат – мамлакатда пул массаси ва пул бозорини тартибга солишдир. Монетар сиёсатнинг бош ғояси – иқтисодий ўсишни бозор механизми таъминлайди. Бу механизмнинг асосий воситаси пул. Давлат ялпи талабга муомиладаги пул миқдорини тартибга солиш билан таъсир этиши керак. Бунга кўра муомиладаги пул миқдори = Ялпи миллий маҳсулот

*Пул  
айланиши сони*

холида аниқланади.

**Монетар сиёсат:** харакатдаги пул миқдорини белгилаш, уни қатъий назорат қилиш; тижорат банклари фаолиятини кўзатиб бориш; кредит эмиссиясини бажариб бориш; давлат олтин – валюта захирасини яратиш ва фойдаланишни кўзда тутади.

Давлат харажатлари ва солиқقا тортиш бўйича чора – тадбирлар кўриш орқали мамлакатдаги ижтимоий – иқтисодий муаммоларни ечишга қаратилган сиёсат фискал сиёсат дейилади.

Фискал сиёсатнинг асосий вазифаси иқтисодий сиёсатни амалга ошириш учун давлат пул фондларини марказлашган тарзда ташкил этиш ва ишлатиш орқали иқтисодий барқарорликни таъминлаш.

Фискал сиёсат автоматик ва дискрецион сиёсатга бўлинади. Автоматик деганда хукумат томонидан қўшимча чора – табирлар белгиламай мавжуд иқтисодий механизм орқали иқтисодий ўзгаришларга мослашувчан сиёсат тушунилади. Солик тўзилмаларини иқтисодий конъюктура ўзгаришига боғлиқлиги ва бошқалар.

Дискрецион (лотинча *discrecio* – ўз қарорига қараб амал қилувчи) сиёсат давлат томонидан ялпи миллий маҳсулотнинг реал хажмига, бандлик, ифляция ва иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатиш мақсадида давлат томонидан аниқ чора – тадбирларни белгилаш тушунилади. Доимий амал қилувчи қонунлар, қоидалар, меъёрларга кушимча равишда ёки уларни ўзгартириш бўйича тезкор тарзда мажбурий чора – тадбирлар кўрилади (солик реформаси ва бошқалар).

Умуман олганда фискал сиёсат ижтимоий химоя усулларини, бюджет даромадлари ва харажатларини режалаштириш, иқтисодий ривожланиш суръатларини ошириш сиёсати, нарх – навони пасайтиришга таъсир кўрсатиш каби чора – тадбирларни ўз ичига олади.

## 2. Накд пул айланиши ва унинг хусусиятлари

Маълумки, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш босқичлари пуллик муносабатлар орқали амалга ошади. Ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурсларни сотиб олиш, уларни ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш ва етиштирилган маҳсулотларни сотиш жараёни одатда корхона ва ташкилотлар ўртасида олиб бориладиган пуллик муносабатларга боғлиқ.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ўртасидаги ва хўжаликларни ўз ходимлари билан бўладиган ҳисоб – китоб муносабатлари нақд пуллик ва нақд пулсиз шаклда олиб борилади.

Нақд пуллик ҳисоб – китобларга келганда нақд пулнинг харакати банкдан бошланади. Нақд пул банкдан чиккач корхона ва ташкилотлар кассаси орқали ахоли кулига утади. Олди – сотди ва тўлов харакатлари бажарилгач у яна банкга кайтади.

Мамлакатимизда нақд пул қулланиладиган пул айланиши асосан қуйидаги субъектлар ўртасида бўлади.

1. Давлат ва корхона, ташкилотлар, муассасалар ўртасида (иш хақи, товар сотиб олиш, хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар ва бошқалар)
2. Давлат ва ахоли ўртасида (пенсия, нафақа, бюджетга солик тўловлари ва бошқалар)

3. Кредит тизими ва аҳоли ўртасида (қарз олиш, уни қайтариш, пулни жамғармага қўйиш ва олиш, ютуқларни олиш ва бошқалар)

4. Корхона, ташкилот ва муассасалар ўртасида чекланган ҳолдаги нақд пул бўйича ҳисоб – китоблар, чунки улар ўртасидаги ҳисоб – китоблар асосан нақд пулсиз амалга оширилади.

Пулнинг нақд айланиши – бу нақд пул ёрдамида амалга ошириладиган тўловлар йиғиндисидир. Бу айланиш пул ўзининг тўлов ва муомила воситаси функцияларини бажариши билан боғлиқ.

Нақд пуллар муомила воситаси сифатида аҳоли билан корхона, ташкилотлар ўртасида ҳамда аҳоли ўртасидаги товарлар сотиб олингандаги ва сотища қулланилади.

Пул тўлов воситаси сифатида иш хақи, нафакалар, мукофотлар, якка тартибдаги курилиш ва бошқа мақсадларга бериладиган кредитлар, суѓурта тўлов ва қопламаларини амалга оширишда намоён бўлади.

Ундан ташқари нақд пулнинг айланиши:

- коммунал ва майший хизматлар учун тўловларда
- солиқ ва бошқа йиғимлар тўловида
- «Ўзбекистон почтаси» хизматлари бўйича тўловларда
- Темир йул, хаво йули ва маҳаллий транспортга тўловларда

- савдода товарларни сотища

- Щуйилмаларни қўйиш ва олишда

- меҳнат хақи, пенсия ва нафакалар тўловини амалга оширишда ва бошқа холатларда амалга оширилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, пулни нақд ва нақд пулсиз айланиши бир – бири билан ўзвий боғлиқ, чунки пул нақд пул айланишидан нақд пулсиз айланишга ва аксинча айланиб доимий харакатда бўлиб, умумий пул айланишини таъминлайди.

Корхона, ташкилот ва муассасаларнинг банклардаги ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари қўйидаги ҳолларда нақд пулга айланади:

- Ишчи, хизматчиларга иш хақи беришда
- Кўрсатилган хизмат ва ишлар учун нақд пул тўловида
- Пенсия, нафақа, ҳар хил мукофотлар, суѓурта қопламаси тўловида
- Аҳолидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олингандаги
- Давлат заёмлари ва лоторея билетлари бўйича тўловларда
- Аҳоли банклардан ўз жамғармаларини талаб қилгандаги ва бошқа ҳолларда

Ўз навбатида нақд пуллар қўйидаги ҳолларда нақд пулсиз айланишга тушади:

- Уй – жой ва коммунал хизматлар учун тўловларда

- Қар хил солиқ ва йигимлар, бож ва жарималар тўловларида
- Алоқа ташкилотларига тўловларда
- Давлат заёмлари, лоторея ва бошқа уйинлардан тушумлар орқали
  - Аҳолини якка тартибдаги банклар билан қурилиш ва бошқа кредит муносабатлари бўйича тўловларда
  - Болалар муассасаларидан фойдаланиш бўйича тўловларда
  - Дам олиш уйлари ва бошқа соғломлаштириш муассасаларидан фойдаланиш бўйича тўловларда ва бошқа ҳолларда

Пулнинг нақд пуллик айланишга ўтиш жараёни пул муомиласи учун хатарлироқ эканлиги туфайли Марказий банк томонидан у қаттиқ назорат қилинади.

Марказий банк томонидан назоратни оширилиши туфайли 1996 – 2002 йилларда нақд пулларни банк кассаларига қайтиши 80 – 93 фоиз оралиғида бўлган бўлса, 2005 йилда у 96,3 фоизга етди.

Нақд пуллик муносабатларнинг хусусиятлари яна шундаки, бир пул белгиси бир неча марта тўловларни амалга оширишда иштирок этади. Муомилада бўлган нақд пул массаси маълум бир даврда (ой, чорак, йилларда ўзгармас бўлиб турган ҳолда нақд пул айланиши пулни айланиш тезлигига кўра муомиладаги нақд пул миқдоридан бир неча марта кўп бўлиши мумкин ва аксинча.

Пул айланишида тўлов айланиши билан нақд пулсиз айланишлар ўртасидаги фарқни билиш лозим. Тўлов айланиши деб пулнинг тўлов воситаси сифатида харакати туфайли вужудга келган пул айланишига айтилади. Нақд пулсиз айланиш тўлов айланишининг таркибий қисми бўлиб нақд пулсиз айланиш ва нақд пул айланишининг пулнинг тўлов воситаси функцияси туфайли юзага келувчи қисми ҳисобланади.

### **3. Нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг зарурияти ва аҳамияти**

Мамлакатимизда пул айланишининг асосий қисми нақд пулсиз ҳисоб – китобларга тўғри келади.

Нақд пулсиз ҳисоб – китоблар деганда корхона ва ташкилотлар томонидан товар айирбошлаш, хизматлар кўрсатиш ва товарсиз операциялар бўйича бир – бирига бўлган талаб ва мажбуриятларини нақд пул ишлатмасдан пул маблағларини счётдан – счётга ўtkазиш орқали амалга оширилиши тушунилади.

Мамлакат иқтисоди ривожланиб борган сари пул оборотида нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг улуши ортиб боради.

Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 1998 йил 27 – июнда №60 сон билан тасдикланган «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб –

китоблар тўјрисида» Низом қабул қилинган ва унга 2002 йилни 12 январида айрим ўзгартиришлар киритилган.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Банклар ва банк фаолияти тўјрисидаги, Ўзбекистон Республикаси корхоналари

тўјрисидаги Шонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ўзбекистон худудида нақд пулсиз ҳисоб – китобларни тартибга солувчи бошқа меъёрий хужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Республика маконида ҳисоб – китобларни ўзлуксиз бажарилишини таъминлашга мулжалланган.

Нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг зарурияти қуйидагилар билан белгиланади:

1. Ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад хажмининг ортиб бориши;
2. Товар айланиши ҳажмини ўсиши;
3. Хўжалик субъектлари ўртасида ҳисоб – китоб муносабатларининг ошиши;
4. Банк кредитининг айирбошлиш жараёнидаги ролини ўсиши;
5. Иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда ва ҳисоб – китобларда электрон ҳисоблаш техникасидан, компьютерлардан кенг кўламда самарали фойдаланишни ошиши;

6. Нақд пулнинг купрок микдорда олди – сотди билан шуђулланувчи ишбилармонлар кўлига ўтиб кетганлиги;
7. Пулнинг давлат газнасидан чиқиб яна қайтиб келиши жараёнларида узилишларнинг пайдо бўлиши;
8. Давлатнинг нақд пул етишмаслиги муаммосига дуч келиши ва бошқалар

Нақд бўлмаган пул харакати хажмининг доимий ўсиб бориши халқ хўжалигига муҳим аҳамиятга эга ва у қуйидагилар билан белгиланади:

1. Хўжалик субъектларининг нақд пулга бўлган эҳтиёжи кескин қисқаради;
2. Ўзаро ҳисоб – китобларни амалга ошириш жараёнидаги муомила харажатлари тежалади;
3. Муомиладаги пул маблађларининг хавфсизлиги камаяди;
4. Ҳисоб – китобларни банклар орқали амалга оширилиши уларнинг хукуқий жиҳатдан қонунийлигини таъминлайди.
5. Хўжалик ҳисоб варађига пул маблађларининг келиб тушиши, улар яратган маҳсулот ёки курсатган хизматларниг ижтимоий тан олиниши таъминланади;
6. Хўжаликлар ўртасидаги алоқаларни мустахкамлайди, товар – пул маблађлари харакатини тезлаштиради;

7. Накд пулга бўлган талабни ва шу билан бирга қоѓоз пуллар эмиссияси ва уларни сақлаш билан боѓлиқ харажатларни камайтиради;

8. Ҳисоб – китобларни банклар орқали ўтиши лозим бўлган солиқлар миқдорини тўћри аниқлаш бўйича назоратни таъминлайди;

9. Муомилада нақд пул миқдорини камайиши унинг инфляция даражасини пасайтиради ва бошқалар

#### **4. Накд пулсиз ҳисоб – китобларни ташкил этилиши ва тамойиллари**

Накд пулсиз ҳисоб – китобларни ташкил этиш ва амалга оширишни банклар олиб боради. Maxsus банклар халк хужалиги тармоклари корхоналарига ҳисоб – китоб хизматини курсатади. Марказий банк бу ҳисоб – китобларни юритиш бўйича тартиб қоидаларни ишлаб чиқади.

Накд пулсиз ҳисоб – китоблар қуйидаги унсурларни ўз ичига олади:

1. Накд пулсиз ҳисоб – китобларни олиб бориш ва амалга оширишнинг асосий тамойиллари;
2. Ҳисоб – китоб шакллари;
3. Ҳисоб – китоб хужжатлари;
4. Тўлов тури;
5. Тўлов навбати ва манбалари;
6. Ҳисоб – китоб қатнашчилари;
7. Ҳисоб – китоб қатнашчиларининг хуқук ва мажбуриятлари ва бошқалар

Нақд пулсиз ҳисоб – китоблар қуйидаги асосий тамойилларга асосланади:

1. Корхона ва ташкилотлар ўз пул маблаѓларини (қарзга олганларини ҳам) банкларда сақлаши зарур;
2. Барча нақд пулсиз ҳисоб – китобларни банк орқали ўтиши;
3. Хўжалик субъектлари ҳисоб – китоблар шаклларини эркин танлашлари ва уни шартнома орқали мустаҳкамлаб қўйишилари.
4. Хўжалик субъектларининг ҳисоб – китоблар бўйича шартномавий муносабатларига банкни аралашмаслиги;
5. Товарлар ва хизматлар учун тўловлар тўловчининг розилиги билан амалга оширилиши;

6. Тўловлар хўжалик субъектларининг ҳисоб варақасидаги маблағлари ҳисобидан, баъзида (агар корхона кредит олиши мумкин бўлса) банк кредити ҳисобидан амалга оширилиш.

7. Мол етказиб берувчининг ҳисоб варағига пул маблағларини ўtkазиш мазкур маблағларининг мол сотиб олувчининг ҳисоб варагидан чиқарилгандан кейин амалга оширилади;

8. Тўловчи тегишли хуқуқга эга бўлса тўловни қисман ва тулиқ рад этиши.

Хўжалик субъектлари пул маблағларини саклаш ва ҳисоб – китоблар олиб бориш, касса операцияларини амалга ошириш учун тегишли банк бўлинмаларида ўзларининг ҳисоб варақларини очади.

Бюджет ҳисоб варақлари бюджет кассасини ижро этиш операцияларини бажариш, тўловларнинг тушуми ва харажатларни акс этириш учун очилади.

Суда ҳисоб варақлари маълум тартибда расмийлаштириладиган ссудалар (кредитлар) бўйича очилади.

1997 йилдан ҳисоб – китоб ва жорий ҳисоб варақлари урнига депозит ҳисобварақлари, яъни талаб килиб олинадиган депозит ҳисоб варақлари жорий этилган. Депозит – банк муассасаларида саклаш учун қуйилган пул маблағлари ёки қимматли қоғозлар маъносини билдиради.

## **5. Накд пулсиз ҳисоб – китоблар шакли ҳақида тушунча ва унинг тўлов топшириқнома шакли**

Ҳисоб – китоблар шакли деганда хуқуқий меъёрларда кўзда тутилган ҳисоблашув хужжатларининг тури ва хужжат айланиши тартиби билан фарқ қиласидиган маблағларни нақд пулсиз утказиш шартлари тушунилади.

Ҳисоб - китоб операциялари банклар томонидан корхона учун очилган ҳисоб варақларидан мижоз билан ҳисоб – китоб хизмати курсатиш юзасидан тўзилган шартномага асосан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 1998 йил 27 июндаги 60 – сонли «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб – китоблар тўғрисида Низом»га асосан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб – китоблар қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

- |                        |                |
|------------------------|----------------|
| - тўлов топшириқнома   | - №0505411002; |
| - тўлов талабнома      | - №0505411001; |
| - аккредитивга ариза   | - №0505411009; |
| - инкассо топшириқнома | - №0505411013; |
| - ҳисоб – китоб чеки   | - №0505411005; |

- мемориал ордер

- пластик карточкалар билан ҳисоблашиш

- №0505411008;

Корхоналар ўзига қўлай бўлган ҳисоб – китоб шаклини эркин танлаши мумкин. Ҳисоб – китобларнинг қайси шаклини қўллаш мумкинлигини, тўловнинг тўлаш тартиби, тўловчи билан маблағ олувчи ўртасида тўзиладиган шартномада курсатилади.

Юкоридаги шакллар бўйича қулланиладиган хужжатлар Марказий банкнинг қуидаги талаблари ва андозаларига мос келиши лозим:

- ҳисоб-китоб хужжатининг рақами;
- хужжат тўлдирилган сана, ой, йил;
- тўловчининг номи;
- тўловчининг ҳисоб варак рақами;
- солиқ тўловчисининг идентификация рақами (чек ва аккредитивларда курсатилмайди);
- тўловчи банк номи;
- тўловчи банк коди;
- олувчининг номи;
- олувчининг ҳисоб рақами;
- олувчи банк номи;
- олувчи банк коди;
- тўлов сўммаси миқдори (ёзувда ҳам кўрсатилади);
- тўловнинг максади (чекларда кўрсатилмайди);

Булардан ташқари ҳисоб-китоб чекларида қўшимча равища қуидагилар курсатилади;

- чекнинг серияси ва рақами;
  - жисмоний шахс паспортининг серияси ва рақами;
  - чекнинг охирги амал қилиш санаси
- Шу каби аккредитив бўйича аризада қуидагилар кушимча равища курсатилади;
- амал қилиш мудатти;
  - аккредитив очилаётган шартнома рақами ва санаси;
  - буюртма рақами;
  - буюртма санаси;
  - товар ёки хизматнинг номи;
  - аккредитив бўйича тўловни амалга оширишда асос бўлган хужжатнинг тури;
  - қўшимча шартлар

Хужжатлар имзо куйиш хукукига эга бўлган мансабдор шахсларнинг ўз қўли билан қўйган имзоси ва корхона муҳри мавжуд бўлгандан қабул қилинади.

Хужжатларни буяш, чизиш ва тозалашга йул қуилмайди.

Нақд пулсиз ҳисоб – китоб шаклларининг муҳим турларидан бири тўлов топшириқнома ҳисобланади.

Тўлов топшириқнома мижоз ўз ҳисобварағидан унга хизмат курсатувчи банкка маълум бир сўммани бошқа мижознинг ҳисобварағига ўтказиш тўғрисидаги топшириғидир.

Топшириқномалар билан товарлар, иш, хизматлар ва бошқа түловлар бўйича ҳисоб – китоблар амалга оширилади.

Ўзбекистон Почта ва телекоммуникация агентлиги орқали (пенсиялар, алиментлар ва бошқалар) маблағларни олувчиларга тўлов топшириқномалари билан жунатишда илова қилиниши лозим бўлган барча хужжатлар (жунатмалар рўйхати, маълумотномалар ва бошқалар) мижозлар томонидан бевосита Ўзбекистон Почта ва телекоммуникация агентлиги корхоналарига тақдим этилади.

Топшириқномалар банк томонидан тўловчи ҳисоб варағида маблағлар бўлгандагина (агар шартнома ва бошқа меъёрий хужжатларда бошқалар кўзда тутилган бўлмаса) қабул қилинади.

Тўлов топшириқномалари банкга тўловчи ва олувчига битта банк хизмат қилса 3 нусхада (банк учун, тўловни олувчи ва тўловчига) тақдим этилади, агар хар хил банклар хизмат қилса 4 нусхада тўзилади.

Электрон тўловлар тизими орқали олинган электрон тўлов топшириқнома маблағларни олувчи банкда 2 нусхада қабул қилинади:

- бир нусхаси банкнинг қунлик хужжатларига тикилади.
- иккинчи нусхаси маблаглар олувчининг шахсий ҳисоб варагидан олинган кучирмага илова қилинади.

Тўлов топшириқноманинг санаси уни банкка тақдим этилган сана билан бир хил бўлиши керак, улар мос келмаган холда тўлов

топшириқнома ижро учун қабул қилинмайди (бюджетга ва бюджетдан ташқари фондлар бўйича фондлар бўйича тўловлар бундан мустансосно).

## **6. Накд пулсиз ҳисоб – китобларнинг тўлов талабнома шакли**

Тўлов талабнома – бу маблаг олувчининг бегиланган сўммани тўловчи томонидан банк орқали тўлаши тўғрисидаги талабини ўз ичига олган ҳисоб – китоб хужжатидир.

Талабномалар юклаб жунатилган товарлар, бажарилган ишлар, курсатилган хизматлар, шунингдек томонлар шартномасида кўзда тутилган бошқа тўловлар учун қўйилиши мумкин.

Талабномалар томонлар ўртасида тўзилган шартномага асосан акцептли ва акцептсиз бўлиши мумкин.

Банк томонидан тўловчиларга талабномаларни қуйидаги акцептлаш тартиби ва муддати белгиланган:

- Бир худуд ичida жойлашган мижозлар учун – талабномаларни банка келиб тушган кунидан ташқари 3 иш кунида
- Бошқа худудларда жойлашган мижозлар учун талабномалар банкка келиб тушган кунидан ташқари 5 иш кунида
- Тўловчининг асосли илтимосига кўра 10 иш кунигача

Белгиланган муддатда корхона ёзма радишида акцептлашни рад этмаса талабнома акцептланган ҳисобланади.

Тўловчининг ҳисобварағида маблағлар етарли бўлмаганда талабнома тўловини банк қисман амалга оширади. Шолган сўммадаги талабнома 2 – картотекага жойлаштирилади, бунда талабноманинг орқа томонида тўланган сўмма ёзиб кўрсатилади.

Талабнома акцептлашдан қисман бош тортганда тўловчи томонидан акцептланган сўмма бўйича тўловлар амалга оширилади, маблаглар бўлмаганда эса 2–картотекага жойлаштирилади. Талабноманинг дастлабки сўммаси айланага олинади ва ёнига тўловчи акцептлаган талабнома сўммаси қўйилади. Бунда банк тўловчи томонидан акцептлашни қисман рад қилганлиги тўғрисида маблағлар олувчининг банкига ёзма радишида хабар бериши шарт.

Акцептсиз туландиган тўлов талабномалари тўловчиларнинг ҳисоб варакларидан маблагларни акцептсиз ҳисобдан чиқаришда қўйидаги холларда амалга оширилади.

а) Электр ва иссиқлик энергияси учун ҳисоб – китобларда. Бу холда талабнома ажратилган электр ва иссиқлик энергияси учун маҳсулот етказиб берувчи томонидан бевосита истеъмолчига хизмат курсатувчи банкка қўйилади.

б) Щарздор томонидан талабнома даъво сўммаси тан олинганини хакида жавоб хатининг асл нусхаси илова қилинганда

в) Щонунчиликда тўғридан – тўғри кўзда тутилган бошқа холларда

Улчов асбоблари курсаткичлари ва амалдаги тарифлар асосида ёзилган электр ва иссиқлик энергияси учун ҳисоб – китобларда «Тўлов мақсади» графасида «Улчов асбоблари кўрсаткичлари» ёки «тариф асосида» деган ёзув курсатилади.

Талабноманинг юкори бурчагига «Акцептсиз» деган сўз ёзилади ёки ёзув ёзилган муҳр қўйилади. Банк илова қилинган хужжатларнинг талабномада кўрсатилган реквизитларига мослигини текширади.

Тўловчининг банкида амалиёт (операцияон) куни давомида келиб тушган акцептсиз тўланадиган талабномалар шу куннинг ўзидаёқ тўланади. Юкорида таъкидланганидек, агар тўловчининг ҳисоб варағида маблағлар мавжуд ёки етарли бўлмаса талабноманинг тўланмаган сўммаси иккинчи картотекадаги ҳисобваракларга жойлаштирилади.

## 7. Накд пулсиз ҳисоб – китобларнинг аккредитив шакли

Аккредитив – мижознинг топширигига кўра шартнома бўйича унинг контрагенти фойдасига берилаётган банкнинг шартли пул мажбуриятидир.

Унга кўра аккредитив очган банк (банк имитент) унинг контрагенти - маблагларни оловчи фойдасига тўловни амалга ошириш ёки бошқа банкка бу турдаги тўловни бажариш учун ваколат бериш мажбуриятини маблађлар оловчи томонидан хужжатларни тақдим этган ва аккредитивда назарда тутилган бошқа шартларни бажарган тақдирда олади.

Аккредитивларнинг қўйидаги турлари очилиши мумкин:

- қопланган (депонентланган);
- қопланмаган (кафолатланган).

Аккредитивлар банк томонидан кўзда тутилмаган холатларнинг алоҳида ҳисоб варакларида ва 22602 – «Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлар» ҳисоб варађида ҳисобга олинади. Қар бир маблађларни оловчи учун унга хизмат курсатувчи банкда аккредитивлар бўйича алоҳида депозит ҳисоб вараклари очилади.

Шопланган (депонентланган) аккредитив очилган тақдирда, банк эмитент уни очиш вақтида мижознинг ўз маблађларини ёки унга берилган кредитни банк – эмитентнинг мажбуриятлари амал

қилиб турадиган бутун муддатга ижрочи банк ихтиёрига утказиши шарт.

Шопланмаган аккредитив очилган тақдирда банк – эмитент ижрочи банкка аккредитивнинг бутун сўммасини банк – эмитентнинг ижрочи банкида юритилаётган ҳисоб варагидан кучириш хукуқини беради.

Шопланган ва қопланмаган аккредитивлар чакириб олинадиган ва чакириб олинмайдиган бўлиши мумкин.

Чакириб олинувчи аккредитив банк – эмитент томонидан маблађларни оловчи билан олдиндан хабардор қилмаган ҳолда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Аккредитивларни чакириб олиш банк эмитент зиммасига маблађларни оловчи олдида бирон – бир мажбурият юкламайди. Тўловчи чакириб олинадиган аккредитивнинг шартларини ўзгартириши ва бекор қилиниши тўћрисидаги барча курсатмаларни маблађлар оловчига фақат банк – эмитент орқали бериши мумкин, ушбу банк маблађларни оловчини банки (ижрочи банк) ни, у эса маблађ оловчини хабардор қиласи.

Агар ижрочи банк операцияларни бажариш пайтигача аккредитивнинг ўзгартирилганлиги ёки у бекор қилинганлиги ҳақида билдиришнома олмаган бўлса у чакириб олинадиган аккредитив бўйича тўловни ёки бошқа операцияларни амалга ошириши шарт.

Маблаңлар олувчининг розилигисиз, уни фойдасига очилган чакириб олинмайдиган аккредитив ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Ижрочи банк – эмитент билан шартнома асосида чакириб олинмайдиган аккредитивни тасдиқлаши мумкин. Бундай ҳолда чакириб олинмайдиган аккредитив тасдиқланган аккредитив бўлади.

Тасдиқланган аккредитив бўлганда ижрочи банк банк – эмитентни аккредитив шартларига мувофиқ тўловни амалга ошириш мажбуриятлари бўйича ўз зиммасига қўшимча равишда мажбуриятлар олади.

Тасдиқланган аккредитив ижрочи банкнинг розилигисиз ўзгартирилиш ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Тўловчи аккредитив шаклдаги ҳисоб – китобларда банкка аккредитивга ариза тақдим этади.

Аkkредитивга аризада аккредитлар бўйича маблаңларни олиш учун маблаңларни олувчи тақдим этиши лозим бўлган аккредитив шартлари руйхати тўлиқ бўлмаса тасдиқловчи хужжатларнинг аниқ таснифи ва уларни расмийлаштиришга доир талаблар мавжуд бўлмаса, банклар аккредитив учун аризани тўловчига қайтариб бериш ва аккредитив ҳисоб варакларини очмаслиги керак.

Аkkредитивга ариза банк – эмитентга икки нусхада тақдим этилади:

- биринчи нусхаси тўловлар амалга оширилгандан кейин банкнинг кунлик хужжатларига тикилади.

- иккинчи нусхаси маблаңлар тўловчининг шахсий ҳисоб вараѓидан олинган кўчирмага илова қилинади.

Маблаңлар олувчининг банкида аккредитив қуидаги ҳолларда ёпилади:

- а) Аkkредитив муддати тамом бўлгач
- б) Маблаңлар олувчининг аккредитивнинг амал қилиш муддати тамом бўлгунича ундан фойдаланишдан воз кечиши ҳақидаги ёзма аризасига кўра, агарда бу аккредитив шартларида курсатилган бўлса
  - в) Тўловчининг аккредитивни тўлиқ ёки қисман чакириб олиш ҳақидаги ёзма талабига кўра, агар бу аккредитив шартларида кўзда тутилган бўлса, аккредитив банк – эмитентдан хабар етиб келган куни ёпилади ёки камаяди, лекин 22602 – «Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлари» баланс ҳисоб вараѓидаги қолдик сўммадан кўп бўлмаган ҳолда.

Ижрочи банк аккредитив ёпилганлиги тўғрисида банк эмитентга хабар беради. Фойдаланилмаган сўмма тўловчининг банкига маблаңлар қайси ҳисоб варақдан депонент қилинган бўлса шу ҳисоб варақга утказилади.

Хисоблашувларнинг аккредитив шаклини устунлиги маблаг оловчи учун ишончли, унинг шартлари оддий;

Камчилиги – тўловчининг пули шу даврга муомиладан чиқади, маҳсулот жунатувчи банкида кутади.

## **8. Нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг инкассо топшириқнома шакли**

Инкассо топшириқномаси – маблағлар оловчининг ҳисоб варағига тўловчининг ҳисоб варағидан сўзсиз тартибда маблағларни ҳисобдан чиқариш тўћрисидаги банкка топширигини англатади.

Инкассо топшириқномаларини қўйидагилар тақдим қилиши мумкин:

- Солик идоралари – соликлар ва давлат бюджетига бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси бюджетидан ташқари пенсия жамгармасига мажбурий тўловларга оид тўловлар ва боқимандаларни ундириб олишда

- Ўзватодор концерни органлари – Республика йўл фондига муддати ўтиб кетган тўловлар бўйича маблағлар ундиришда

- Божхона органлари – ўз муддатида тўланмаган божхона тўловлари ва жарималарни ундиришда

- Суд ижро чилари ва ундирувчилар - ижро хужжатлари бўйича пул маблағларини ундиришда

- Шонунчиликка мувофиқ бошқа органлар

Ижро хужжатлари деб қўйидагилар тан олинади.

а) Судлар томонидан берилган ижро варақалари

б) Суд буйруқлари

в) Алиментлар тўлаш тўћрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувлар.

г) Натариусларнинг ижро устхатлари.

д) Мехнат низолари бўйича комиссия қарорлари асосида бериладиган гувохномалар

е) Маъмурий буйруқбозлик тўћрисидаги ишларни кўриб чиқиши ваколатига эга органлар. (мансадбор шахслар) чиқарган қарорлар

ж) Суд ижро чиларининг қарорлари

з) Конунчиликда кўзда тутилган холларда бошқа органларнинг хужжатлари

Банк томонидан ижро хужжатлари асосан қўйилган ҳисоб варақларидан пул маблағларини ундириш учун инкассо топшириқномаларини фақат ижро хужжатининг асл нусхаси ёки уни дубликати илова қилинган ҳолда қабул қилинади.

Хужжатларнинг нусхалари бўйича тўловчиларнинг ҳисоб варакларидан маблағларни ҳисобдан чиқариш тақиқланади.

Инкассо топшириқномаси банка қуидаги тартибда тақдим этилади:

1. агар тўловчи ва маблағлар олувчига битта банк хизмат кўрсатса – турт нусхада. Бунда топшириқноманинг дастлабки уч нусхалари банкда ижро учун колдирилади, туртинчи нусха хужжатларни қабул қилиш санаси курсатилган холда бухгалтер томонидан имзоланиб ва банкни унга бириткирилган штампи билан тасдиқланиб маблағларни олувчига қайтарилади.

2. Бир худуд ичида ҳисоб – китоблар юритишда инкассо топшириқномаси бевосита тўловчининг банкига уч нусхада тақдим қилинади.

3. Бир худуд ичида, худудлараро ҳисоб – китобларда тўланган ҳамда электрон тизими орқали олинган электрон инкассо топшириқномаси маблағлар олувчининг банкида икки нусхада чиқарилади.

Тўловчининг ҳисоб вараѓида маблағлар бўлмагандан инкассо топшириқномаси 2 – картотекада жойлаштирилади ва қонунчиликда ўрнатилган тартиб навбатида тўланади.

Банк айби билан инкассо топшириқномалари ижро қилинмаган ёки нотўғри ижро қилинган холларда амалдаги қонунчилик асосида ва ҳажмда банк жавобгар ҳисобланади.

## **9. Накд пулсиз ҳисоб – китобларнинг ҳисоб – китоб чеки шакли**

Ҳисоб – китоб чеки – бу мижознинг хизмат курсатувчи банкка чек берувчининг ҳисоб вараѓидан чек қабул қилувчининг ҳисоб вараѓига маълум миқдордаги маблағларни утказиб бериш учун банкнинг маҳсус бланкасида банкка берган топшириѓидир.

Чек бланкалари тижорат банклари буюртмасига кўра уларнинг фаолияти учун етарли бўлган миқдорда Марказий банк қошидаги «Давлат белгиси» (Госзнак) корхонасида белгиланган шаклда тайёрланади. Бунда чек рақами ва серияси, банк – эмитентнинг номи ва фирма белгиси типография усулида ёзилади.

Ҳисоб – китоб чеклари факат товарлар, иш ва хизматлар учун хўжалик субъектлари ва жисмоний шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб – китобларда кулланилади.

Ҳисоб-китоб чекининг максимал сўммасини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўрнатади, минимал сўммани эса тижорат банклари тамонидан мустақил равишда белгиланади.

Банк чек берганда жисмоний шахснинг аризасига асосан чек сўммасига 200206 - «Жисмоний шахсларнинг талаб килиб олингунча сакланадиган депозитлари» баланс ҳисобварагига алоҳида иккиласми ҳисобвараги очади ва тўловларни шу ҳисоб варакдан амалга оширади.

Чек омонат куювчи жисмоний шахснинг депозит ҳисоб варакларида сакланаётган маблаглар ҳисобига ёки топширилган нақд пул ҳисобига берилади.

Чек икки қисмдан: ҳисоб-китоб чеки ва милк (корешок) дан иборат. Милк ҳисоб – китоб чекида курсатилган сўммаларни тасдиқлаш учун белгиланган назорат рақамларини ўз ичига олади. Чекнинг амал қилиш муддати тижорат банклари томонидан мустақил равишда белгиланади.

Агар чек амал қилиш муддатида банкка тақдим қилинмаган бўлса, чек сўммаси 29842 – «Харакатсиз депозит мажбуриятлари» баланс ҳисоб варађида ҳисобга олинади. Чек эгаси амал қилиш муддати тугаган чек билан банкка мурожоат қилган тақдирда банк қаршиликсиз чек эгасининг паспорти ёки унга tenglashтирилган хужжат асосида чекни қабул қиласди ва тўлаб беради.

Чекни беришда тегишли реквизитлар тўлдирилгач банкни масъул ходими ҳисоб-китоб чекига имзо қуяди ва ҳисоб-китоб чеки милкини назорат рақамлари жойлашган қисми бўйича қирқиб ажратади ва муҳр билан тасдиқлади.

Ҳисоб-китоб чекини олганлиги ҳақида милкга имзо қуайлади. Алоҳида дафтарга ҳисоб-китоб чекининг серияси ва рақамини, чек номига ёзилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ва чек сўммаси ёзиб қуайлади.

Кассир банкнинг масъул бажарувчисидан барча зурурий хужжатларни олгач уларни текширади ва имзолайди, ҳисоб-китоб чекини олувчидан чек бериладиган сўммада нақд пулларни ва чек омонат дафтарчасини топширади, чек милкини амалиёт куни охирида банк кассири чек милкининг маъсул бажарувчига топширади.

Агар ҳисоб-китоб чеки варађини тўлдиришда хатога йўл кўйилса унда ушбу варақ бўзилган деб ҳисобланади ва унинг ўрнига янги чек варађи тўлдирилади.

Ҳисоб-китоб чекини қабул қилиш ваколотига эга бўлган ташкилот ходими маҳсулот тўлови учун ҳисоб-китоб чекини қабул киланиётган ҳисоб-китоб чеки белгиланган намунадаги баланкада тулдирилганлиги, учириб тўзатишлари йўқлиги, назорат рақамлари чекда ёзилган сўммага мувофиқлиги, чек муддати ўтмаганлиги, унда банк бўлими мухрининг аниқ изи ва имзолар мавжудлигини текширади. Шундан сўнг шахсиятини тасдиқловчи паспортини курсатади.

Текширувдан сунг чек маҳсулот учун тўловга қабул қилинади ва ташкилот ходими ҳисоб – китоб чекининг тескари томонига ташкилотнинг штампини ва мансабдор шахснинг имзосини куяди.

Агар сотилаётган товар, иш ёки кўрсатилган хизматнинг қиймати ҳисоб – китоб чеки сўммасидан паст бўлса, у холда чекни қабул қилувчи ташкилот ушбу чек сўммасининг 25 фоизидан ошмаган миқдорда қиймат кайтимини накд пулда беради.

Товар, иш ва хизматлар тўлови учун қабул қилинган чеклар, чекларни қабул қилувчи ташкилотлар томонидан уларга хизмат курсатувчи банк муассасаларига пул тушуми билан бирга инкассатор орқали белгиланган тартибда топширилади.

Банк томонидан қабул қилинган чеклар қуйидаги тартибда туланади:

а) чек берувчи ва чек қабул қилувчига битта банкда хизмат курсатилганда чек сўммаси чекни қабул қилувчи ташкилотнинг ҳисоб вараги кредитига ва «инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар» ҳисобвараги орқали чек берувчининг ҳисоб вараги дебетига утказилади. Чекни асл нусхаси банкнинг кунлик хужжатларига тикилади.

б) чек берувчи ва чек қабул қилувчига турли банклар хизмат курсатса:

- чек қабул қилувчининг банки чекда курсатилган сўмма миқдоридаги маблағларни қабул қилган ва чекга асосан чек қабул қилувчини ҳисоб варагига киритади.

- тижорат банкларнинг электрон ҳисоб – китоб чеклари электрон тизими орқали чек берувчининг банкига жунатилади. Чекнинг асл нусхаси банкнинг кунлик хужжатларига тикилади.

- чек берувчининг банкida чек сўммаси олинган электрон ҳисоб варак чек асосида дастурий йул билан автоматлаштирилган тарзда чек берувчининг иккиласми ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади.

Фойдаланилмаган чек банкка тақдим қилинганда банк ходими:

- тақдим этилаётган чекнинг хақиқийлигини ва унинг эгасини чекни олишда асос бўлган хужжат бўйича текшириб ишонч хосил қилади.

- чекни юз томонида қуйидаги мазмунда устхат ёзилади.

«.....» сонли ҳисобварағига .... сўммани утказинг.

- чекни банкнинг бош бухгалтерига беради, тасдиқловчи хужжат эса эгасига қайтарилади.

Чек йўқотилган тақдирда банк йўқотилган чек бўйича маблағларни ҳисобдан чиқаришга жавоб бермайди.

Чек шаклидан фойдаланишни устунликлари қуйидагилар:

- ҳисоблашувни тез бўлиши;
- ҳисоб - китобни кафолатланганлиги;
- дебиторлик қарзларни камайиши;
- маблағлар айланиши тезлашуви.

Чек шаклнинг камчиликлари қўйидагилар:

- чекларни йирик ҳисоб – китобларга расмийлаштирилмаслиги;
- уларни расмийлаштиришдаги мураккабликлар;
- чек орқали товарларни номинал қийматида сотиб олиб бўйласлиги.

Ҳисоб – китобларнинг *мемориал ордер* шакли банк тўловчи сифатида қатнашганда қулланилиб мемориал ордерлар банк раҳбари ва бош бахгалтери имзоси билан тасдиқланади, қолган ҳолларда эса мемориал ордер бош бухгалтер ва ушбу банк ҳисобварағини юритувчи бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланади.

Мемориал – ордерлар билан бажариладиган операцияларнинг қонуний бажарилиши банк раҳбари ва бош бухгалтерга юклатилади.

Фуқароларнинг ёзма топшириқлари бўйича тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари билан боғлиқ бўлмаган пул маблағларини нақд пулсиз ўтказишни амалга ошириш учун банклар мемориал ордерлардан фойдаланишлари мумкин. Бу холда тўлов амалга оширилгандан кейин топшириқнома мемориал ордер билан бирга банкнинг кунлик хужжатларига тикилади.

## 10. Накд пулсиз ҳисоб – китобларда пластик карточкалардан фойдаланиш

Пластик карточкалар тегишли банкда карточка эгасининг ҳисоб вараги мавжудлигини тасдиқловчи ва нақд пулсиз товарлар, ишлар ёки хизматларни сотиб олиш хуқуқини берувчи, шахси белгиланган, банк томонидан чиқарилган тўлов воситасини ўзида ифода этади.

Пластик карточкалар жисмоний шахслар, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар бир томондан, маҳсулотни сотувчи, иш бажарувчи ёки хизмат курсатувчи юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар иккинчи томондан, ўртасида бўладиган нақд пулсиз ҳисоб – китобларда, шунингдек нақд пул бериш пунктлари (терминал) ва банкоматлардан нақд пул олишда қулланилади.

Пластик карточкалар бўйича хизмат кўрсатиш шартнома асосида амалга оширилиб, шартнома қўйидагиларни ўз ичига олади:

- томонларнинг номлари
- шартнома мавзууси
- томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари
- томонларнинг жавобгарлиги
- ҳисоб – китобларни утказиш шартлари

- шартноманинг амал қилиш муддати ва уни бекор қилиш шартлари

- низоларни ҳал қилиш тартиби

- томонларнинг юридик манзили

Пластик карточкалар қуидаги белгилари бўйича гурӯхланади:

1. Алоқадорлиги бўйича

а) шахсий – бу жисмоний шахсга бериладиган пластик карточкалар

б) оиласи – бу шахсий карточка эгасининг ишончномаси асосида оиласда фойдаланувчига бериладиган пластик карточка

в) корпаратив – бу юридик шахсларга хизмат курсатиш учун мўлжалланган пластик карточка бўлиб улардан иш хақи ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бошқа тўловларни, шунингдек нақд пулларни тўлашда фойдаланиш тақиқланади.

2. Бажарадиган вазифаларига кўра:

а). Дебет – карточкасидан фойдаланиш унинг эгасига эмитент билан мижоз ўртасида тўзилган шартнома шартларига мувофиқ ўзининг карточкасидаги пул маблагларидан товарлар, ишлар, хизматлар хақини тўлаш ёки нақд пул маблагларини олишда (корпаратив карточкалардан ташқари) фойдаланиш имконини беради.

б). Кредит – карточкасидан фойдаланиш унинг эгасига, эмитент билан тўзилган шартнома шартларига мувофиқ эмитент томонидан товарлар, ишлар, хизматлар хақини тулаш ёки пул маблағларини олиш учун (корпаратив карточкалардан ташқари) берилган кредит линияси миқдорида операцияларни амалга ошириш имконини беради.

в). Электрон хамён – жисмоний шахсларнинг карточкаси бўлиб ундан фойдаланиш унинг эгасига пластик карточкадаги колдик маблаглар доирасида товарлар, ишлар ва хизматларга хақ тўлаш ёки пул маблағларини олишга имкон беради.

Пластик карточкаларни тегишли шахсларга бириклиришда қуидаги реквизитлар бўлиши шарт:

- идентификация белгилари (картани рақами, серияси ва бошқалар)

- банк – эмитентнинг коди

- ҳисобварак рақами ва карточка эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми (ташкilotнинг номи)

- карточканинг амал қилиш муддати

Пластик карточкалардан фойдаланиб операцияларни амалга оширишда тўзилган хужжатлар реквизитлари пластик карточкалар реквизитлари билан карточка эгаларининг банк ҳисоб вараклари, шунингдек корхона идентификаторлари, нақд пул бериш пунклари, банкоматлар ва ташкilotларнинг банк ҳисоб вараклари

картасидаги мувофиқликни белгилашга имкон берувчи томонлар ўртасида келишиб олинган белгиларни ўз ичига олиши керак.

Карточкалар бўйича банклараро ҳисоб – китоблар технологияси қуидаги вариантлари кўзда тутади:

а). Ҳисоб – китобларни амалдаги электрон тўловлар тизими орқали ялпи ҳисоб – китоб асосида утказиш

б). Ҳисоб - китобларни ҳисоб – китоб қатнашчилари томонидан ташкил этилган жараён марказларидан кун давомида утказилиб якуний мажбуриятлар ҳисобланган ҳолда тижорат банкларининг вакиллик ҳисоб – варакларидан якуний ҳисоб – китоблар сўммасини ўтказиш.

Жараён марказлари орқали ҳисоб – китобларни утказиш қуидаги тартибда амалга оширилади:

а) кун давомида карточкалар бўйича барча транзакциялар, ҳисоб – китоблар қатнашчилари томонидан тасдикланган тартибда жараён маркази орқали утказилади ва ҳисоб – китобларда қатнашувчи хар бир банк учун алоҳида очилган шахсий ҳисоб варакларда акс эттирилади.

б) ҳисоб – китоблар қатнашчилари келишувига асосан ҳисоб – китоблар бўйича якуний сўммалар (мажбуриятлар) тижорат банкларининг Марказий банкнинг ҳисоб – китоблар марказида очилган вакиллик ҳисоб вараклари орқали шартномада кайд этилган даврийликда утказилади

в) банклар жараён марказида олинган маълумотларга асосан карточкалардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилган операциялар бўйича маблағларни мижозларнинг ҳисоб варакларига киритадилар ёки чиқарадилар.

2005 йилда тижорат банклари томонидан чиқарилган пластик карточкаларнинг умумий сони 2 млн 99 мингтани ва пластик карточкалар орқали ҳисоб – китобларни амалга оширувчи терминаллар сони 11 мингтани ташкил этиб улар орқали амалга оширилган транзакциялар сони 143 млрд сўмни ташкил этди.

## **11. Ҳисоб – китоб ва тўлов интизоми юзасидан назорат**

Ўзбекистон Республикаси худудида фаолият курсатаётган банклар ҳисоб – китоб ва кредит операцияларини бажариш бўйича амалдаги қонунчилик ва Марказий банк томонидан белгиланган банк операцияларини амалга ошириш қоидаларига асосан жавобгардирлар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўловларни ўз вақтида ўтказилиши ва тижорат банкларини вакиллик ҳисоб вараклари (тижорат банкларини Марказий банкни худудий бўлинмаларида очилган счёtlари) ҳолатини назорат қиласи. Банк вакиллик ҳисоб варажида маблағ йўқлиги сабабли корхоналарнинг

хисоб варакларидан тўловларини ўтказилишини доимий равишда ушланиб қолишига йул қўювчи тижорат банкларининг бўлинмаларига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда чора кўради.

Шартнома шартлари бўзилган ёки талаф даражасида бажарилмаган ҳолларда томонлар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Низомда белгиланган қоидаларга амал килмаслик ёки сифатсиз бажарилган ҳолларда банк ва уларнинг мижозлари амалдаги қонунчилик ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Жумладан, Марказий банк тўћрисидаги қонуннинг «Марказий банк томонидан қулланиладиган чорва ва «..... (санкция) лар» моддасида – Агар банк томонидан амалга оширилган операция ва йўл қўйилган камчиликлар омонатчига ва кредиторлар манфаатига путур етказадиган бўлса:

- банклар устав фонди минимал миқдорининг бир фоизи миқдорида жарима ундириш
- банкларга айрим операцияларни бажаришдан 1 йилга мархум этиш
- банк операцияларини амалга ошириш бўйича лицензияни чиқариб олиш

- банк филиаллари томонидан тўловларни ўз вактида амалга оширганда ва вакиллик ҳисобварақлари холатини қониқарсизлиги учун марказий банк филиални шу фаолиятдан олган фойдасини олиб қўйиш ва шунча миқдорда жарима солиш.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банклар фаолияти» тўћрисидаги қонуннинг 39 – «Банкларнинг ўз мижозлари олдидағи жавобгарлиги» моддасида – «Банклар ўз мижозлари олдида маблагларни сақланиши ва бошқа олган мажбуриятларини бажарилиши, шу жумладан тўловларни бир банкдан иккинчи банкка ўз вақтида ўтиши ва уларни корхона ва ташкилотларни счётларига ўз вақтида ёзилишига эришиш учун жавобгар» - дейилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 январдаги «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб – китоблар тизимини мустаҳкамлаш тўћрисида»ги фармонида – тижорат банкларининг раҳбарлари корхона ва ташкилотлар билан бир қаторда хўжалик субъектларининг муддати ўтган дебеторлик ва кредиторлик қарзлари пайдо бўлишига шахсий живобгардирлар» - дейилган.

Агар тўловлар кредитлар ҳисобига амалга оширилган бўлса у бўйича шартнома шартларини бажарилмаслиги жарима солинишига, фоизларни оширилишига, кредит муддатини қисқартириш каби чораларга сабаб бўлади. Бу чоралар ёрдам

бермаганда қарз берувчи молиявий талабларни хўжалик суди орқали амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисоб ва рақларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тў ќрисида» ги қарорида «Ахоли ва хўжалик юритувчи субъектларга депозит ҳисоб ва рақларидан нақд пуллар узлуксиз берилиши тижорат банкларининг чорак, ярим йиллик ва йиллик иш якунларини сарҳисоб қилишда улар фаолияти самарадорлиги ва ишончлилигини баҳолашнинг энг муҳим мезонларидан бири деб ҳисоблансин» - дейилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг иш якунларини кўриб чиқиш вақтида ахоли ва хўжалик юритувчи субъектларга банкларнинг депозит ҳисоб ва рақларидан нақд пулларни кечиктирмай тулаш борасида урнатилган тартиб бир неча марта (ойига уч мартадан кўпроқ) бузилган тақдирда тижорат банклари худудий бўлимлари ва филиалларининг раҳбарлари эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниши лозимлиги таъкидланган.

Шу каби қарорда «Марказий банк нақд пул маблаѓлари беришни мунтазам кечиктириш холлари мавжуд бўлганида тижорат банкларига нисбатан қаттиқ жавобгарлик чоралари, хатто банк

операцияларини амалга ошириш хуқуқини берадиган лицензияни кайтариб олиш чораларини қулласин» - дейилган.

### **Мавзуни мустақил ўзлаштириш учун саволлар**

1. Пул айланишининг моҳияти ва белгилари нимада?
2. Монетар ва фискал сиёsat нима?
3. Нақд пул айланишининг моҳияти ва хусусиятлари нимада?
4. Нақд пул айланиши субъектлари нималар?
5. Нақд пулларни банк кассаларига қайтиб тушишидаги ўзгаришлар нималар билан боћлиқ?
6. Нақд пулсиз ҳисоб – китоблар нима?
7. Нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг зарурияти ва аҳамияти нималар билан боћлиқ?
8. Нақд пулсиз ҳисоб – китоблар тў ќрисидаги Низом ва ундаги кейинги ўзгаришлар нималар билан боћлиқ?
9. Нақд пулсиз ҳисоб – китоблар ташкил этилишининг асослари ва тамойиллари нималарни ўз ичига олади?
10. Нақд пулсиз ҳисоб – китоблар шаклининг моҳияти ва унинг кандай турлари мавжуд?
11. Тўлов топшириқнома шаклидан фойдаланишнинг асосий хусусиятлари нимада?

12. Тўлов талабнома шаклидан фойдаланишнинг асосий хусусиятлари нимада?
13. Аккредитив шаклидан фойдаланишнинг асосий хусусиятлари нимада?
14. Хисоб – китоб чекидан фойдаланишнинг асосий хусусиятлари нимада?
15. Инкассо топшириқномасидан фойдаланишнинг асосий хусусиятлари нимада?
16. Нақд пулсиз хисоб – китобларда пластик карточкалардан фойдаланишнинг зарурияти нимада?
17. Пластик карточкалардан фойдаланишнинг асосий хусусиятлари нимада?
18. Хисоб – китоб ва тўлов интизоми юзасидан назоратни қайси раҳбар органлар олиб боради?
19. Хисоб – китоб ва тўлов интизоми бўзилиши юзасидан раҳбар органлар томонидан қандай чоралар қулланилади?

**4-мавзу: Халқаро хисоб китоб муомилалари.**

**Режа:**

1. Халқаро хисоб китобларни ташкил этилиши ва уларни ташки иқтисодий алоқалардаги ўрни.
2. Халқаро хисоб – китобларнинг шакллари, уларни қўлланиши ва хисоб китобларни амалга оширилиши.
3. Халқаро савдо ва хисоб-китоб баланслари.
4. Тўлов баланси, унинг асосий қисмлари ва бўлимлари.

5. Тўлов балансининг актив ва пассив қолдигини аниқлаш ҳамда уни валюта тушум ва чикимлардаги ўрни.

**Таянч тушунчалар:**

Халқаро хисоб-китобларнинг хуқуқий ва меъёрий асослари. Импорт ва экспорт операциялари. Халқаро хисоб-китобларнинг шакллари. Халқаро хисоб-китобларда банкларни ўрни. Халқаро савдо ва хисоб-китоб баланслари. Тўлов балансини моҳияти ва таркибий қисмлари. Тўлов балансининг актив ва пассив қолдиги.

**Адабиётлар: 21,23,32,33,41,55,57<sup>a,ж</sup>**

**1. Халқаро хисоб – китобларнинг ташкил этилиши ва уларни ташки иқтисодий алоқалардаги ўрни.**

Ўзбекистон мустакилликка эришгач халқаро муносабатлар субъектига айланди. Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг 1991 йил 31 августда кабул килинган давлат мустакиллиги тўғрисидаги баёнотда «Ўзбекистон Республикаси халқаро хамжамиятининг тенг хуқуқли аъзоси бўлиб, халқаро муносабатларда суверен давлат, халқаро хуқуқ субъекти бўлиб майдонга чиқади» дейилган.

Қиска вакт ичида Ўзбекистон иктисодий хамкорликнинг нуфузли халқаро ташкилотлари – Халқаро валюта фонди, Халқаро тараккиёт ва тикланиш банки, Осиё тараккиёт банки, Ислом тараккиёт банки, халқаро меҳнат ташкилоти, Европа тараккиёт ва тикланиш банки, Халқаро молия корпорацияси, Шанхай хамкорлик ташкилоти, Бирлашган миллатлар ташкилоти ва бошка кўплаб ташкилотларга қабул килинди, кўплаб мамлакатлар билан экспорт ва импорт операциялари йўлга қўйилди.

Хозирги вақтда республикамизнинг ташки савдодаги асосий хамкорлари булиб, (ялпи ташки савдодаги улуши) Россия 16 фоизни (2004 йилни II чораки), АҚШ 6 %, Буюк Британия – 5,8%, Туркия – 5,1%, Хитой – 4,9%, Қозоғистон – 4,4%, Эрон – 4,2%, Германия – 3,2%, Швецария – 3,2% ва бошка мамлакатлар хисобланади.

Мустакиллик йилларида экспорт а импортни таркиби ўзгарди. Масалан, 1995 йилда пахта толасининг мамлакат экспортидаги салмоғи – 48,4 фоизни, рангли ва кора металл – 4,7%, машина ва ускуналар 2,0 фоизни ташкил этган бўлса, у 2004 йилни II чорагига келиб, мутаносиб равишда 9,1; 8,8; 5,1 фоизни ташкил этди.

Шу даврда импорт озик-овкат бўйича 18,2 %, кимё маҳсулоти 9,3 %, хизматлар 5,0 % ни ташкил этган бўлса, 2004 йилни иккинчи чорагига келиб, мос равишда 7,0; 14,8; 13,6 фоизни ташкил этди.

Малакат экспортида 1995 йилда Буюк Британиянинг улуши 6,4 %, МДҲ мамлакатлари 34,5 %, Россия 15,7%, АҚШ 0,3 фоизни ташкил этган бўлса 2004 йилни II чорагига келиб мос равишда 10,7 %; 30,5%; 13,2%; 3,4 фоизни ташкил этди.

Импорт операцияларида 1995 йилда Буюк Британиянинг улуши 9%, МДҲ мамлакатлари 43,5%, Россия 24,9 %, АҚШ 3,1 фоизга тенг бўлган бўлса, 2004 йили II чорагига мос равишда 3,9 %; 41,1 %; 24,9 %; ва 4,9 фоизга тенг бўлди.

2. Халқаро хисоб-китобларнинг шакллари, уларни кулланилиши ва хисоб-китобларни амалга оширилиши.

Халқаро хисоб-китоб шакли деганда етказиб берилган товар (маҳсулот), кўрсатилган хизмат, бажарилган иш учун хак тулашнинг халқаро тижорат муомиласида, шу жумладан банк амалиётида таркиб топган усувлари тушунилади.

Халқаро хисоб-китобларда кенг кўлланилаётган шаклларга куйидагилар киради:

1. Инкассо бўйича хисоб китоблар. Бу энг куп кулланиладиган шакл бўлиб, унда экспортчи банкка такдим этилган товар таксимлаш хужжатларига кура, етказиб берилган товар учун импортчидан тўлов суммасини олишни топширади ва бу суммани экспортчига утказишни сўрайди. Инкассо бўйича хисоб

- китоблар, хужжатлар тақдим этилиши билан боғлиқ бўлгани сабабли улар хужжатли инкассо хам дейилади.
- 2. **Аккредитив**- бу банкнинг топширикнома бўйича ва импортчи хисобидан экспортчига, хужжатларда кузда тутилганига кура, хамда аккредитивни барча шартларига риоя этиб тўлов утказиш юзасидан пул мажбуриятидир. Бу шакл импортчига камрок фойдали, чунки, у аккредитив очиш харажатларини кутаради, бу иш учун инкассо операциясига кура купрок воситачилик суммаси олинади, бундан ташкири аккредитивга қўйилган маблағ шу муддатда муомиладан чиказиб куйилади.
- 3. **Банк чеки** – бу банкнинг хорижий банк корреспондентга маълум миқдордаги пулни чек эгасига унинг шу банкда мавжуд булган корреспондентлик варакасидан тўлаш тўғрисидаги ёзма буйруғи хисобланади.
- 4. **Банк ўтказмаси** – асосан бўнак беришда, кредитларни тўлашда қўлланилади. Унинг мохияти бир банк иккинчи банкдан маблағ олувчига шартномада кўзда тутилган суммани почта ёки телеграф оркали утказиб беришни топширади. Айни вактда вакил банклар кўрсатилади. Бу бўйича хисоб-китоб тез ва ишончли бўлишига карамай амалиётда кам фойдаланилади.
- 5. **Очиқ хисоб варак** – бу шакл хам амалиётда кам фойдаланиладиган шакллардан бири бўлиб, унда харидор

номига товарни ва товар таксимлаш хужжатларини бевосита юборилади. Бунга хам хакни шартномада курсатилган муддатда тўлаш лозим.

Кейинги йилларда халкаро хисоб-китобларда кредитнинг лизинг ва бошка шакллардан хам фойдаланилмоқда.

Халкаро хисоб-китобларни амалга оширишда халкаро банкларнинг хизмати катта. Улар ўзларининг тизимлари оркали халкаро хисоб-китобларни амалга оширади. Турли мамлакатларнинг йирик банклари ўзаро вакиллик муносабатларини ўрнатади, яъни улар бир-бирларида «Лоро» (махаллий банкда чет эл банки хисоб варагини очиш) ва «Ностро» (ушбу мамлакат худудидаги банкнинг чет эл банкида вакиллик хисоб варагини очиш) хисоб варакларини очади. Бу банклар халкаро молия тармоғини хосил килиб, вакил банклардаги улкан вакиллик хисоб вараклари тизими оркали исталган мамлакатда катта суммадаги пулларни осонгина ўtkазади.

Банклар тарихан савдогар ва саёҳатчилар учун бир валютани иккинчисига алмаштириб бериш йўли билан халкаро савдо тараккиётига шароит яратиб берган. Тарихан банклар аввал ўз мамлакатларида, сўнгра унинг чегарасидан ташкарида бўлинмалари, ваколатхоналари, филиаллари, қўшма корхоналар, чет эл компаниялари оркали молия хизматларини кўрсатишган.

**Банк бўлинмалари** - халкаро банклар фаолиятининг бошка давлатлар худудида энг кенг таркалган ташкилий шакли булиб, улар асосий идора каби тўлиқ хизматлар турини кўрсатади. Банкларнинг чет эл бўлинмалари юридик шахс хисобланмайди, балки факат банк корпорациясининг бош официи уз мамлакатида жойлашади.

**Филиаллар** - ахамияти жихатидан навбатидаги ташкилий шакл хисобланади. улар ўз сармоясига эга бўлган ва операцияларни мустакил равишда амалга оширадиган юридик шахсдан иборат. Хорижий банклар ўз фаолиятларини бошка давлат худудида янги банк тъйсис килиш ёки мавжудларини сотиб олиш йўли билан ташкил килишлари мумкин.

**Ваколатхоналар** – ташкилий шакллар ичida энг оддийси бўлиб, уларнинг асосий вазифаси – банкнинг бош компанияси, унинг исталган бўлинмаси ёки филиали хизмат кўрсатаётган мижозлар билан алокаларни саклаб тuriш, шунингдек янги мижозлар топишдир.

### 3. Халкаро савдо ва хисоб-китоб баланслари

Халкаро иктисадий, сиёсий ва маданий алокалар тегишли давлатнинг халкаро хисоб-китоб балансларида ўз аксини опади.

Халкаро хисоб-китоб баланслари – бир мамлакатнинг бошка мамлакатга нисбатан пул мажбуриятлари ва талаблари, тушумлари ва тўловлари нисбатидир.

Бундай балансларнинг асосий турлари бўлиб хисоб-китоб баланси, карздорлик баланси ва тўлов баланси хисобланади.

Хисоб-китоб баланси – мазкур давлатнинг, тulos муддатидан катъий назар, бошка давлатларга нисбатан узаро тulos ва мажбуриятларнинг маълум вактдаги нисбатидир. Бундай талаб ва мажбуриятлар товар ва хизматларни экспорт (импорт) килиш, кредит, заём бериш (олиш) натижасида вужудга келади.

Хисоб-китоб балансининг актив моддалари – бу тегишли келишув давридаги бир давлатнинг бошка давлатларга, янги талаблари (даъволари ва инвестициялари) йиғиндисидир. Баланснинг пассив моддалари янгидан вужудга келган мажбуриятлар ва шу давлатга хориждан килинган инвестициялари миқдоридир.

Давлатнинг халкаро хисоб-китоблар буйича холатини билиш учун йил охирига ёки бошига (йил давомидаги баланслар эмас) булган баланслар мухим хисобланади. У узаро талаб ва мажбуриятларни келиб чикиш муддатидан мустасно тарзда умумий суммани тавсифлайди. Балансни актив сальдоси давлатнинг бошка давлатларидан кредитни ва инвестицияни жалб этишга нисбатан уларга купрок, кредит берганини, инвестиция килганини (сарфлаганлигини) билдиради. Пассив сальдо эса давлатнинг карздорлигидан далолат беради.

Халкаро хисоб-китобларда тulos балансининг таркибий кисми булган савдо балансининг ахамияти катта.

Тарихан ташки савдо иктисадий алокаларни олиб бориш ва ривожлантиришнинг бошланғич нуктаси хисобланган. Шунинг учун ҳам ташки савдо тулов балансида асосий уринни эгаллайди. Товарларни экспорт ва импорт килиш жараёни ташки савдо балансида уз аксини топади. Алохида олингандан давлатнинг ташки савдо баланси актив ёки пассив булиши мумкин. Бу хол мамлакатнинг ташки иктисадий алокаларининг ривожланиш даражасига, мамлакатнинг жаҳон бозоридаги мавкеига, унинг экспорт курдатига ва бошқа сабабларга боғлик бўлади.

Баъзи Япония, Германия каби ривожланган мамлакатларнинг ташки савдо балансини актив қолдигига эга бўлиши бу давлатларнинг бошқа хорижий давлатлар заминида иктисадининг ривожланишига асос бўлмоқда. Савдо балансини тузилиши 4-саволда тўлов баланси таркибида берилган.

Халқаро қарздорлик баланси ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар статистикасида кенг қўлланилиб, у хисоб-китоб балансига ухшайди, аммо ундан моддалари ва турли мамлакатлардаги хиоблаш услублари билан фарқ қиласди. Масалан, АҚШ да қуидаги моддалардан иборат халқаро инвестициялар баланси ишлатилади (млрд, доллар):

<b>Баланс моддалари</b>	1981й	1992й
АҚШнинг хорижий активлари, расмий олтин валютота захиралари.	719.6	1253.7
Бошқа давлат активлари (узоқ ва қисқа муддатли)	68.7	85.5

заёмлар билан биргаликда)		
АҚШнинг хориждаги хусусий активлари	620.8	1120.4
Шу жумладан тўғри инвестициялар	228.3	326.9
Портфель инвестициялар	63.1	156.8
АҚШ нобанк корпорацияларининг хорижий активлари.	35.9	32.9
АҚШ банкларининг хорижий активлари	293.5	603.8
<b>Активлар жами</b>	<b>1738.5</b>	<b>3096.3</b>
Хорижий инвесторлар олдида АҚШнинг мажбурияти	578.7	1786.2
Хорижий хукумат куйилмалари (асосан АҚШ кимматли қоғозларига)	180.4	322.1
Бошқа мажбуриятлар (асосан хусусий)	398.3	1464.1
Шу жумладан тўғри инвестициялар	108.7	328.9
Портфель инвестициялар	93.6	490.2
АҚШ нобанк корпорацияларининг мажбуриятлари (хорижий)	30.6	35.5
АҚШ банкларининг хорижий мажбуриятлари	165.4	609.5
<b>Пассивлар жами</b>	<b>1353.4</b>	<b>4217.4</b>
АҚШ халқаро инвестициялар баланси	140.9	-532.5

Жадвал маълумотларига кўра, АҚШ 80-90 йилларда кредитордан нетто қарздорга айланган. Кўпчилик ривожланаётган давлатлар ҳам нетто – қарздордир. Аммо “иссиқ пуллар” (бўлар

бир мамлакатдан бошқасига осон ўтказиладиган, валюта курси ва фоиз ставкаси ўзгариши натижасида фойда олиш максадидаги маблағлар) оқими сабабли эмас, балки чет эл қарзлари ва заёмларига кўп мурожаат қилиш натижасидир. Бу шу гурух давлатларда ташқи қарз муомиласининг чуқурлашувига олиб келди. 90-йиллар бошида шу давлатларнинг қарзида 1.5 трлн, долларни ташкил этди.

#### **4. Тўлов баланси, унинг асосий қисмлари ва бўлимлари.**

Халқаро ҳисоб-китоб баланслари ичida марказий ўринни тўлов баланси эгаллайди. У мамлакатнинг ташки иктисодий алокаларининг масштаби, таркиби ва хусусияти тўғрисида миқдор ва сифат тавсифини беради.

**Тўлов баланси** – аниқ бир вақт мобайнидаги чет элдан келган тушумлар ва чет элга килинган тўловлар миқдорининг нисбатидир.

Халқаро иктисодий алоқалар натижасини баҳолаш ва кўламини хисоблашга уринишлар XIV аср охирига тўғри келди.

XX аср бошларида АҚШ ва Англияда тўлов балансини тузиш усуслари кенг ривож топди. 1923 йилда АҚШда 1922 йилги кўрсаткичлар натижалари бўйича тўлов балансини тузиш ва уни эълон қилишга ўриниш бўлган. 1943 йили Америка иктиносидчиси Х.Лэри АҚШнинг 1919-1939 йилги тўлов балансини тузди. Унинг

асосида иккинчи жаҳон урушидан кейин тўлов баланси тузилди. 1946 йилдан бошлаб квартал ва йиллик тўлов баланслари ҳисоботлари АҚШ савдо вазирлиги журнали “Сервей оф каррент бизнес” да чоп этила бошланди.

1947-йил БМТ хужжати сифатида тўлов баланси схемаси яратилди. У ХВФнинг тўлов балансини тузиш шакллари ва тамойилларини ишлаб чикишига асос бўлди.

Хозирги тўлов баланси даврли ва фурсатли бўлади. Даврли тўлов баланси аниқ бир вақт (йил, ой, чорак) оралиғида тушумлар ва тўловларнинг ўзгаришини ва давлатнинг ташки иктисодий фаолият соҳасидаги узгаришлар ва иктисодий холати, ривожланишини ифодалайди. Фурсатли (аниқ бир муддатдаги) тўлов баланси статистик курсаткичларни чоп этиш шаклида эълон қилинмаса хам, маълум бир вақтда бажарилиши лозим бўлган кунлик тулов ва тушумлар нисбатини ифодалайди.

Тўлов баланси ҳисоб-китоб балансидан қуйидагилар билан фарқ қиласи:

- тўлов балансида мамлакатнинг валюта тушумлари ва тўловлари ўз ифодасини топади, ҳисоб балансида эса давлатнинг ташки иктисодий алоқалари бўйича тўлов ва мажбуриятлари ҳисобга олинади.

- тўлов балансида ҳисоб-китоб балансида ўз ифодасини топган ҳали «узилмаган» берилган ва олинган кредитлар ҳисобга олинмайди.

- тўлов баланси фақат реал тушум ва тўловларни ифодалайди, ҳисоб китоб баланси эса ҳали тўланмаган қарз ва мажбуриятларни хам ўз ичига олади.

- тўлов ва ҳисоб-китоб балансларининг охирги сальдолари актив ва пассив бўлиши моҳияти жиҳатидан мос келмайди ва қарама қаршидир. Чунки кредитор давлатларнинг ҳисоб-китоб баланслари асосан актив, тўлов баланслари эса пассив (АҚШ, Германия, Япония ва бошқалар) бўлиши мумкин. Қарздор мамлакатларда эса пассив ҳисоб-китоб баланси сальдоси баъзи вактларда актив тўлов баланси сальдосига тўғри келади.

- тўлов баланси фақат тўланган экспорт ва импорт операцияларини ўз ичига олади, ҳисоб-китоб баланси эса тўланмаган, кредитга берилган товар айланишини хам ўз ичига олади.

Шундай қилиб, тўлов ва ҳисоб – китоб баланслари орасидаги фарқ халқаро кредит муносабатларининг ривожланиши билан аникланади.

Тўлов баланси қўйидаги қисм ва бўлимларга эга:

### **Тўлов баланси**

<b>Тушумлар (+)</b>	<b>Тўловлар (-)</b>
<b>I. Жорий операциялар баланси</b>	
<b>IA Савдо баланси</b>	
<b>I. Товарлар экспорти</b>	
<b>1. Товарлар импорти</b>	
<b>ІБ Хизматлар ва нотижорат тўловлари баланси</b>	

a) Нофактор хизматлар бўйича тушумлар	a) Нофактор хизматлари бўйича тўловлар
b) Юк ташиш ва суғурта	b) Юк ташиш ва суғурта
c) Сафарлар	c) Сафарлар
d) Бошқа нофактор хизматлар	d) Бошқа нофактор хизматлар
e) Фактор даромадлари тушумлари	e) Фактор даромадлари тўлови
f) Трансферт тушумлар	f) Трансферт тўловлари.

### **II. Капиталлар ва кредитлар харакати баланси.**

a) Бевосита инвестициялар келиши	a) Бевосита инвестициялар кетиши
b) Мажмуа инвестициялар келиши	b) Мажмуа инвестициялар кетиши.
c) Ссуда капиталининг келиши	c) Ссуда капиталининг кетиши.

### **III. Мамлакат олтин ва валюта захираларидағи I ва II баланслар ўрнини тўлдирувчи ўзгаришлар.**

Олтин ва валюта захираларининг камайиши (соғчиқиб кетишининг ўрнини тўлдириш "+").	Олтин ва валюта захираларининг кўпайиши (соғмаблағ кетишининг ютилиб кетиши "-").
--	---

Тўлов баланси таркибида савдо баланси асосий ўринни эгаллайди, чунки у билан мамлакат ташқи иқтисодий ахволига баҳо берилади. Агар мамлакатнинг экспорти маълум даврда импортдан ортиқ бўлса, савдо баланси актив (мусбат сальдо), унинг акси пассив (манфий сальдо) бўлади. Бу албатта ташқи ва ички омилларга хам боғлиқ. Жумладан пахтанинг нархи дунё бозорида сезиларли даражада ортиб шу даражада барқарор турса, республикамиз экспортида (чунки уни ва бошқаларни салмоғи юқори) савдо балансини мусбатлиги таъминланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг савдо баланси 1999 йилда 125,1 млн \$, 2000 йилда 317,3 млн \$, 2001 йилда 33,5 млн \$, 2002 йилда 276,4 млн \$, 2003 йилда 760,8 млн \$, 2004 йилда 1 млрд \$ ва 2005 йилда 1,3 млрд \$ миқдоридаги мусбат қолдиқقا эга. 2006 йил режасига кура бу курсаткич 1,445 млрд \$ ни ташкил этади.

Тўлов балансидаги фактор хизматларига мамлакатнинг чет элга тадбиркорлик ёки ссуда капитали шаклидаги инвестициялардан тушумлар ва тўловлар киритилади.

Нофактор хизматлар оқимига саёхлик, транспортда йўловчилар ва юклар ташиш, суғурта, телекоммуникациялар учун тушум ва тўловлар киради.

Хизматлар баланси муддатлари бўйича харакатини қўпинча “кўринмас операциялар” хам дейилади.

Келажакда мамлакатимиздаги диний ва маданий ёдгорликларни ҳисобга олган ҳолда хизматлар баланси хам тўлов балансининг асосий бўлимларидан бири бўлиб қолади.

Трансферт тўловлари – кам таъминланган ахоли гурухлари, ногирон, кария ва бошқаларга (ишсизларга) нафака тўлаш бўйича тушум ва тўловлардир (Ё.Абдуллаев “Бозор иқтисодиёти асослари” Тошкент 1997 йил 309-бет).

Капиталлар ва кредитлар харакати баланси халкаро капитал ва кредит шаклида валюта маблағларининг келиши ва чиқиб кетишининг нисбатини акс эттиради. Капитални харакати тадбиркорлик ва ссуда инвестициялари шаклида юз бериши мумкин. У облигациялар, акциялар, бошқа қарз мажбуриятларини олиш-сотиши жараёнида амалга оширилади. Агар Ўзбекистоннинг давлат акциялари чет мамлакатлардаги инвесторлар томонидан сотиб олинса, чет эл капитали келган бўлади ва унинг акси. Бунда хам ушбу баланс манфий ва мусбат колдикга эга бўлади.

Жорий операциялар баланси ва капиталлар харакати баланси умумий тақчиллигининг урнини тўлдирувчи муҳим таркибий қисм бўлиб тўлов балансининг “мамлакат олтин ва валюта захираларидағи ўзгаришлар” бўлими ҳисобланади. Агар тўлов балансининг актив сальдоси жорий операциялар балансининг манфий сальдосини копламаса, ёки аксинча жорий операциялар балансининг актив сальдоси капитал маблағлар харакати баланси манфий сальдосини копламаса ва нихоят мазкур

балансларнинг иккаласи хам манфий соф қолдиққа эга бўлса, мамлакатда илгари жамғарилиб қўйилган валюта захиралари ташқи қарзни қоплаш учун ишончли манба бўлиб хизмат қиласи.

## **5. Тўлов балансининг актив ва пассив қолдиғини аниқлаш ҳамда уни валюта тушум ва чиқимлардаги ўрни.**

Тўлов балансининг қолдиғи аниқланганда, унинг моддалари асосий балансловчи моддаларга бўлинади. Асосий моддаларга тўлов баланси сальдосига таъсир этадиган ва нисбий бўлган жорий операциялар ва узоқ муддатли капитал харкати бўйича операциялар киради.

Балансловчи моддаларга мустакилликка эга бўлмаган, ёки чекланган мустакилликка эга операциялар киради. Буларга тўлов баланси сальдосини тугатиш манбалари ва воситалари:

- валюта захиралари харакати;
- қисқа муддатли активларнинг ўзгариши;
- хорижий ёрдамнинг баъзи бир турлари;
- ташқи давлат заёмлари ва бошкалар киради.

Асосий ва балансловчи моддаларнинг якуний кўрсаткичлари бир-бирини қоплайди, яъни тўлов баланси расман мувозанатланади.

Агар тўловлар тушумлардан ошса, дифицит анъанавий манбалар ва усулар, яъни заём ва тадбиркорлик капиталини киритишдан фойдаланилади. Шунинг билан бирга бу вактинчалик усуздир, чунки карздор давлат фоиз, дивидент ва заём суммасини тўлаб бериши лозим.

Пассив сальдо балансини коплашнинг усууларидан бири бу марказий банкларнинг миллий валютада берадиган своп (валюта алмаштириш шартномаларидан бири. Масалан, долларни маркага своп шартида сотиш ва шу захоти уни сотиб олиш бўйича муддатли шартномани тузиш ёки унга тескари операция долларни маркага сотиб олиш своп шартномаси ва уни сотиш бўйича муддатли шартномани тузиш киради.) келишуви бўйича қисқа муддатли кредитидир.

Тўлов балансининг вактинчалик қоплаш учун ХВФ аъзо давлатларга резерв (шартсиз) кредитини беради (квотани 25 % и чегарасида).

Ривожланган давлатлар ўз тўлов баланси дифицитини коплаш учун банк консорциумлари кредитлари, облигацияли заёmlаридан фойдаланилади.

Тўлов баланси дифицитини қоплаш усууларига, шунингдек “хорижий ёрдам” линиясидан олинган имтиёзли кредитлар хам киради.

Тўлов балансини баланслашнинг сўнгги усули бўлиб, бу расмий олтин валюта захираларидан фойдаланишdir. Тўлов

балансини якуний баланслашда чет эл конвертерланадиган валюта захиралари хам киради.

70-йиллардан бошлаб тўлов баланси дифицитини қоплаш учун хорижий валютани сотиб олишда СДР дан фойдаланила бошланди. 1979 йилдан бошлаб ЕВТ давлатлари бу максадда ЭКЮдан хам фойдаланади. Тўлов баланси дифицитини қоплашнинг манбаларидан бири бу субсидия ва инъомлар тарзидаги хорижий ёрдам хисобланади.

Шу каби тўлов балансини мувозанатлашнинг ёрдамчи усулларга чет эл ва миллий қимматли қоғозларни чет эл валютасига сотиш киради. Масалан, АҚШ тулов балансини пассив сальдосини қоплаш мақсадида хазина облигацияларини хорижий давлатлар марказий банкларида сақлайди.

Тўлов балансини актив сальдосини таъминлашда экспортни рафбатлантириш, импортни чеклаш, чет эл капиталини жалб этиш, капитални чиқиб кетишини чеклаш каби усуллардан (девольвация, валюта чеклашлари, молия ва пул кредит сиёсати хамда унинг асосий моддаларини ташил этиш чоғида тўлов балансига таъсир этишининг махсус усуллари) фойдаланилади.

Тўлов баланси давлат бошкарувини талаб киладиган объектларданdir. Тўлов баланслари табиатига кўра доимий актив ва пассив бўлаолмаса хам уларнинг ўзгариши валюта курси (бинобарин, валюта тушуми ва чикимига таъсир этади) ва капитал оқими, айниқса “Иссиқ пуллар” оқимини бекарорлигини

кучайтиради. Бу ўз навбатида пул муомиласига, охир оқибатда эса иқтисодиётга салбий таъсир этади.

### **Мавзуни мустақил ўзлаштириш бўйича саволлар:**

1. Халқаро ҳисоб-китобларнинг ҳуқуқий ва меъёрий асослари нималардан иборат?
2. Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдодаги ўрни?
3. Халқаро ҳисоб-китобларнинг шакли ва унинг турлари нима?
4. Халқаро ҳисоб-китобларни ташкил этишда банкларнинг ўрни нимада?
5. Халқаро ҳисоб-китобларда савдо ва ҳисоб-китоб балансларининг ўрни?
6. Тўлов балансини моҳияти ва тарихи нималардан иборат?
7. Тўлов баланси қандай кисм ва бўлимларга бўлинади?
8. Тўлов балансининг актив ва пассив қолдиғини аниқлаш тартиби?

### **5-мавзуу: Кредит ва кредит тизими**

#### **Режа:**

1. Кредитнинг моҳияти, зурурияти, функциялари ва унинг бозор иқтисодиётидаги ўрни.

2. Кредит муносабатлари ривожланишининг асосий босқичлари. Кредит ресурслари.
3. Кредитнинг асосий тамойиллари.
4. Кредитнинг шакллари ва турлари.
5. Молия-кредит ресурслари бозори. Фонд биржаси ва уларнинг операциялари.
6. Кредитнинг чегаралари. Кредит фоизи ва унга таъсир қилувчи омиллар.

### **Таянч тушунчалар:**

Кредитнинг моҳияти, аҳамияти ва зарурияти. Кредитнинг имконияти. Кредитнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги ўрни. Кредит ривожланишининг асосий босқичлари. Кредитнинг функциялари. Кредит ресурслари. Кредитнинг асосий тамойиллари. Кредитнинг асосий шакл ва турлари. Банк, истеъмол ва тижорат кредитининг турлари. Молия – кредит ресурслари бозори. Фонд биржаси. Биржа фаолиятининг асосий тамойиллари. Кредитнинг чегаралари. Кредит фоизи ва унга таъсир этувчи омиллар.

**Адабиётлар:** 4, 22, 23, 24, 25, 28, 48, 57<sup>б, д, е, ж</sup>

### **1. Кредитнинг моҳияти, зурурияти, функциялари ва унинг бозор иқтисодиётидаги ўрни.**

Маълумки, жамият фаолиятининг асосини ишлаб чиқариш ташкил этади. Ишлаб чиқаришни ўзлуксизлигини таъминлашда эса кредитнинг ўрни муҳим ҳисобланади.

Бошқача айтганда корхоналарнинг бозор иқтисодиёти шароитида иш юритишида ишлаб чиқариш жараёнининг ўзлуксизлигини таъминлаш, корхонанинг асосий ва айланма фондларининг айланишини тўхтаб колишига йўл қўймаслик, корхоналарни молиявий ресурслари билан таъминлаш, корхоналар томонидан товар маҳсулотини сотганда, сотилган товар учун тўлов суммасини олиш ва бошқа объектив ва субъектив сабаблар кредитнинг зарурлигига олиб келади.

Кредит (лотинча – ишониш – верить, доверяться) деганда ўз эгалари қўлида вақтинча бўш турган айрим қиймат ёки пул маблағларининг бошқалар томонидан маълум муддатга хақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиқадиган муносабатлар тушунилади.

Кредит қадимдан маълум бўлиб, у дастлаб савдода алмашув жараёнида пайдо бўлган бўлиб, у аввал товарларни кредитга сотилиши билан боћлиқ. Бунга сабаб ҳаридорни товар сотиб олишга ҳамиша ҳам нақд пули бўлмайди, у товар сотилса тушади, товар сотувчи эса уни тушишини қутиб туролмайди (шу даврда

товарнинг қиймати тушиб кетиши, сифати пасайиши мумкин.). Шу ва бошқа холатлар товарларни кредитга сотишга олиб келган. Кредит товар ишлаб чиқаришнинг ва товар муомиласининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади ва унинг ривожланиши билан боғлиқ. Товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан пул шаклидаги кредит пайдо бўлди.

Кейинчалик кредит бериш мустақил фаолиятга айланиб, унинг асосий функцияси бўлиб пул эгалари ва унга вақтинча мухтоҷ бўлганлар ўртасидаги воситачиликдир. Қозир бу фаолият маҳсус малака ва техникага эга бўлган маҳсус ихтинослашган муассасалар-банклар томонидан амалга оширилмоқда.

Кредитнинг имконияти ва зарурлиги шу билан боғлиқи корхоналар маҳсулот сотишда, ходимларга меҳнат хаки ҳисобланганда, корхона ва жисмоний шахслар ўз пулларини банкларда саклаши ва бошқа холларда вақтинчалик бўш бўлган пул маблаглари бўлгани холда бошқа корхона ва ташкилотларда ўз фаолиятларини ўзлуксизлигини таъминлаш учун тегишли пул маблагига эҳтиёж сезади. Бу холат қишлоқ хўжалик корхоналарига ҳам тегишли бўлиб, бу ишлаб чиқаришни мавсумийлиги, маҳсулот ишлаб чиқариш вақти билан уни сотиш хажмини кўпчилик маҳсулотлар бўйича мос келмаслиги, сотилган маҳсулотларга пулни ўз вақтида келиб тушмаслиги ва бошқа холатлар уларни кредитдан фойдаланишини такозо этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида кредитнинг аҳамиятини ошиши қуйидагилар билан боғлиқ:

1. Нақд пулдан фойдаланишни камайтириб, муомила ҳаражатларини, пул эмиссиясини камайишини таъминлайди.
2. Корхоналар ва ахолининг вақтинчалик бўш пул маблағлари кредит муассасаларида сакланиши туфайли улардан унумли фойдаланиш таъминланади.
3. Банк муассасаларига тупланган пуллар халқ хужалиги тармоқлари, корхоналарнинг асосий ва айланма маблагларининг тулдиришнинг қарзга олинган манбаи сифатида муҳим аҳамиятга эга.
4. Кредит туфайли хужаликлар уртасидаги шартнома мажбуриятларининг бажарилиши таъминланади, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнининг ўзлуксизлиги таъминланади ва бошқалар.

Ижтимоий иқтисодий тизимда кредитнинг ўрни ва роли у бажараётган функциялар билан аниқланади. **Кредитнинг функцияси** – бу кредитнинг иқтисодиётдаги фаолиятининг муайян равишда намоён бўлишидир.

Кредитнинг функциялари:

1. **Қарзга берилувчи қийматни вақтинча фойдаланишга бериш.** Бунда кредитор ва қарз олувчи ўртасидаги муносабат

шундай аниқланадики, кредитор қарз олувчига ресурсларни таклиф қилади, қарз олувчи бу ресурсларни ишлатади ва бунда қарзга берилувчи қиймат кредитор ва қарз олувчи ўртасида айланади.

**2. Қайта тақсимлаш.** Кредит такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларига – таъминот, ишлаб чиқариш, тақсимлаш, муомила ва истеъмолга хизмат килади.

Ушбу функция ёрдамида корхоналар, ташкилотлар, давлат ва шахсий секторнинг бўш пул маблағлари ва даромадлари ссуда капиталига айлантирилади ва вақтинча фойдаланишга, муайян тўлов асосида берилади. Бу функция ёрдамида ишлаб чиқаришдаги пропорциялар ва пул капитали ҳаракати бошқарилиб турилади.

**3. Муомила ҳаражатларини тежаш.** Бу функция ёрдамида накт пулсиз ҳисоб-китоблар ривожлантирилиб, ҳисоб-китобларни тезлигини ва кам ҳаражатлилиги таъминланади. Капиталнинг муомилада бўлиш вақтини тежалиши унинг ишлаб чиқаришда бўлиш вақтини оширади ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, фойданি ортишига олиб келади.

**4. Капитал тўпланишининг жадаллашуви ва марказлашуви.** Капитал тўпланиши жараёни иқтисодий ривожланишнинг барқарорлашуви ва хўжалик юритувчи субъектнинг ўз мақсадига эришишининг муҳим шарти ҳисобланади. Бу ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун кредит ёрдамида катта хажмдаги маблағга эга бўлишга имкон яратади. Ушбу функция хозирги шароитда режали иқтисодиёт даврида ривожланмаган ва

маблағлар билан таъминланмаган фаолият жабҳаларини молиявий маблағлар билан таъминлаш жараёнини сезиларли тезлаштиради.

**5. Муомилага тўлов воситаларини чиқариш.** Бу функцияни амалга ошириш жараёнида кредит фақатгина товар эмас, балки пул муомиласининг жадаллашувига, ундан нақд пулларни сиқиб чиқариб, тўловлар айланишининг тезлашувига ижобий таъсир кўрсатади. Кредит туфайли пул муомиласи доирасига вексель, чек, кредит карточкалари каби воситалар киритилиб, нақд пулли ҳисоб-китобларни, нақд пулсиз ҳисоб-китобларга алмаштиради. Бу эса ички ва ташки бозордаги иқтисодий муносабатлар механизмини осонлаштиради ва тезлаштиради. Бу масалани ҳал этишда тижорат кредити замонавий товар алмашинишининг керакли элементи сифатида муҳим ўрин тутади.

**Кредитнинг обьекти** - бу (кредитор) қарз берувчидан қарз олувчига бериладиган қийматдир. Бошқача айтганда кредит айнан қайси мақсад учун берилса, шу кредит обьекти ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигига банклар деҳқончилик ва чорвачилик ҳаражатлари - минерал ўғит, ёқилғи ва мойлаш материаллари ва бошқа ҳаражатлар кредитланади. Кредит муносабатларининг субъектлари бўлиб (қарз берувчи) ва қарздор (қарз олувчи)лар ҳисобланади.

Бошқача айтганда кредитлаш субъектлари бўлиб давлат корхона ва ташкилотлари, қурилиш ташкилотлари, савдо ташкилотлари, фермер ва ширкат хўжаликлари, якка меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар, қўшма корхоналар, микро фирмалар, бирлашмалар, тижорат банклар ва бошқалар ҳисобланади.

Юқоридаги субъектлар кредит олувчи сифатида фаолият кўрсатса, тижорат банклари ёки бошқа кредит муассасалари кредит берувчи субъект сифатида намоён бўлади.

2. Кредит муносабатлари ривожланишининг асосий босқичлари.

Кредит ресурслари.

Ўзининг тарихий ривожланишида кредит қўйидаги босқичларни босиб ўтган:

Бошланғич шаклланиш. Бу босқичнинг асосий белгиси ссуда капитали бозорида маҳсус воситачиларнинг йўклиги. Кредит муносабатлари, бўш пул маблағларининг эгаси ва қарз олувчи ўртасида бевосита амалга оширилган. Бу ерда кредит судхўрлик капитали сифатида намоён бўлади. Унинг характерли хусусияти бўлиб:

- Қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасида тўғридан тўғри келишувга асосланган қарз муносабатларининг тўлиқ марказлашмаганлиги.
- Маблағларни тақсимлашнинг чекланганлиги.
- Қарз маблағларидан фойдаланганлиги учун жуда юқори фоиз нормаларининг белгиланганлиги ва бошқалар.

Бу босқичнинг тугалланишига ишлаб чиқаришнинг тобора ривожланиб бориши туфайли қарз ресурсларига бўлган эҳтиёжни кескин ошганлиги ва алоҳида олинган судхўрлар капиталини бу талабларни қондиришга етарли бўлмаганлиги.

Таркибий жиҳатдан ривожланиш. Бу босқич ссуда капитали бозорида кредит-молия ташкилотлари каби маҳсус воситачиларнинг пайдо бўлиши билан ҳарактерланади.

Капитал судхўрлик ва саррофлик идоралари заминида вужудга келган дастлабки банклар кейинчалик кредит институтларига анъанавий бўлиб қолган қўйидаги функцияларни ўз зиммасига олди:

- бўш молиявий маблағларни ўз вақтида фоиз билан тўлаш мажбурияти асосида қарз олувчига бериш.
- юридик ва жисмоний шахслар учун ҳар хил тўлов ва ҳисоб-китоблар бўйича хизмат кўрсатиш (кейинчалик давлат учун ҳам).

- қатор махсус молиявий операцияларни ўтказиш (вексель ва бошқалар).

Бу босқичнинг асосий белгиси – иқтисодиётда кредит муносабатларини давлат томонидан марказлашган ҳолда бошқарилишидир.

Давлат микиёсида кредит муносабатларининг марказлашуви ҳар бир давлатнинг Марказий банки ёрдамида амалга оширилади. Дастраски миллий давлат кредит институтларининг пайдо бўлиши нақд пулсиз ҳисобкитобларни олиб бориш учун қўл келди, ҳамда тижорат банкларининг операциялари ва хизмат кўрсатиш кўламининг кенгайишига олиб келди.

Кредит муносабатларининг такомиллашуви. Бозор иқтисодиёти шароитида кредит муносабатлари янги сифат даражага кўтарилиб бу иқтисодиётда информацион технологиянинг ривожланиши, глобал банк тармоқларининг компьютер технологиялари ва маълумотлар базаларининг шаклланишининг, мижозга хизмат кўрсатишининг яхшиланиши ва кредит муносабатларини халқаро бозорга ҳам таркалиши ва бошқа сифат ўзгаришлар билан боғлиқ.

Кредитлашнинг асосий манбалари (ресурслари) бўлиб, куйидаги вақтинчалик бўш пул маблағлари ҳисобланади:

1. Товарларни сотиш ва керакли моддий қийматларни сотиб олиш вақтларининг бир-бирига мос келмаслиги туфайли юзага келадиган бўш пул маблағлари.
2. Ҳисобланган иш хаки билан уни тўлаш вақтлари орасидаги вақтинча бўш пул маблағлари.
3. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида йигиладиган ва капиталлаштириш учун мўлжалланган маблағлар.
4. Шахсий сектор даромадлари, жамғармалари.
5. Корхоналар фаолияти натижасида юзага келувчи таксимланмаган фойда ёки ундан фойдаланиш жараёнида пайдо бўлувчи бўш пул маблағлари (тўланмаган девидент ва бошқалар) ва бошқа бўш пул маблағлари.

Кредитлашнинг кўлами ва ривожаланиши кредит ресурсларининг хажмига боғлиқ.

### 3. Кредитнинг асосий тамойиллари

Кредит муносабатлари маълум тамойилларга асосланади. Иқтисодий категория сифатида кредит қуйидаги тамойилларга эга:

**1.** Кредитнинг қайтарилиши. Бу тамойил кредитнинг умумий белгиси ҳисобланади, лекин у ўз-ўзидан вужудга келмайди. У моддий жараёнларга, қиймат айланишининг тугашига асосланади. Аммо доиравий айланишнинг тугаши – бу қайтариб бериш эмас, қайтариб бериш учун замин тайёрлаш ҳисобланади. Қайтариб беришлик объектив белги ҳисобланади ва бу тамойил бошқа иқтисодий категориялардан, шу жумладан молиядан фарқ қиласди.

Кредитнинг бу тамоилии амалиётда кредит ва ундан фойдаланганлик учун фоиз суммасини кредит берган муассаса ҳисобига кўчириш йўли билан тўланади. Шу йўл билан банклар кредит ресурсларини қайта тикланишини таъминлайди. Собиқ иттифоқ даврида «қайтарилмайдиган ссуда» тушунчаси мавжуд бўлиб, у қишлоқ хўжалигига ҳам кенг тарқалган эди. Бу банкларни корхоналар молиявий ахволини ҳисобга олмаган холда берилиб, аслида у бюджет субсидиясининг қўшимча шакли сифатида намоён бўлади.

**2.** Кредитнинг муддатлилиги. Бу кредитнинг маълум муддатга берилишини англатиб, у қисқа ва узоқ муддатли кредитга бўлинади. Бу муддат қарздор учун хохлаган муддатда эмас, балки у шартномада белгиланган муддат ҳисобланади. Кредитни ўз вақтида қайтарилиши иккала томон учун ҳам муҳим

ҳисобланади. Қарз берган томон учун кредитни ўз вақтида фоиз билан қайтарилиши уни яна кредитга бериш имкониятини яратади, қарздорни эса шартномада кўзда тутилган жазо чораларидан кутултиради.

Кредитнинг муддатлилиги келиб тушувчи бойликларни тежамли ва қайта ишлатиш муддатига, ишлаб чиқарилган маҳсулотни жўнатиш муддатига, товарларни сотиш муддатига ва пировард натижада айланма маблағларни доиравий айланишини тезлигига боғлиқдир.

**3.** Кредитни товар-моддий бойликлар билан таъминланганлиги. Бу тамоилнинг моҳияти шуки, бунда хўжалик айланмасида иштирок этувчи банк маблағларининг бир сўмига муайян бойликларнинг ҳар бир суми қарама-қарши туриши керак. Берилган кредитлар товар-моддий бойликлари ва маълум ҳаражатлар билан таъминланган бўлиши керак. Таъминланмаган кредитларнинг берилиши кредитларни банкга қайтиб келмаслигига асос ҳисобланади.

Бунинг учун хозирги шароитда қарз олувчилар банкга товар ёки товар хужжатларини, мулкни гаровга қўяди. Кредит варрант (гаров учун хизмат қилувчи хужжат) ёки учинчи шахс кафолати асосида ҳам берилиши мумкин.

Кредитнинг бу тамойили қарз олувчи ўзига олган мажбуриятларини бузиш шароитида қарз берувчининг мулқорлик манфаатларини химоя килишни таъминлайди ва ўзининг амалий аксини кредитнинг бирор гаров ёки молиявий кафолат асосида беришда топади. Бу умумиқтисодий баркамоликка эришиш даврида муҳимдир.

4. Тўловлилик. Бу тамойилга асосан корхоналар фойдаланилган қарз маблағларини ҳисобланган фоизи билан тўлиқ ўтказадилар. Кредит учун хак тўлашнинг иқтисодий моҳияти қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги кўшимча олинган фойданинг тақсимланишини қайд қилишда намоён бўлади. Хозирги шароитда ссуда фоизи микдори шартномада ўз аксини топади ва у кредитлашнинг ўртача нормаси ва банк маржасидан ташкил топади.
5. Кредитнинг мақсадлилиги. Бу шу билан боғлиқки, қарз олувчи олинган кредитни маълум максадга (товар моддий бойликлар сотиб олиш, ишлаб чиқариш ҳаражатларини коплаш ва бошқалар) йўналтирилган бўлиши зарур. Бу максадлар кредит берувчи ва кредит олувчи ўртасида тузилган шартномада ўз аксини топади. Корхона олган кредитни фақатгина кредит шартномасида кўрсатилган ишни бажаришга (сотиб олишга ва бошқалар) сарфлаши керак.

6. Кредитнинг самарадорлиги. Бу тамойил нафақат кредит ва фоиз суммасини банкга қайтариб тўлашни, балки шу кредит ёрдамида кредитланадиган ёки молиялаштириладиган соҳа, тармоқ, корхона канча самарадорликка эришишини ифодалаши зарур. Шунинг учун ҳар бир лойиха кредит ҳисобига бажариладиган бошқа тадбирлар самара берадиган бўлсагина уларга маблағ ажаратилиши лозим.

Бинобарин самардорлик кредитнинг зарурий тамойилларидан бири бўлиб унга риоя қилиш кредитнинг бошқа тамойилларининг бажарилиши учун асос ҳисобланади.

#### 4. Кредитнинг шакллари ва турлари

Жаҳон амалиётида кредитларни ягона, умумлашган таснифи йўқ. Чунки кредитларнинг тури хил шакллари ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасига, унинг урфодатларига, ахоли орасида кредитларни бериш ва қайтариш буйича тарихан шаклланган (товар шаклида, пул шаклида, бошқа шакллар ва шартларда) усусларига боғлиқ бўлади.

Умуман кредитнинг шакллари унинг тури ва усусларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Кредитнинг асосий турлари:

1. Банк кредити.
2. Давлат кредити.
3. Истеъмол кредити.
4. Тижорат кредити.
5. Лизинг кредити.
6. Халқаро кредит.

Иқтисодиётда кенг тарқалган кредит муносабатларининг бири банк кредитидир. Банк кредитини берувчи кредит муассасалари кредитлаш жараёнини амалга ошириш учун Марказий банқдан маҳсус лицензия олган бўлиши зарур. Бунда кредит муносабатларининг асосини кредит шартномаси ташкил этади.

Банк кредитлари қуидаги белгилари бўйича гурухланади:

1. Кредитлаш обьектларининг иқтисодий моҳиятига кўра
  - a) товар-моддий бойликлар учун бериладиган кредит.
  - b) ишлаб чиқариш ҳаражатлари (хом-ашё ва бошқалар) учун бериладиган кредит.
2. Тўлаш муддатига кўра (қисқа, ўрта ва узок муддатли)
- a) Муддатли
- b) Муддати кечиктирилган
- c) Муддати ўтган.
3. Кредитни тўлаш манбаларига кўра.
  - a) Қарз олувчининг ўз маблағлари хисобига.
  - b) Гарант маблағлари хисобидан

- c) Янги кредитлар жалб қилиш ҳисобидан.
4. Таъминланганлик тамойилининг амал қилишига қараб.
  - a) Бевосита тўғри таъминланган (ўз мулки ва маблағи хисобига).
  - b) Билвосита таъминланган кредитлар (учинчи шахс кафолати)
  - c) Таъминланган кредитлар (суғурта ва юқори ташкилотлар)
5. Тўланадиган фоиз даражасига кўра
  - a) Паст фоиз ставкали.
  - b) Ўрта фоиз ставкали
  - c) Юқори фоизли
  - d) Фоизсиз (хукумат қарорига кўра айрим соҳаларни ривожлантириш ёки тадбирларни амалга ошириш учун).

Банк кредити қайтариш муддатига кўра қисқа, ўрта ва узок муддатли кредитларга бўлинади. Бу мезон турли мамлакатларда турли муддатни ўз ичига олади. Жумладан:

Муддат и	Россия	АҚШ	Буюк Британия	Франци я	Ўзбекистон
Қисқа	1 йилгача	1 йилгача	3 йилгача	1 йилгача	1 йилгача
Ўрта	1-3 йил	1-6 йил	3-10 йил	2-7 йил	1-3 йил
Узок	3 йилдан	6 йилдан	10	7	3 йилдан

	ортиқ	ортиқ	йилдан ортиқ	йилдан ортиқ	ортиқ
--	-------	-------	-----------------	-----------------	-------

Қисқа муддатли кредитлар асосан айланма маблағларни молиялаштиришга, ўрта ва узок муддатли кредитлар асосий капитални молиялаштиришга берилади.

**Давлат кредитининг асосий хусусияти** кредит муносабатларида давлатнинг қатнашувиdir. Давлат кредитида давлатнинг бир томондан қарз берувчи ва иккинchi томондан қарз оловчи сифатида иштирок этиши, қарз берувчи вазифасини бажара туриб давлат кредит институтлари, жумладан Марказий банк орқали иқтисодиётнинг ҳар хил соҳаларини кредитлашни ўз зиммасига олади. Бу марказлашган кредитлар иқтисодиётнинг устивор тармоқларини кредитлаш, давлат аҳамиятига эга бўлган аниқ тармоқ ва соҳаларга, агар бюджетдан молиялаштириш имконияти бўлмагандага вақтинча фойдаланишга маблағ ажратилиши мумкин.

Ундан ташқари тижорат банкларига банклараро кредитлар бозорида кредит ресурсларини ким ошди савдо йўли билан ёки тўғридан тўғри сотиш жараёнида давлат томонидан маблағлар вақтинча фойдаланиш учун берилиши мумкин.

Давлатнинг қарzlари кўпайган ҳолларда давлат бюджети камомадини молиялаштириш мақсадида давлат қарз оловчи сифатида давлат қарzlарини жойлаштириш жараёнини амалга оширади.

Давлат хазина мажбуриятларини чиқариш, молия бозорларида давлат қимматли қофозларини жойлаштириш, давлат заёмларини чиқариш ва сотиш йўли билан банкларнинг, аҳолининг ва бошқа молия-кредит институтларининг пул маблағларини йиғади ва уларни давлат қарзи ва бюджет камомадини қоплашга сарфлайди. Давлат ўз қарзидан воз кечиши ҳам мумкин.

Бундан ташқари давлатни ички ва ташқи қарzlари, давлат кафил ва кредитор сифатида ҳам бўлиши мумкин.

**Истеъмол кредитининг хусусияти** у жисмоний шахсларга берилади. Кредитнинг бу шаклида кредит берувчи сифатида маҳсус кредит муассасалари билан бирга савдо ва хизматларни сотишни амалга оширадиган жисмоний шахслар ҳам бўлиши мумкин.

Истеъмол кредити икки шакlda: пул шаклида ва товар шаклида берилиши мумкин. Жисмоний шахсларга бундай кредитлар кўчмас мулкка эгалик қилиш учун, ҳар хил товар ва хизматлар, уй жихозларини сотиб олиш ва бошқа эҳтиёжларни қондириш учун берилади.

Ўзбекистонда хозирги вақтда бундай кредитлар уй-жой сотиб олиш ва қуришга, автомобил сотиб олишга ва бошқа мақсадларга берилмоқда. Мамлакатимизда 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб талабаларга ўқиш хизмати учун «Олтин даврим» кредити берилмоқда.

АҚШда бу соҳага кам фоизли йилига 2500 доллар, охирги курсда 5000 доллар миқдорида кредит берилиб талаба уни ўқишини тутатиб ишлаш давомида узади.

**Тижорат кредити** иқтисодиётда кредит муносабатларининг вужудга келишининг дастлабки шаклларидан ҳисобланади. Тижорат кредитининг обьекти бўлиб сотиладиган товарлар, субъекти бўлиб мол етказиб берувчи ва мол сотиб оловчи корхоналар ҳисобланади. Бу кредитнинг асосий мақсади товарларни сотишни тезлаштириш ва шу орқали фойда олишдан иборат.

Тарихан тижорат кредитининг қўйидаги усувлари мавжуд:

1. Вексел усули
2. Очиқ счёт орқали
3. Чегирма бериш.
4. Мавсумий
5. Консигнация

**Вексел** бу қарз мажбурияти бўлиб, қарз оловчи ўз зиммасига қарзни кўрсатилган сўммада, кўрсатилган шартларда, белгиланган муддатда тўлаш мажбуриятини олади.

Амалиётда векселни оддий ва ўтказма турлари мавжуд.

Оддий векселни қарз оловчи корхона қарз берувчи корхонага беради ва товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун унга тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Ўтказма векселда (бу ҳужжат тратта ҳам дейилади) кредитор томонидан белгиланган товар ва хизматлар сўммаси унинг

топшириғига асосан учинчи шахсга ёки векселни кўрсатувчига ўтказилиши лозим ва ҳоказо.

**Очиқ счёт орқали** ҳисоблашилганда ҳаридор товарга буюртма берилиши билан юклаб жўнатилади, тўлов эса ўрнатилган муддатларда келишилган сумма чегарасида вақти-вақти билан амалга оширилиб борилади. Бунда ҳаридор ҳар гал товар олишда кредитни расмийлаштириб ўтирумайди, яъни кредитга мурожаат қилмайди.

**Чегирма бериш** усулида ҳаридор тўлов ҳужжатлари ёзилгандан сўнг, шартномада келишилган маълум давр ичida тўловни амалга оширса тўлов йиғиндисидан чегирма берилади. Агар ушбу даврда тўлай олмаса, унда белгиланган муддатда тўловни тўлиқ амалга оширади.

**Мавсумий** кредит одатда ўйинчоқлар, сувенирлар ва бошқа халқ истеъмол молларини сотишда қўлланилади. Масалан, ўйинчоқларни вақтидан олдин олиб янги йил ўтгач январ-феврал ойида тўлайди. Буни ишлаб чиқарувчилар учун қулайлиги улар ўйинчоқларни омборларда сақлаш ҳаражатларидан холос бўладилар.

**Консигнация** усулида товарни сотиб оловчилар ҳеч қандай мажбуриятсиз сотиб оладилар, яъни товарлар сотилганидан кейин пули тўланади, агар у сотилмай қолса эгасига қайтариб берилади.

Хорижий мамлакатларда тижорат кредитидан кенг фойдаланилади. МДҲ мамлакатлари амалиётида тижорат

кредитидан кам фойдаланилади. Умуман жахон амалиётида ҳам тижорат кредитининг очиқ счёт, консигнация, чегирма бериш усуулари кенгрок фойдаланилади.

Тижорат кредитининг салбий томони бўлиб товарларни кредитга берган ташкилот унга пул тушгунга қадар маблағга муҳтож бўлиши, уни ўзи кредитга мурожаат қилишга мажбур бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам корхоналарни тижорат кредитидан фойдаланиши банк кредитидан фойдаланишини инкор килмайди.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни ҳисобга олмаган ҳолда тижорат кредити товарлар сотиш жараёнини тезлаштиришда ва корхоналарнинг айланма маблағларини хўжалик фаолиятидан тезрок бўшашини таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Кредитнинг халқаро кредит шакли билан фаннинг «Халқаро кредит ва унинг ташқи иқтисодий муносабатларининг риожлантиришдаги ўрни» мавзусида, лизинг кредити билан фаннинг «Банклар ва банк тизими» мавзуларида батафсил танишиш мумкин.

## **5. Молия-кредит ресурслари бозори. Фонд биржаси ва уларнинг операциялари**

**Молия бозори** – бу аввало пул фонdlари ва пул ресурсларини ташкил этиш, улардан фойдаланиш юзасидан вужудга келадиган муносабатлардир. Молия бозори таркибиغا қимматли қоғозлар бозори, валюта бозори, инвестиция бозори, ссуда капитали бозори кабилар киради.

Молия бозорини асосий қисмини қимматли қоғозлар бозори ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ «Қимматли қоғозлар – бу уларни чиқарган шахс билан уларнинг эгалари ўртасидаги мулкий ҳуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқловчи дивидент ёки фоиз кўринишида даромад тўлашни ҳамда ушбу хужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсга бериш имкониятини назарда тутувчи пул хужжатидир».

Қимматли қоғоз немисча «Uertresht» сўзидан олинган бўлиб «қимматли ҳуқуқ» маъносини англатади.

Қимматли қоғозларга акция, облигация, хазина мажбуриятлари, депозит ва жамгарма сертификатлари, векселлар ва ҳосила қимматли қоғозлари киради.

**Қимматли қоғозлар бозори** – бу жисмоний ва юридик шахсларнинг қимматли қоғозларини чиқариш, уларнинг муомилада бўлиши ва сўндирилиши билан боғлиқ муносабатлар тизимиdir.

Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари бўлиб уларни сотиш ва сотиб олишда молиявий воситачи вазифасини бажарувчи эмитентлар, инвесторлар, инвестиция институтлари, банклар ва бошқалар хисобланади.

Кредит ресурслари бозори молия бозорининг таркибий қисми бўлиб, унинг ҳолати ссуда капиталининг доиравий айланиш жараёни билан боғлиқ.

Ссуда капитали бозорининг асосий иштирокчилари бўлиб:

- Турли банкларда сақланувчи ссуда капиталига айланувчи бўш молиявий ресурсларнинг эгалари.
- Пул маблағларини бевосита жалб қилувчи, уларни ссуда капиталига айлантирувчи ва фоиз кўринишида ҳак тўлаш ва қайтариш шарти билан вақтинчалик фойдаланишга қарз олувчига берувчи кредит молиявий ташкилотdir.
- Бўш маблағларни вақтинчалик фойдаланганлик учун тўлов тўлайоладиган давлат ташкилотлари, хукуқий ва жисмоний шахс кўринишидаги қарз олувчилар ва бошқалар хисобланади.

Банклардан бериладиган кредит ресурсларнинг мақсадли йўналишидан келиб чиқкан ҳолда ссуда капитали бозори қўйидаги асосий сегментларга бўлинади:

- **Пул бозори** – айланма маблағларнинг ҳаракатини таъминловчи қисқа муддатли кредит операциялари.

- **Капитал бозори** – асосий маблағлар ҳаракатини таъминловчи қисқа ва узоқ муддатли операциялар.
- **Фонд бозори** - қимматбаҳо қоғозлар бозорига хизмат қилувчи операциялар.

**Фонд биржаси** - қимматли қоғозлар олди-сотди қилинадиган биржа; Фонд биржаларининг асосий хусусияти тегишли савдо жойларининг мавжудлиги эмас, балки қимматли қоғозлар билан савдонинг ҳамма босқичларини аниқ йўлга қўйилганлиги бўйича ташкилий таркибнинг мавжудлиги, улар устидан ишончли назорат тизимини ва улар хатарини бошқаришни мавжудлиги.

Фонд биржаларининг келажаги – электрон фонд биржаларида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида» ги қонуннинг 3-моддасига кўра «Биржа юридик шахс бўлиб олдиндан тайёрланган жой ва муайян вақтда, белгиланган қоидалар асосида оммавий ва ошкора биржа савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш орқали биржа товарлари савдоси учун шарт-шароит яратади».

Биржа фаолияти (4-модда) – биржа савдоларини ташкил этиш ҳамда талаб ва таклифнинг ҳақиқий нисбатини аниқлаш асосида биржа товарларининг нархларини чиқариш орқали биржа товарларининг бозорини яратишга қаратилган ҳаракатлар йиғиндисидан иборат.

Биржалар фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда тегишли ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

Қонуннинг 7-моддасига биноан биржа фаолиятининг асосий тамойиллари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

- биржа савдоларини ошкора ва оммавий тарзда ўтказилиши
- биржа савдоларида нархларни эркин шаклланиши
- биржа битимларини тузишнинг ихтиёрийлиги
- биржа барча аъзоларининг биржа савдоларида иштирок этиши учун шарт-шароитларнинг тенглиги.

## **6. Кредитнинг чегаралари. Кредит фоизи ва унга таъсир қилувчи омиллар.**

Кредит муносабатларининг субъектларга ёки кредитларнинг турларига нисбатан аниқ кўрсаткичлар шаклида белгилаб қўйиладиган кредитдан фойдаланишининг қатъий чегараси кредитлаш чегараси дейилади. Масалан, кредитнинг ҳажми ва ялпи ижтимоий маҳсулот ҳажми ўртасидаги нисбатдан фойдаланиб кредит чегарасини белгилаш мумкин. Бу кўрсаткичининг оптималь даражаси корхонани кредитга лаёқатлигини ҳисобга олган ҳолда

кредитлашдир. Бунга ҳар хил нормативларни қўллаш, бир мижозга бериладиган кредит миқдорини чеклаш каби тадбирларни киритиш мумкин. Кредитнинг қуйидаги чегаралари мавжуд:

1. **Кредитнинг ички чегараси** - кредитнинг турли шаклларга эга эканлигидан келиб чиқади (банклар, тижорат ва бошқалар). Кредитнинг ички чегараси миқдор жиҳатдан кредитнинг ҳар бир шаклига бўлган талабга, корхона ва халқ хўжалигининг эҳтиёжига ва кредит ресурсларининг мавжудлигига боғлиқ
2. Кредитнинг қайта тақсимлаш чегараси иқтисодиётда мавжуд кредит ресурсларининг ҳажми билан белгиланади.
3. Кредитнинг антиципациявий чегараси. Кредит ёрдамида пул жамғармаларини ҳосил қилиш имкониятларини сўнги чегараси антиципация деб юритилади ва бу имконият унинг барча шаклларида намоён бўлади.

**Кредитнинг асосий шарти** - бу қарз учун ҳақ тўлаш. Бу ҳақ қарз суммасининг йиғиндисига нисбатан фоиз ҳисобида олинганидан уни қарз фоизи ёки кредитнинг фоиз ставкаси деб юритилади. Фоиз миқдори кредитнинг тури, уни тўлаш муддати, олинган қарзни ўз вақтида узилишига боғлиқ. Масалан, тижорат кредитининг фоиз ставкаси одатда, банк кредитининг фоиз ставкасидан паст бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банклар томонидан хўжалик субъектларини қисқа муддатли кредитлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомга биноан (Тошкент, 2001 й) фоиз ставкаси банк бўйича ҳисбот ойи бошига бўлган ўртacha фоиз ставкасига Марказий банк томонидан тартибга солинадиган фойда нормасини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Адабиётларда кредитнинг номинал ва реал фоиз ставкалари тушунчалари мавжуд. Номинал фоиз ставкаси деганда кредит шартномаси- да кўзда тутилган фоиз ставкалари тушунилади.

*реал фоиз ставкаси = номинал фоиз ставкаси - инфляция  
даражаси.*

Бундан ташқари кредитнинг қатъий белгиланган ва сузуб юрувчи фоиз ставкалари тушунчалари ҳам мавжуд.

Қатъий белгиланган фоиз ставкалари кредит шартномаси бажарилгунга қадар ўзгармасдан қолади. Бунда банк ўзининг активларини маълум қисмини йўқотиши мумкин. Сузуб юрувчи ставкада фоиз ставкаларига тегишли ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ўзгартришлар киритиб борилади.

Халқаро кредитлар бўйича фоиз ставкалари жаҳон ссуда капиталлари бозорида аниқланиб, бу бозорларнинг асосий қисми Лондон, Токио, Нью Йорк, Франкфурт-на-Майне, Париж, Брюссель шаҳарларида жойлашган.

Умуман кредитлар бўйича фоиз ставкалари турли омиллар таъсирида ўзгариб туради. Шундай омилларнинг асосийлари бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

1. Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси.
2. Пул бозоридаги талаб ва таклифнинг нисбати. Талаб ошса, фоиз ортади, таклиф ошса у камаяди.
3. Қарзга олинадиган пулни ишлатишдан кутиладиган нафдаражаси. Кўпроқ наф келтирса, фоиз юқори ва аксинча.
4. Қарзни тўлаш муддати ва шарти. Қарз узоқ муддатга берилиб уни аста-секин кичик қисмлар билан қайтарилса, қарздор юқори фоизга рози бўлади ва аксинча.
5. Қарзни қандай пул билан берилиши. Қарз эркин конвертиланган валютада берилса фоиз юқори ва аксинча.
6. Инфляция даражаси. Бунда фоиз даражаси инфляция даражасига нисбатан тўғри мутаносиблиқда ўзгаради.
7. Пулни қарз беришдан кўра бошқа йўсинда ишлатишдан тушадиган даромад. Бунда пул эгасининг афзал кўриш принципи амал қиласи. Масалан, агар акция бўйича дивиденд юқори бўлса фоиз пасаяди ва аксинча.
8. Қарз беришнинг хатар даражаси. Агар қарзнинг қайтиб келиши кафолатланса фоиз паст, агар уни қайтиши шубхали бўлса фоиз юқори бўлади ва бошқа омиллар.

## **Мавзуни мустақил ўзлаштириш бўйича саволлар:**

1. Кредитни моҳияти ва аҳамияти нимада?
2. Кредитни имконияти ва зарурияти нимада?
3. Нима учун бозор иқтисодиёти шароитида кредитни роли янада ортади?
4. Кредит қандай функцияларни бажаради?
5. Кредитни объекти ва субъекти нима?
6. Кредит муносабатларини ривожланиши қандай босқичлардан иборат?
7. Кредит ресурслари нималардан иборат?
8. Кредитнинг қандай тамойиллари мавжуд?
9. Кредит қандай шаклда берилади?
10. Кредитни қандай турлари мавжуд?
11. Банк, истеъмол ва тижорат кредитлари қандай турларга бўлинади?
12. Молия – кредит ресурслари бозори нима?
13. Фонд биржаси нима ва у қандай операцияларни бажаради?
14. Биржа фаолияти қандай тамойилларга асосланади?
15. Кредитнинг қандай чегаралари мавжуд?
16. Кредит фоизи ва уни белгилаш тартиби?
17. Кредит фоизига қандай омиллар таъсир этади.

**6 – Мавзу: Халқаро кредит ва унинг ташқи иқтисодий муносабатларнинг ривожланишидаги ўрни.**

**Режа:**

1. Ташқи иқтисодий муносабатларда кредит, унинг турлари ва функциялари
2. Халқаро кредит муносабатларининг ривожланиш тарихи, гурухланиши ва ҳозирги замон муаммолари. Экспорт ва импорт операцияларини кредитлаш
3. Халқаро ва минтақавий молия, валюта ва кредит ташкилотлари
4. Баъзи давлатларнинг кредит тизими.

## **Таянч тушунчалар**

Ташқи иқтисодий муносабатларда кредит. Халқаро кредитнинг функциялари. Халқаро кредит муносабатларининг ривожланиш тарихи. Халқаро кредитнинг айrim белгилари бўйича гурухланиши. Импорт ва экспорт операцияларини кредитлаш. Халқаро валюта фонди ва унинг раҳбар органлари. Халқаро валюта фондининг кредитлари. Жаҳон банки ва унинг таркиби. Халқаро қайта тиклаш ва тараққиёт банки. Халқаро тараққиёт ассоциацияси. Халқаро молия корпарацияси. Инвестицияларни кафолатлаш халқаро агентлиги. Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки. ЕКТТБ ва Ўзбекистон. Осиё тараққиёт банки. Ислом тараққиёт банки. Баъзи давлатларнинг кредит тизими.

**Адабиётлар: 5, 7, 23, 28, 32, 34, 35, 39, 41, 42, 46, 49, 50, 52, 54, 56, 57<sup>a</sup>**

## **1. Ташқи иқтисодий муносабатларда кредит, унинг турлари ва функциялари.**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликга эришгач халқаро муносабатлар субъектига айланди. Ўзбекистон Республикаси Олий кенгаси 1991 йил 31 августдаги кабул килган давлат мустакиллиги тугрисидаги баёнатида – «Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятнинг teng хуқуқли аъзоси бўлиб халқаро муносабатларда суверен давлат, халқаро хуқуқ субъекти бўлиб, майдонга чиқади» дейилган.

Шисқа вақт ичida Ўзбекистон турли халқаро ва минтақавий молия, валюта ва кредит ташкилотларига аъзо бўлди ва самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Жаҳон миқёсида ҳам ташқи иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши кўзатилмоқда. Жумладан, жаҳон статистикасининг маълумотларига кўра 1990-2003 йилларда жаҳон ялпи ички маҳсулоти (жорий баҳоларда) 22,6 млрд. АШ долларидан 36,1 млрд. долларга ёки 1,6 баробар ошган бўлса мамлакатнинг жами экспорт ҳажми 4,3 млрд. дан 9,2 млрд. АШ долларига ёки 2,2 марта ошди. Тўғридан-

тўғри инвестициялар 209 млрд. дан 560 млрд. АШ долларига ёки 2,7 марта ошди.

Халқаро муносабатларнинг маълум қисми халқаро кредит муносабатларига тўғри келади.

Халқаро кредит қўйидаги хусусиятларга эга:

- Щарз оловчи ва қарз берувчи сифатида давлат, ташкилот ва муассасалар, хуқуқий шахслар (банклар, компаниилар), халқаро валюта кредит ташкилотлари қатнашади.

- Қарзга олинган маблағлар қарз оловчи мамлакат томонидан даромад келтирувчи капитал сифатида ишлатилади.

- Қарз берувчи мамлакатга тўланадиган кредит фондининг манбаси қарз оловчи мамлакат аҳолиси томонидан яратилган миллий даромад хисобланади.

Халқаро кредит давлат ва халқаро институтлар иштирок этган муносабатларда пул (валюта) шаклида, ташқи савдо фаолиятида эса товар шаклида бўлиши мумкин.

Халқаро кредит халқаро иқтисодий муносабатлар доирасида қўйидаги функцияларни бажаради:

- мамлакатлар ўртасида капиталнинг қайта тақсимланишини таъминлайди.
- капиталнинг марказлашувига шароит яратади ва бу жараённи тезлаштиради.

- ҳар хил валюталарда халқаро хисоб-китобларни олиб борища муюмила харажатларини қисқартиради.

## **2. Халқаро кредит муносабатларининг ривожланиш тарихи, гурухланиши ва ҳозирги замон муаммолари.**

### **Экспорт ва импорт операцияларини кредитлаш**

Халқаро кредит XIV-XV асрларда халқаро савдо муносабатлари асосида пайдо бўлган.

Халқаро кредит қўйидаги белгилари бўйича гурухланади:

1. **Характерига кўра:** давлатлараро, хусусий, фирма кредитлари.
2. **Шаклига кўра:** давлат, банк, тижорат.
3. **Кўринишига кўра:** товар шаклида (экспортердан импортерга), валюта (банкдан) шаклида.
4. **Валюта турига кўра:** қарздор мамлакат валютасида, кредитор мамлакат валютасида, учинчи мамлакат валютасида ва маълум ҳисоб бирликларида (ЭКЮ, СДР, Евро ва бошқалар).
5. **Муддатига кўра:** қисқа – 1 йилгача, ўрта – 1-5 йилгача ва ўзоқ муддатли – 5 йилдан ортиқ.
6. **Таъминланганлигига кўра:** таъминланган (товар – моддий қийматлар билан – кучмас мулк ва бошқалар), хужжатлар

билан (товар хужжатлари, векселлар, қимматли қоғозлар ва бошқалар).

7. Ташқи савдодаги ўрни бўйича: экспортни кредитлаш, импортни кредитлаш.

Экспортни кредитлаш қўйидаги шаклларда олиб борилади:

1. **Харидор бунаклари шаклида юзага келувчи кредит муносабатлари бўлиб, бунда харидор бунаклари бирор бир мамлакатга ёки экспортерга берилади.** Харидор бунакларининг моҳияти: биринчидан, улар хорижий буюртмачининг буюртмасини таъминлашнинг асоси сифатида хизмат қиласи, иккинчидан, бунак сўммаси экспортер капиталининг салмоғини оширади.
2. **Банк томонидан кредитлаш шаклларига кўра:** экспортёр мамлакат гарови остида кредит бериш, импортер мамлакатдан товар хужжатлари ёки товарларини гаровга олган холда кредит бериш.

Банк билан анча вақтдан бери бирга ишлаб келаётган ишончли йирик экспортёр фирмалар банкдан товарларни гаровга қўймасдан банк кредитини олишлари мумкин.

Импортни кредитлаш ҳам тижорат ва банк кредити шаклида берилади. Тижорат ёки фирма кредитлари иккига бўлинади.

1. **Очиқ ҳисоб бўйича кредит** (экспортер юкланган товарларни импортер қарзи сифатида унинг ҳисобига

- ёзіб қуяди, импортер эса кредитни маълум бир муддатда тўлаш жавобгарлигини олади). Бунда қарздорлик даври тугатилиб борилади. Товар ҳам ўз навбатида мунтазам жунатилиб турилади. Бунда банклар савдо контрагентлари хисоб-китобларида воситачи функциясини ўтайди.
2. Харидорнинг туловга лаёқатлик хатарини камайтириш бўйича ташқи савдога бериладиган кредитларни суѓурталаш.

Импорт бўйича банк кредитлари вексел бўйича қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Акцептли кредит – акцепт ёки импортер банкнинг экспортер траттасини тўлаш розилиги билан берилади. Бунда импортер тулов вақти келгандан банкка карз сўммасини маълум қиласи, банк унинг экспортер олдидаги жавобгарлигини ёпди.
2. Акцептли-рамбурсли кредит – импортерга хизмат килувчи хорижий банк томонидан кафолатлаш шарти билан банк томонидан векселни акцептлаш орқали амалга оширилади.

Товарларни кредитга сотища факторинг (факторинг компаниялари), форфейтинг операцияси (экспортер томонидан импортерга талаб хукуқи банк форфейторига берилади, у эса ўз

навбатида бу хукуқни сақлаши ёки халқаро бозорда сотиши мумкин) усулларидан ҳам фойдаланилади.

### **3. Халқаро ва минтақавий молия, валюта ва кредит ташкилотлари**

Халқаро ва минтақавий молия, валюта ва кредит ташкилотлари валюта-кредит ва молиявий муносабатларни назорат қилиш мақсадида давлатлараро келишувга биноан тузилган.

Бундай ташкилотларга Халқаро валюта фонди, Халқаро қайта тиклаш ва тараққиёт банки, жаҳон банки, Халқаро тараққиёт ассоциацияси, Халқаро молия корпорацияси, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Африка тараққиёт банки, Европа инвестиция банки, Халқаро хисоб – китоб банки, Инвестицияларни кафолатлаш халқаро агентлиги, Халқаро ривожланиш уюшмаси, Сармояга оид тортишувларни мувофиқлаштириш халқаро маркази ва бошқалар киради.

ХВФ – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маҳсуслаштирилган муассасаси статусига эга бўлган валюта-кредит ташкилоти бўлиб валюта курсларини тартибга солиш ва уларга риоя қилинишини назорат этиш меъёрларини белгилаш, шунингдек тулов балансларининг бекарорлиги муносабати билан валюта қийинчиликлари вужудга келганда ўз аъзоларига валюта

ресурсларидан бериш йўли билан халқаро савдо ва савдо ҳамкорлигини ривожлантиришга ёрдам беради.

ХВФ – АКШнинг Бруттон Вудс Халқаро валюта-молия конференциясида 1944 йилда тузилган бўлиб, 1947 йилдан фаолият кўрсата бошлаган. ХВФ бошқаруви бешта депортаментдан (Африка, Европа, Осиё, Ёрта Шарқ ва Ўзбекистон) тузилган. ХВФ капитали унинг мижозлари квотасига мос тўланадиган бадаллар ҳисобига шаклланади. Квота лотинча Quota – қисм, хиссани билдириб у давлатлараро шартномаларга кўра айрим ёки бир гурӯх товарлар юзасидан квота ўрнатилади, унга мувофиқ мамлакатлар ёки мамлакатлар гурӯхи фақат белгиланган миқдордаги товарларни ишлаб чиқариши ва четга сотиши мумкин. Квоталар ўрнатишдан мақсад бозордаги нархни маълум мақсад йўлида ўзгартириб туриш, чунки квота товар таклифини чегаралайди, бу билан нархга бинобарин фойда кўришга таъсир этади.

Квота мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёти даражасига, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро савдодаги ўрнига қараб белгиланади. 1947 йилда ХВФ га 49 мамлакат аъзо бўлиб улар квоталарнинг умумий сўммаси 7,7 млрд АШД долларини ташкил этган.

1991 йилнинг ўрталарига келиб ХВФ аъзолари 155 тага ва унинг капитали 90 млрд. долларга етди. Шундан учдан икки қисми саноати ривожланган мамлакатларга, шу жумладан АШД 1/5 қисми, 1/3 қисми ривожланётган мамлакатларга тўғри келади. Хозирги

ХВФ аъзоларининг сони 181 тадан ортиқ. ХВФ бошқарув органларига квоталар улчамига қараб мамлакатлар орасида овоз тақсимланади. Барча овознинг 46%и АШД ва ЕФ давлатларига тегишли, қолган овозлар ривожланаётган давлатларга тегишли. ХВФ бошқарув органи бўлиб бошқарув кенгаши ҳисобланади. У ҳар йили бир маротаба қатнашувчи мамлакат вакиллари билан бирга тўпланади. ХВФнинг ижро этувчи органи бўлиб Директорат ҳисобланиб у 6 аъзодан, яъни кўпроқ квотага эга бўлган мамлакат аъзоларидан ташкил топган. Шунингдек унга географик белгига кўра танлаб олинган олти аъзо ҳам ҳисобга олинган. ХВФнинг мажлис утказувчи органи бўлиб бошқарув қўмитаси – шуъба қўмитаси ҳисобланади ва унинг таркибига 22 та мамлакат молия вазирлари киради.

ХВФ кредитлари бўлинади:

1. ХВФнинг захира позицияси чегарасида турувчи мамлакатларга бериладиган кредит. Тулов баланси дефицитини қоплаш учун мамлакатлар валюта фондидан қарз олишлари мумкин. Бу қарз миллий валютани хорижий валютага алмаштириш йўли билан 3-5 йил муддатга олинади. Ссуданинг тўланиши эса аксинча бўлади. Миллий валюта эркин конвертерланадиган валютада сотиб олинади. 25% квота атрофида мамлакат кредитни чеклашларсиз олиши мумкин. Шунингдек олтин фонд меъёрида

белгиланган кредит ҳажмида хорижий валютада кредит олиши мумкин. Бу кредит салмоги 200 % квотадан ошмаслиги керак.

2. Юқори заҳира улушкига бериладиган кредит. Бундай ссудалар мамлакат валютасининг иқтисодий ҳолатини ўрганиб чиқиб XБФнинг барқарорлаштириш чоратадбирлари талабини бажаргандан сўнг берилади. XБФнинг барқарорлаштириш дастури ички кредитларни чегаралаш, бюджет харажатларини камайтириш каби масалаларни ҳал қиласди. Бироқ XБФдан кредит олиш мамлакатларга хусусий банклардаги кредитларни хисобкитоб қилиш имконини беради. XБФ давлатлараро валюта-кредит муносабатларини бошқаришда асосий ўрин эгаллайди. Бруттон Вудсдаги келишувга биноан фонд олдига аъзо мамлакатлар валюта паритетларини бошқариш ва қуллаб – қувватлаш, валюта курсларини бошқариш вазифаси қўйилган.

Ўзбекистон 1996-1997 йилларда макроиктисодий барқарорлаштириш дастури бўйича XБФдан 259 млн.\$ мадад олган ва у валютани қуллаб - қувватлашга сарфланган.

Ўзбекистон XБФга 1992 йилнинг сентябридан аъзо.

Жаҳон миқёсида йирик валюта кредит ташкилоти бўлиб жаҳон банки хисобланади. Унинг президенти Джеймс Вулфенсон 10 йиллик фаолиятидан кейин 2005 йилнинг май ойидан бўшади ва

унинг ўрнига 2005 йилнинг 1 июнидан АКШ мудофаа вазири ўринbosари Пол Фульфовиц сайланди.

Жаҳон банки 43 йирик молиявий муассасалардан иборат бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилар:

1. Халқаро қайта тиклаш ва тараққиёт банки (ХКТТБ)
2. Халқаро тараққиёт ассоциацияси (ХТА ёки Халқаро ривожланиш уюшмаси – ХРУ)
3. Халқаро молия корпорацияси (ХМК)
4. Инвестицияларни кафолатлаш халқаро агентлиги (ИКХА)
5. Сармояга оид тортишувларни мувофиқлаштириш халқаро маркази (СОТМХМ) ва бошқалар.

XБФ га аъзо бўлган мамлакатларгина ХКТТБ га аъзо бўлиш хукукига эга. ХКТТБ БМТнинг маҳсус муассасаси давлатлараро инвестицион институти ҳисобланади. ХКТТБ Бруттон Вудс конференцияси қарорига биноан ва XБФ таъсислигига ташкил топган. Унинг устави расмий равишда 1945 йилда кучга кирган ва 1946 йилдан иш бошлади. У Вашингтонда жойлашган. Унинг асосий максади аъзо давлатлар иқтисодиётига ўзок муддатли кредитлар ва қарзлар бериш, хусусий инвестицияларни кафолатлашдан иборат.

ХКТТБ томонидан кредитлар давлат кафолати остида берилади. ХКТТБ шунингдек бошқа банкларнинг ўзок муддатли кредитлари бўйича кафолатлар беради. Банк ўзининг кредити билан объектнинг 30% қийматини қоплайди.

ХКТТБ хозир Ўзбекистонда қўйидаги лойиҳаларни амалга оширмоқда:

1. Щишлоқда тадбиркорликни қуллаб – қувватлаш бўйича 36 млрд. \$ хажмидаги кредит.
2. Дренаж ва ирригация тизимини такомиллаштириш ҳамда ботқоқланган худудларни яхшилаш бўйича 60 млрд. \$ кредит.

Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг 1992 йил 2 июлдаги 622-сонли қарори асосида мамлакатимиз ХКТТБ, XTA, XMK, ИКХАга аъзо.

XTA (ХРУ) 1960 йилда ривожланаётган давлатларга имтиёзли кредитлар ( $0,75\%$  йиллик фоиз ставкасида) бериш мақсадида ташкил этилган. Унинг кредитлари асосан ялпи ички маҳсулот аҳоли жон бошига энг кам тўғри келаётган мамлакатларга тўғри келади. 1993 йилда шундай мамлакатлар миқдори 60 та бўлган. ХКТТБ аъзолари учун XTA аъзолиги очик. XTA ресурслари ХКТТБ соф даромадидан мунтазам ажратмалар ҳисобидан тўлдириб турилади. XTA факат хукуматларга қарз беради. Қарзни ўзиш муддати 30 йилдан 40 йилгача. Бундай қарзлар бўйича фоизлар олинмайди, лекин кредитга хизмат қилиш қарзнинг жойлаштирилган қисмининг  $0,5$  фоизи миқдорида ҳар йили йиғим олинади. XTA хукуқий ва молиявий мустақил ташкилот бўлсада у ХКТТБ билан ходимларнинг умумий штатига эга. XTA амалга

ошираётган лойиҳалар ХКТТБ қуллаб-кувватлаётган лойиҳалар мезонларига жавоб бериши керак.

XMK 1950 йилда ривожланган мамлакатларга капитал қуиши кенгайтириш мақсадида АШШ ташаббуси билан тўзилган. XMK ХКТТБдан фарқли равишда давлат кафолатисиз юқори самарадор ҳусусий корхоналарга кредитлар беради. Кредитлар 15 йил муддатга лойиҳанинг  $20\%$  игача миқдорида берилади.

1995 йилда Ўзбекистонда ташкил этилган дастлабки «Ўзбеклизинг Интернейшнл АЖ»нинг таъсисчиларидан бири XMK ҳисобланади. Ўзбекистонда биринчи ҳалқаро лизинг операцияси 1993 йилда ташкил иқтисодий фаолият миллий банки томонидан Ўзбекистон хаво йулларига чет эл компанияларидан лизинг орқали самолётлар харид қилинган.

Умуман XMK ҳалқаро лизинг операцияларида етакчи ўринни эгаллайди ва у бугунги кунда 50 мамлакатнинг 96 лизинг компаниялари фаолиятини молиялаштирган, 40 мамлакатнинг 120 дан ортиқ лизинг соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда техник ёрдам кўрсатган ҳамда 25 мамлакатдаги лизинг компанияларининг муассиси ҳисобланади.

ИКХА – жаҳон банки гурухида 1988 йилда тузилган энг янги тўзилмадир. Унинг асосий вазифаси нотижорат таваккалчиликдан келиб чиқиши мумкин бўлган заарларда инвесторларга бериладиган кафолот ҳисобига, шунингдек сармоя оқимини йўналтирувчи ва рађбатлантирувчи қўлай инвестиция

муҳитини ва ахборот базасини яратишда кўмаклашувчи аъзо мамлакатларга маслаҳат хизмати кўрсатиш йўли билан ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини мустаҳкамлаш мақсадида инвестициялар оқимиға ёрдам беришdir.

ИКХА жаҳон банкидан мустақил ташкилотdir. ХМК сингари у оператив ходимлар ва хукуқ маслаҳатчиларидан иборат ўз штатига эга, лекин банкнинг маъмурий ва бошқа хизматларидан фойдаланади. 1990 йиллар бошида унга 128 мамлакат аъзо эди.

Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки (ЕКТТБ) 1990 йилнинг 25 майида Франция Президентининг ташаббуси билан дастлаб Парижда ташкил топди. Ф.Миттеран европарламентнинг 1989 йил 25 октябридаги йиҲилишида-«Мен бошкаларни ҳам розилигига ишониб шуни айтаманки, Европа учун, балки бутун жаҳон учун ҳам иккинчи жаҳон урушидан кейин Шарқий Европада нималар бўлаётганини. Европада нималарга эришиш мумкин? Бундан кўпроқга? Нима учун Европа банкини тўзиш мумкин эмас» - деган эди. Банк 1991 йилни 28 мартадан ўз фаолиятини бошлади.

Банк бошкарувчиларининг биринчи йиҲилиши 41 иштирокчи мамлакатлар вакиллари иштирокида 15-17 апрел (1991 й) кунлари Лондонда утказилиб унда дастлабки Президент ва директорат сайланди. Айнан 1991 йил 15 апрелдан бошлаб банк операцияларни амалга оширишни расман бошлаган, июн ойида эса биринчи лойиҳа маъқулланди.

Банкнинг 1991 йил апрелидан 1993 йилнинг июнигача дастлабки Президенти бўлиб Жак Аттали, 1993 йил сентябридан – 1998 йилнинг январигача Жак де Ларозьер, 1998 йилнинг сентябридан 2000 йилнинг апрелигача Хорст Келлер ва 2000 йилнинг июлидан Жан Лемьер унга раҳбарлик қилмоқда.

Ўзбекистон ЁКТТБ га 1992 йилнинг 30 апрелидан аъзо ҳисобланади. 1994 йилда Тошкентда банкнинг ваколатхонаси очилган Кенжи Наказова раҳбарлигида. Хозирги вақтда банкнинг 60 мамлакатдан 62 акционери мавжуд. Банкнинг жами капитали 19448,8 млн. еврони ташкил этади, шундан Ўзбекистоннинг хиссаси 42 млн. еврони (0,21%) ташкил этади. Унда АШШнинг хиссаси 10,32%. Франция, Германия, Италия, Япония, Буюк Британияларни ҳар бирининг хиссаси 8,76% дан, Россияники 4,13 фозни ташкил этади.

Банкнинг асосий мақсади собиқ социалистик мамлакатларга режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишга хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, таркибий ва тармоқ ислоҳатларини амалга ошириш, уларни жаҳон ҳамжамияти интеграциясига кўмаклашиш.

Харакат миқёси Марказий Европадан Марказий Осиёгача бўлган ўтиш иқтисодиётдаги мамлакатлар.

Банк билан Ўзбекистоннинг биринчи 60 млн. \$ лик кредити республикамиз Президентининг 1993 йилда Буюк Британияга қилган расмий сафари вактида ЕКТТБ штаб-квартирасида

булишида кичик ва урта бизнесни ривожлантириш бўйича имзоланган, банк билан Ўзбекистон имзолаган иккинчи кредит линия 1996 йилда очиқ иқтисодиётни ривожлантиришга 120 млн \$ ҳажмида бўлиб уни 60 млн \$, Ўзбекистон миллий банки, 30 млн \$ Асака банк, 15 млн \$ Саноат қурилиш банки ва яна 15 млн \$ Пахта банк орқали фойдаланилган. Учинчи кредит линия кейинги йилларда тижорат банклари орқали 100 млн \$ ҳажмда бўлган ва хозир ҳам банк билан республикамизни алоқалари (кейинги 10 йилда 1,4 млрд. доллар, 10 лойиха) янада ривожланмоқда. Банқдан олинган кредитлар орқали «Ўзбеклизинг интернейшнл АВ» компанияси тўзилди. Унинг иштироки билан Ўз ДЕУ банк фаолият кўрсата бошлади, Зарафшон-Ньюмен қўшма корхонасига, «Ўзбекнефтгаз» га, Хитойдан 12 электровоз олишга, Тошкент аэропортини қайта қўришга, Тошкент локомотив депосини қайта қуришга ва бошқаларга фойдаланилган.

2002 йилда банк умумий холда энг кўп 102 лойиха 3,9 млрд. Евро микдорида кредит ажратиб, ўзини тарихида рекорд натижага эришди. Унинг 1,29 млрди (33%) Россияга, 1,27 млрди утиш давридаги мамлакатларга (Марказий Европа ва Болтиқбуйи республикалари – 32%), 1,35 млрди (35%) Марказий Осиё (6%), жанубий ва шарқий европа (22%) ва кавказ мамлакатларига (7%) тўхри келади.

Банк бошқарувчиларнинг 2003 йил 3 – 5 май кунлари Тошкентда утказилган ун иккинчи йиллик йиғилишида

(ийғилишларнинг 6 таси Лондонда, 1 тадан Будапешт, СанкПетербург, София, Киев, Рига, Бухаристда утказилган) қуидаги 3 та шартнома имзоланган.

1. ЁСТТБ ва Швецария ўртасида. Унга асосан Швецария Андижонни истиш тизимини қайта қуришга 4,3 миллион доллар ажратади. Шу мақсадга Япония ҳам 1,5 миллион доллар ажратади. Бундан ташкари Швецария 3 миллион евро ҳажмда Ўзбекистон ва Щозоғистонга консалтинг хизмати учун кредит ажратди.

2. Асака банк орқали кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга 15 миллион доллар ҳажмда кредит линияси келишилган.

3. ЁСТТБ – Азия инвест банки, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ўртасида савдо операциялари учун бир миллион доллар ҳажмда кредит ажратиш келишилган.

Хозирги вактда ЁСТТБ орқали микрокредитлар олиш Пахта банк, Ипотека банк, Ипак йўли ва Ҳамкор банк орқали йўлга қўйилган бўлиб банк бўлинмалари мижознинг бизнесини баҳолаб, уни фаолиятини ўрганиб кредит ажратадилар. Бунда унинг хусусиятлари

1. Ҷен минг долларгача нақд холида берилиши мумкин.
2. Гаров шаклида хўжаликда ишлатиладиган буюмлар бўлиши мумкин ва уни расмийлаштириш жуда оддий.

3. Кредит беришда мижозни молиявий ҳолати биринчи ўринда туради, гаров эса ундан кейинги ўринда.

Осиё тараққиёт банки (ОТБ) 1966 йилда Осиё ва Тинч океан минтақаси мамлакатларида камбаҗалликни қисқартириш мақсадида Филиппиннинг Манила шаҳрида ташкил этилган. Банк хукумат ва хусусий корхоналарга кредит беради. Кредит лойиха қийматининг 25% идан ёки 75 млн. АШШ долларидан ошмаган ҳолда берилади.

Қар бир лойиха учун гаров талаб этади.

Ўзбекистон ОТБ га 1995 йилда Марказий Осиёда 15-чи, аъзо мамлакатлар ичида 22-чи бўлиб аъзо бўлган.

ОТБ халкаро молия институти бўлиб хозир 63 аъзога эга.

Бугунги кунда республикамизда кредит шаклида амал қилаётган чет эл ва халқаро молиявий ташкилотлар инвестицияларининг 33,6 %и ОТБ га тўғри келмоқда. Банкнинг маблаҗлари асосан икки йўналишда - маҳсус фонд орқали ва оддий фонд орқали берилади. Маҳсус фонд маблаҗлари кам ривожланган аъзо мамлакатларга имтиёзли кредит бериш ва техник ёрдам кўрсатишга йўналтирилса, оддий фонд маблаҗлари тижорат йўналишидаги кредитлар юқори фоиз ставкаси билан 10-15 йилга берилади.

ОТБнинг Ўзбекистонга ажратган қарзлари муддати асосан 25 йилга мулжалланган бўлиб уларни 5 йили имтиёзли даврни ташкил этади.

ОТБ мамлакатимиз қишлоқ хўжалигига, жумладан, Амузанг каналларини ирригация тизимини қайта қуришга 73,2 млн. АШШ доллари ҳажмида, дон экинлари унумдорлигини ошириш мақсадида 26 млн. АШШ долларидаги лойиҳаларга кредит берган.

ОТБ билан Ўзбекистон ўртасида 2001 йил 11-январдаги «Ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги мемарандум»га мувофиқ қишлоқ жойларда кредит уюшмаларини такомиллаштириш ва қисқа муддатли ёрдам кўрсатиш мақсадида 150 млн. АКШ долларида грант лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Бу тажриба асосида Бухоро, Самарқанд ва Наманган вилоятларида кредит уюшмаларига кредит ёрдами курсатиш мулжалланган.

2003 йилда кичик бизнесни ривожлантиришга 15 млн. АШШ долларида кредит берилган.

ОТБ нинг 2004-2006 йиллардаги дастурига кўра республикамизга ҳар йили 100-150 млн. АКШ доллари миқдорида кредит ажратиш мулжалланган.

Умуман 2005 йилнинг 1 январ ҳолатига ОТБ томонидан республикамизга ажратилган кредит маблағларини тармоқлар бўйича тақсимланиши қўйидагича:

T/r	Тармоқлар	Лойиҳа сони	Млн. АШШ доллари	Саломғи, %	Сифатида қабул қилинган. ИТБ нинг кредитлари энг паст фоизларда (йиллик 5 – 6 % чунки Куръон сўдхурлик билан шуѓулланишни тақиқлайди) даромад факат харажатларни қоплашни кўзда тутади.
1.	Таълим	6	230,5	26,8 ундан келган	
2.	Транспорт ва коммуникация	3	190,0	Кредитлар 22,1 бошланади.	15 – 20 йилга берилиб, 3 – 5 йилдан қайтарила
3.	Қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурслар	4	185,2	ИТБ 21,5 коммуникация	нинг Ўзбекистонга ёрдами транспорт
4.	Сув таъминоти, санитария ва чикиндиларни бошкариш	2	74,0	соғлиқни саклаш, 8,6	энергетика, умуман инфратўзилма, таълим,
5.	Энергетика	1	70	8,1	соғлиқни саклаш, хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес
6.	Саноат ва савдо	1	50	5,8	субъектларини тараққий эттиришга қаратилган.
7.	Соғлиқни саклаш, умумий овқатланиш ва ижтимоий ҳимоя	1	40,0	4,7	Шу каби минтақавий банклар жумласига 1949 йилда ташкил этилган Америкааро тараққиёт банки, 1964 йилда ташкил этилган Африка тараққиёт банки, 1958 йилда ташкил этилган Европа инвестиция банки ва бошқа банкларни келтириш мумкин.
8.	Молия	1	20,0	2,3	
	Жами	19	859,7	100	

#### 4. Баъзи давлатларнинг кредит тизими

Ислом тараққиёт банки (ИТБ) 1974 йилнинг 12 августида ташкил этилиб, 1975 йилдан фоалият қўрсатмоқда. Банкнинг асосий

мақсади ислом конференцияси ташкилотига аъзо давлатлар тараққиётига шариат принципларига асосланиб хизмат курсатиш.

Ўзбекистон ИТБ га 2003 йил 2 сентябрда унинг Олма – отада ўтган бошқарув кенгашининг 28 йиғилишида 55 аъзо

Қар бир мамлакатнинг кредит тизими марказий ва тижорат банклари, нобанк ва бошқа ташкилотларни ўз ичига олди. Жумладан, Швецарияда Давлат банки 40-га якин тижорат банки фаолиятини назорат қиласи, АШШда 13 минга якин тижорат банклари мавжуд. Швецарияда хар 10 минг аҳолига биттадан молия муассасаси тўғри келади, Россияда 1995 йил бошига Марказий банк лицензиясига эга бўлган 2486 тижорат банки мавжуд.

Барча мамлакатларда ҳам кредитлаш муносабатларида мижознинг кредитга лаёқатлигини баҳолаш муҳим ҳисобланади.

Жумладан, АШШда мижознинг кредитга лаёқатлигини баҳолаш ва кредит хатарини минималлаштириш мақсадида 5 «С» усулидан фойдаланилади. Бу усул мижоз фаолиятини баҳолашнинг қуидаги мезонларини ўз ичига олади.

1. Мижознинг обрўси
2. Туловга лаёқатлиги
3. Капитал миқдори
4. Кредитни таъминланиши
5. Иқтисодий ҳолати ва унинг келажаги

Англия банкларида мижознинг кредитга лаёқатлигини баҳолашда саволлар вараѓи мавжуд. Ушбу жавоблар банкка кредит бериш қарорини қабул қилишга имкон беради. Саволлар вараѓида:

1. Кредитни мақсади, қонунийлиги, банк кредит сиёсатига тўғри келиши
  2. Кредит сўммасини ҳисоблашдаги аниқлик, тасдиқловчи хужжат, сўралган сўммани етарли, кам ёки кўплиги
  3. Кредитни қайтарилиши – қачон ва манбаси.
  4. Кредитланаётган лойиҳанинг реаллиги – қанчалик зарурлиги, техник иқтисодий асосланганлиги, уни ҳисоб вараѓи ва баланси баҳолангандиги.
  5. Хатарлар – банк ва компания учун хатарлар манбаларини мужассамланганлиги, уни олдини олиш чоралари
  6. Таъминланганлик – таъминлашни мавжудлиги, гаров қиймати, уни суѓурталангандиги ва бошқалар
  7. Фойдалилик – шартномада даромадни харажатларни қоплаши.
- Кредит беришни ҳал қилишда немис банкларини қуидаги муоммалар қизиктиради.
1. Тадбиркорнинг шахсий харакатери – хулқи, қилићи, одати, одиллик даражаси, ёши, оилавий ҳолати, мансаби, хоббиси ва бошқалар
  2. Мальумоти – диплом нусхаси, малакаси, иқтисодга қизиқиши, режалаштириш қобилияти, хатарга кўл уруши.

3. Техник билим савияси – махсус билим юрти, тажрибаси, ишга ихтисослашуви.
4. Жисмоний ҳолати – соғлиги ҳолати, спорт билан шуғулланиши.
5. Мулки – шахсий мулки, кучмас мулкка эгалик қилиши, даромад манбалари, қарзлари, солиқ мажбуриятлари, оила аъзоларининг мулкий ҳолати, мусобақаларда иштироки.

Ушбу саволарга жавоблар банк бўлимида сухбат, телефон ёки анкета бериш орқали аниqlаниши мумкин.

Немис банкларида мижознинг туловга лаёқатлигини баҳолашда аризанинг «Ойлик даромад ҳисоби» бўлими асосий ўринни эгалайди:

- A. Ойлик даромад
  1. Соликдан ташқари маош.
  2. Болалар учун олинадиган нафакалар.
  3. Пенсия
  4. Омонатлар ва қимматли қоғозлар бўйича фоизлар
  5. Бошқа даромадлар

#### A. Жами

- B. Ойлик харажати
  1. Жорий харажатлар
  2. Суғурта бадаллари

3. Олдинги кредит учун тўловлар
  4. Квартира тўловлари
  5. Бошқа харажатлар
- Б. Жами

#### C. Ихтиёридаги даромад (A-B)

Франция, Бельгия ва Люксембургда мижоз обрўсини баҳолашда кредит скоринг (очко, балл йиғиши) йўлидан ҳам фойдаланилади. Жумладан, Америка иқтисодчиси Д.Дюран томонидан 1940 йиллар бошида ишлаб чиқилган скоринг моделида қўйидаги коэффициентлардан қулланилади:

1. ёши – 20 дан юқори бўлган ҳар бир йил учун 0,1 балл (макс-0,3)
2. жинси – аёл – 0,4, эркак – 0
3. яшаш муддати – Ушбу жойда яшаган ҳар бир йили учун 0,042 (максимум 0,42 балл)
4. касби – кичик рисқдаги касб учун – 0,55, юқори рисқдаги касб учун, 0,16
5. Бандлиги – 0.059 – бир корхонада ишлаган ҳар бир йили учун (максимум 0,59)

6-8. молиявий кўрсаткичлари - 0,45-банкдаги маблаҗлари учун, 0,35 кучмас мулкка эгалиги учун, 0,19-хаёти суђурга полиси учун.

Бу коэффициентларни қўллаш билан Дюран «Яхши» ва «ёмон» мижоз ўртасидаги чегарани 1,25 бал деб олди. 1,25 балдан юқори балли мижозлар кредитга лаёқатли деб, ундан камлари кредитга лаёқатсиз деб топилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб турли мамлакатларда кредитга лаёқатликни аниқлашда турлича ёндашувлар бўлишига қарамасдан уларнинг асосий мақсади банк томонидан бериладиган кредитларнинг самарали ишлатилиши ва уларнинг ўз вақтида банкка қайтиб келишини таъминлашдан иборат.

Турли мамлакатларда айrim хусусиятлар нафақат мижознинг кредитга лаёқатлигини аниқлаш бўйича, балки кредит шартномаларини қўллаш бўйича ҳам мавжуд.

Жумладан, Японияда кредит шартномалар тўзиш ва уларни амалга ошириш соҳасида банк юристлари ҳар доим адвокат конторалари билан алоқа қиласидар ва қийин юридик саволларга жавоб топадилар. Банк юристлари банк ходимларини юридик жиҳатдан доимий тарзда ўқитиб турадилар.

АШШ да энг батафсил кредит шартномаси куйидагиларни ўз ичига олади:

- мижоз ҳақидаги умумий маълумот

- шартноманинг асосий параметрлари, сўмма, муддат ва мақсади
- тасдиқланган шартлар
- инкор этиладиган шартлар
- кредитни тўлаш кафолатлари
- шартнома шартларини бажармаганлик учун жазо чоралари
- тўловга лаёкатсиз ва банкрот деб эълон килиш мезонлари
- банкка қарзни туламаган тақдирдаги банк хуқуqlари

Германияда кредит шартномасининг типик шакли қуйидаги кўрсаткичларга эга:

- томонларнинг тўлиқ номи ва манзиллари
- олинган ва олинаётган кредитлар тўғрисида тўлиқ маълумотлар
- янги кредитнинг мақсади
- янги кредитнинг шартлари
- кредит учун ҳисобланган ва ундириладиган фоиз сўммаларини ҳисоблаш тартиби
- кредит қайтарилишининг кафолоти
- бошқа шартлар
- масъул шахсларнинг муҳрлари билан тасдиқланган имзолар

Германияда банк ва корхона ўртасидаги кредит шартномаси З босқичда тўзилади:

- мижоз томонидан кредит шартномаси таркибининг шакллантирилиши

- уни банк томонидан кўриб чиқилиши ва хулоса берилиши  
- кредит шартномасини имзолаш

11. Европа тараққиёт ва тикланиш банки качон ташкил этилган ва унинг асосий максади?
12. Европа тараққиёт ва тикланиш банки Ўзбекистон билан қандай кредит муносабатларига эга?
13. Осиё тараққиёт банки ва унинг Ўзбекистонга курсатган кредит ёрдами?
14. Ислом тараққиёт банки ва уни Ўзбекистонга курсатган кредит ёрдами?
15. Баъзи давлатлар кредит тизими қандай хусусиятларга эга?

**Мавзуни мустақил ўзлаштириш бўйича саволлар:**

1. Ташки иқтисодий муносабатларда кредит қандай ўринга эга?
2. Халқаро кредитнинг қандай турлари мавжуд?
3. Халқаро кредит қандай функцияларни бажаради?
4. Халқаро кредит қандай белгилар бўйича гурухланади?
5. Экспорт ва импорт қандай тартибда кредитланади?
6. Халқаро ва минтақавий молия, валюта-кредит ташкилотларига қандай ташкилотлар киради?
7. Халқаро валюта фонди качон ташкил бўлган ва унинг асосий максади?
8. Халқаро валюта фондининг қандай рахбар органлари мавжуд?
9. Халқаро валюта фонди кредитлари ва улар қандай хусусиятга эга?
10. Жаҳон банки ва у қандай таркибга эга?

**7 – мавзу: Банклар ва банк тизими**

**Режа:**

1. Банкларнинг моҳияти, келиб чиқиш асослари ва уларни бозор иқтисодиётидаги ўрни.
2. Кредит тизими ва унинг таркибий қисмлари.

3. Банк тизими ва унинг ривожланиш босқичлари.
4. Ўзбекистон Республикаси банк тизими ва унинг ривожланиш босқичлари.
5. Махсус молия – кредит муассасалари.
6. Марказий банк ва унинг функциялари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятининг асослари

### **Таянч тушунчалар**

Банклар ва уларнинг келиб чиқиши асослари. Кредит тизими ва унинг таркиби. Бир ва икки поҳонали банк тизими. Банк тизимининг ривожланиш босқичлари. Ўзбекистон Республикасининг банк тизими ва унинг ривожланиш босқичлари. Марказий банк ва унинг функциялари. Марказий банклар вужудга келишининг йўллари. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки, унинг бош мақсади ва вазифалари. Махсус молия-кредит муассасалари. Ўзбекистон Республикасида суѓурта тизими ва лизинг муносабатлари. Кредит уюшмалари.

**Адабиётлар:** 1, 3, 12, 13, 23, 24, 47, 57<sup>6</sup>

### **1. Банкларнинг моҳияти, келиб чиқиши асослари ва уларни бозор иқтисодиётидаги ўрни.**

Банк деб, пул маблагларини йиғувчи, сақлаб берувчи, кредит-хисоб ва бошқа воситачилик операцияларини бажарувчи муассасаларга айтилади.

Банклар пайдо бўлишининг асоси бўлиб товар-пул муносабатларининг ривожланиши хисобланади. Товар-пул муносабатлариниг бўлиши ва уларнинг ривожланиб бориши барча ижтимоий-иктисодий тизимларда банкларнинг ҳам бўлишини тақазо этади.

Банклар ўрта асрларда пулдорлар томонидан пулни қабул килиш ва бошқа давлат, шахар пулига алмаштириб бериш асосида келиб чиқсан. Кейинчалик пулдорлар ўз бўш турган маблаѓларидан фойда олиш мақсадида уларни вақтинча фойдаланишга маблаѓ зарур бўлган субъектларга ссудалар беришган. Бу ҳол пул алмаштирувчи пулдорларнинг банкирларга айланишига олиб келган.

Банк сўзи италянча «банка» сўзидан олинган бўлиб, «стол», «пуллик стол» деган маънони англатади, чунки ўрта асрларда италиялик пулдорлар ҳамёнларидаги, идишларидаги тангаларни стол устига қўйиб хисоб-китоб қилганлар.

ХII асрларда Генуяда пул алмаштирувчиларни «bancheri» деб аталиб, агар пулдорларнинг қайси бири ишончни оқламаса ва ишига маъсулиятсизлик қиласа, у ўтирган стол синдириб ташланган ва уни «Bancorotto», яъни банкрот деб аташган. Банклар пайдо бўлишининг бошланғич нуқтаси бўлиб XVI асрда Флоренция ва Венецияда ташкил қилинган кичик жиро-банклар хисобланади. Кейинчалик бундай банклар Амстердамда (1605), Гамбургда (1618), Миланда, Нюренбергда, Генуяда вужудга келган. Бу банклар асосан ўз мижозлари – савдогарларга хизмат қилган, улар ўртасида нақд пулсиз хисоб-китобларни олиб борган.

Англия банк тизими (XVI аср) юзага келган ва ривожланган биринчи давлат ҳисобланади. Англия банкирлари олтинни сақлаб берувчилар ва савдогарлардан келиб чиқкан.

Тарихда биринчи юзага келган банк Англия банки ҳисобланади, у 1694 йилда акционер банк сифатида ташкил бўлган. Кейинчалик саноат ривожланиши натижасида банклар бошқа мамлакатларда ҳам ташкил бўлган.

Натурал хужалик муносабатларининг тугаши, савдо-сотик муносабатларининг ривожланиши пуллик хисоб-китоблар олиб боришга, кредит тизимини ривожланишига йўл очди.

Ссуда капиталисти асосан ўз бўш маблағини карзга бериб ссуда фоизи сифатида даромадга эга бўлса, банкирлар асосан четдан жалб қилинган маблағларни кредитга бериб фойдага эга

булади. Банклар корхона, ташкилот, давлат муассасалари, аҳоли бўш пул маблағларини жалб қилиш орқали катта ҳажмдаги маблағни жамлаб уни харакатини бошқаради. Банкларни йириклишуви ва улар фаолиятини такомиллашуви уларни маҳсус корхоналар – кредит муассасаларига айланишига олиб келди.

Бозор муносабатлари шароитида банклар иқтисодиётни самарали бошқаришнинг муҳим субъекти ҳисобланади. Банклар бозор муносабатининг бошқа субъектларидан фарқ қилиб пул билан ишловчи, вақтинча бўш турган пул маблағларини йиғувчи, уни унга эҳтиёж сезган субъектларга вақтинча фойдаланишга бериб турувчи ва пул маблағларини самарали ишлатиш асосида ўз фаолиятини олиб борувчи муассаса ҳисобланади.

Банклар бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётни харакатга келтирувчи субъект ҳисобланиб моддий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва олиб боришда воситачи сифатида капитал айланишининг узлуксизлигини таъминлаб жамиятнинг равнақ топишига, иқтисодиётнинг ривожланишига, жамият аъзолари фаровонлигига замин яратади.

Бозор иқтисодиёти шароитида товар-пул муносабатларининг кенг миқёсда ривожланиши банклар олдида янгидан-янги операциялар бажаришга имконият очиб беради.

Шунинг учун ҳам республикамизда бозор иқтисодиёти талабларига мос келувчи замонавий банк тизими яратиш зарурияти туғилди.

Ўзбекистон Республикаси «Банк сири тўғрисиа»ги қонуннинг З-моддасига биноан қўйидагилар банк сири ҳисобланади:

- ўз мижозларининг (вакилларининг) операциялари, ҳисоб ва рақлари, ва омонатларига доир маълумотлар
- банк ўз мижозига (вакилига) банк хизматлари кўрсатиши муносабати билан мазкур мижоз (вакил) тўғрисида олган маълумотлар
- мижознинг (вакилнинг) банк сейфлари ва биноларида сақлаб турилган мол-мулки, унинг хусусияти ва қиймати ҳақидаги маълумотлар
- мижоз (вакил) топширигига биноан ёки унинг фойдасини кўзлаб амалга оширилган банклараро операциялар ва битимлар тўғрисидаги маълумотлар
- банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг банклар ўртасида муомилада бўлиши натижасида маълум бўлиб қолган бошқа банкнинг мижозига (вакилига) доир маълумотлар.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар мижознинг (вакилнинг) ўзига, у ваколат берган вакилларга, шунингдек ҳисоб палатасига (уни зиммасидаги вазифага кирса), тергов, прокуратура

ва суруштурув органларига (терговчи ва суруштирувчининг асосланган карорига кура кўзатилган жиноят иши мавжуд бўлганда) тақдим этилади.

## **2. Кредит тизими ва унинг таркибий қисмлари**

Кредит тизими деб, кредит муносабатлар мажмуаси ва кредит муносабатларни ташкил қилувчи ва амалга оширувчи кредит ташкилотлар йигиндисига айтилади. Кредит тизими орқали хуқукий ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш маблағлари йиғилади ва корхона, ташкилотлар, аҳоли ва давлатга вақтинча фойдаланишга берилади. Кредит тизими маблағларни жалб қилиш ва уларни тақсимлашга қараб бир неча бўјинлардан иборат бўлиши мумкин. Жаҳон амалиётида кредит тизими ташкил этилишига кўра қўйидаги гурухларга бўлинади:


1. Марказий банк
2. Тижорат банклари
3. Маҳсус кредит ташкилотлари (пахтабанк, саноатқурилиш банки, асака банк, алока банк ва бошқалар).

4. Нобанк кредит ташкилотлари (инвестиция компаниялари, суђурта компаниялари, нафака ва бошқа жамғармалар)


Кредит тизимида асосий ўринни тижорат банклари эгаллайди. Мулк шаклига кўра банклар давлат, акционер, аралаш, қўшма, хусусий банкларга бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси банк тизими таркиби

I - поѓона



II – поѓона



Универсал банклар турли хил банк операциялари: депозит, кредит, хисоб, фоиз, воситачилик ва бошқа операцияларни бажарувчи банк ҳисобланади.

Чет эл банклари вакиллик бўлимлари – банклар ўртасидаги анъанвий алоқаларни тури бўлиб, халқаро банклар ўртасидаги муносабатлар бўйича бошқа давлатлар банкида очиладиган бўлимлариdir.

### 3. Банк тизими ва унинг ривожланиш босқичлари

Хозирги вақтда жаҳонда умум қабул қилинган банк тизими икки пођонали банк тизими бўлиб у марказий банк ва тижорат банклари тармоќини ўз ичига олади.

Банк тизимини бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб қайта ташкил этиш қуидаги тамойилларга асосланган ҳолда олиб борилади:

- Хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг ишончини қозониши мақсадида банк-молия тизими барқарорлигига эришиш
- банк тизимидаги ислоҳатлар умумиқтисодий ислоҳатларнинг ўтказилиши билан мос келиши
- банк-молия тизимини босқичма-босқич такомиллаштириш йўли билан жаҳон банки тизимига яқинлаштириш
- пул-кредит сиёсатини олиб боришда мамлакатнинг ички эҳтиёжини ва унинг иқтисодининг хусусиятини хисобга олиш
- банклар фаолиятида мижозлар манфаатини устун қуиши ва бошқалар.

Жаҳон амалиётидаги хозирги мавжуд банкларнинг ривожланишини қуидаги икки даврга бўлиш мумкин:

1. Биринчи давр – бу Ўзбекистон мустақилликка эришгунгача бўлган даврдаги банк тизими
2. Иккинчи давр Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги даврдаги банк тизими.

Банк тизими ривожланишининг биринчи даври қуидаги босқичларни ўз ичига олади:

- Биринчи босқич XIX-асрнинг охиридан 1930-32 йилларгача бўлган даврни ўз ичига олиб бунда олдинги мавжуд бўлган банклар заминида собиқ иттифоқнинг кредит тизими ташкил қилинди. Бу даврда шу вақтдаги иқтисодиётнинг ривожланишига мос келувчи тармоқ банклари, ўлка банклари, тижорат банклари, маҳсус банклар, давлат банклари каби банклар фаолият кўрсатган.

- Иккинчи босқич 1932 йилдан 1959 йилларгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда банклар корхоналарни вексел орқали кредитлашдан (эгри кредитлаш) тўғридан-тўғри кредитлашга ўтди. Бунда банклар халқ хўжалиги соҳалари бўйича ташкил қилинди ва улар шу соҳаларга муддатли кредитлаш ва молиялаштириш билан шуғулланган. Давлат банки асосан қисқа муддатли кредитлашни олиб борган.

- Учинчи босқич 1959 йилдан 1988 йилгacha бўлган даврни ўз ичига олади. Бунда мавжуд тармок банклари қайта ташкил қилиниб мамлакатдаги барча кредит муносабатларни олиб бориш мақсадида учта йирик банк - Давлат банки, қурилиш банки, ташқи савдо банки ташкил қилинди. Давлат банки халқ хўжалигининг барча соҳаларига (қишлоқ хўжалигига ўзоқ муддатли кредит ҳам) қисқа муддатли кредит берган. Џурилиш банки капитал қуилмалар

билин бөгликтарни бажарган. Ташки савдо банки мамлакатнинг экспорт-импорт операцияларини бажарган.

- Туртунчи босқич банк тизимини қайта ташкил қилиш босқичи бўлиб, у 1988 йилдан 1990 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда давлат банки билан бир қаторда кўплаб маҳсус тармоқ банклари ташкил этилди.

Бу давр бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб икки пођонали банк тизимига ўтиш билан ҳам боѓлик.

Халқаро амалиётда икки пођонали банк тизими Венгрияда 1987 йилда, СССРда 1988 йилдан, Польшада 1989 йилдан, Болгария, Руминия ва Чехославакияда 1990 йилдан жорий этилган.

#### **4. Ўзбекистон Республикасининг банк тизими ва унинг ривожланиш босқичлари.**

Республикамиз мустақиллигининг эълон қилиниши бутун дунё мамлакатлари томонидан тан олинган бозор иқтисодиёти дастакларини бизнинг республикамизга ҳам кириб келишига замин яратди. Шунинг учун ҳам республикамизда бозор иқтисодиёти талабларига мос келувчи замонавий банк тизимини яратиш зарурияти туѓилди.

Банк тизимини қайта қуриш:

- икки пођонали банк тизимини вужудга келтириш.

Марказий имиссион банк ва бевосита хўжалик субъектларига хизмат кўрсатувчи ихтисослашган давлат банклари;

- ихтисослаштирилган банкларни тўлалигича хўжалик ҳисобига ва ўз-ўзини молиялашга утказиш;

- иқтисодий тизим доирасида юридик ва жисмоний шахслар билан бўладиган кредит муносабатлари, услублари ва шаклларини такомиллаштириш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичмабосқич йўлини танлагани боис банк тизими тараққиёти ҳам қуидаги босқичларга эга:

- Биринчи босқич миллий валютани муомилага киритиш учун асос яратилган ва икки пођонали банк тизимининг пойдевори курилган 1991 йилдан 1994 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда мамлакатимизнинг мустақил банк тизимини яратиш бўйича олиб бориладиган тадбирлар 1991 йил 15 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўѓрисида»ги Қонуни асосида амалга оширилди. Ушбу қонун асосида собиқ СССР давлат банкининг республика муассаси асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўзилди (1992 йил сентябрь) ва унга республикада пул муомиласини тартибиға солиш, тижорат банклари тизимини вужудга келтириш ва тulos тизимини ташкил этиш вазифалари юклатилди.

Ушбу даврда ташкил этилган маҳсус ихтисослашган банклар жумласига саноат қурилиш банки, коммунал қурилиш ва социал тараққиёт банки, агросаноат банки, ташки иқтисодий

фаолият банки, жамъарма банки ва бошқа банкларни киритиш мумкин.

Ўзбекистонда банк тизимини ташкил қилишнинг иккинчи босқичи миллий валюта муомилага киритилган (1994 йил 1 июль) ва икки пођонали банк тизимининг хуқуқий асослари яратилган 1994-1996 йилларни ўз ичига олади.

1994 йил 18 мартағи Вазирлар Махкамасининг «Банк тизимини такомиллаштириш ва пул-кредит муносабатларини барқарорлаштириш бўйича чора-тадбирлари тўћрисида»ги қарори, 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўћрисида»ги ва 1996 йил 25 апрелда «Банклар ва банк фаолияти тўћрисида»ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши банк тизимини жаҳон андозаларига яқинлаштириш соҳасидаги мустаҳкам қонуний пойdevор яратди.

Ушбу босқичнинг хусусиятларидан бири 1995 йилдан бошлаб Ўзбекистонда маҳсус нобанк кредит ташкилотлари (инвестиция компаниялари, суѓурта компаниялари ва бошқалар) ташкил қилина бошланди.

Ўзбекистон банк тизимини шакллантиришнинг учинчи босқичи 1997-2000 йилларни ўз ичига олиб у босқичнинг асосий хусусияти банкларни хусусийлаштириш ва акциядор – тижорат

банкларида бошқарувнинг сифатини ошириш, банклар фаолиятида назоратни кўчайтиришдан иборат.

Бу босқичда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тижорат банклари ташкил қилишни рађбатлантириш чора-тадбирлари тўћрисида»ги (1997 йил 24 апрель), «Акциядорлик-тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўћрисида»ги (1998 йил 2 октябрь), «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлари тўћрисида»ги (2000 йил 21 март) фармонлари мухим аҳамиятга эга.

Шу каби 1999 йил 15 январда Ўзбекистон Республикасининг «Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўћрисида» ги, 2000 йил 24 мартағи «Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора тадбирлар тўћрисида» ги қарорлари қабул қилинди.

Банк тизимиға чет эл сармояси кенг жалб қилина бошланди ва 2006 йилнинг бошига 5 та банк чет эл капитали иштирокида фаолият курсатмоқда. Булардан ташқари ҳалқ хўжалигига 3 та банк давлат мулки асосида. 12 та акциядор-тижорат ва 9 та хусусий банк хизмат кўрсатмоқда.

Шу босқичда банк тизимини ислоҳ қилиш республика комиссияси тўзилди, мижозларга хизмат курсатиш сифати

оширилди, кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантиришга, ички назорат таъсирчанлигини оширишга эътибор қаратилди.

Банк тизими ривожланишининг тўртинчи босқичи 2001 йилдан бошланди ва унинг асосий хусусиятлари бўлиб куйидагилар хисобланади:

1. Банклар фаолиятини янада ривожлантириш асосида ахолининг банк тизимига бўлган ишончи мустаҳкамланди. Агар 2004 йилни бошига тижорат банклар капитали 791 млрд сўмдан 2005 йилни бошига 824,1 млрд. сўмга, яъни 104,2% га ошган бўлса, шу даврда ахолининг банклардаги пул жамгармалари (янги омонат турлари, юкори фоизлар ва бошқалар хисобига) 244,7 млрд. сўмдан 322,6 млрд. сўмга ёки 131,8 фоизга ошди, 2005 йилни бошига эса банклардаги ахоли жамғармалари 450 млрд. сўмга етди.

2. Тижорат банкларининг хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектларига кўрсатган ёрдами ортди. Маълумки, кичик тадбиркорлик субъектларининг сони йил сайин ошиб бормоқда ва уларни сони 1.01.2004 йилга 235,4 минг тани ташкил этади. 2005 йилда кичик бизнес субъектларига берилган кредит 419,9 млрд. сўмни ташкил этиб шундан 287,4 млрд. ўзоқ муддатли кредитни ташкил этади. Кичик бизнес субъектларининг ЯИМдаги улуши 2005 йилда 38 фоизни ташкил этди, 2006 йилни режасига кўра уни 45 фоизга етиши мулжалланган.

3. Валюта муносабатларини эркинлаштириш бўйича ишлар жадаллаштирилди. Бу босқичда миллий валютани эркин айирбошлаш ишлари босқичма-босқич амалга оширилди ва 2003 йил 15 октябридан бошлаб жорий халқаро операциялар бўйича сўмнинг эркин алмаштирилиши жорий этилди.

Валюта муносабатларини такомиллашуви муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 11 декабридаги 557 сон қарори билан «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунига ўзгартиришлар киритилди.

Шу асосда республикамизда банк тизимини тараққий этиши ва такомиллашуви давом этмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамиятга эга.

**5. Марказий банк ва унинг функциялари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятининг асослари**

Марказий банк – кредит тизимининг бош банки бўлиб, мамлакатда пул-кредит сиёсатини, эмиссия жараёнларини олиб боради.

Биринчи марказий банклар бундан қарийиб уч юз йил олдин тижорат банкларининг ривожланиши натижасида вужудга келган. Булар 1668 йилда ташкил бўлган Швед Рикс Жиро банки, 1694 йилда ташкил қилинган Англия банклариридир.

Европа мамлакатларида Марказий банклар анча кечроқ, асосан XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб фаолият кўрсата бошлаган. АШДа Марказий банк функциясини 12 федерал резерв банкидан иборат федерал резерв тизими бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1992 йилнинг сентябрь ойидан собиқ СССР давлат банкининг Республика бўлими заминида пайдо бўлган.

Жаҳон амалиётида Марказий банклар вужудга келишининг икки асосий йули мавжуд:

Биринчи йул – ўзок давр мобайнида тижорат банкларининг ривожланиши натижасида уларни Марказий банкка айланиши. Шу холат 1844 йилда Англияда, 1848 йилда Францияда, 1874 йил Испанияда, 1875 йилда Германияда (Рейхсбанк), 1893 йилда Италия Марказий банклари ташкил бўлиши билан боћлик.

Иккинчи йўл – бир йўла Марказий банк – эмиссион марказ сифатида ташкил қилинган банклар. Бундай банкларга АШДнинг

федерал банклари, 1913 йилдан ташкил этила бошланган Лотин Америкаси мамлакатлари банклари, Австрия Марказий банки ва бошқаларни киритиш мумкин.

Марказий банк иқтисодиётни бошқаришда ва банк тизимини назорат қилишда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам унинг фаолияти унинг Уставига нисбатан юқори кучга эга бўлган қонун билан тартибга солинади. Марказий банк алоҳида статусга эга бўлгани ҳолда бутун банк тизимини, давлат органларини назорат қилиб унинг фаолияти, вазифалари ва юқлатилган мажбуриятлар уни тижорат фаолияти чегарасидан чиқади.

Республикамизда Марказий банк тўћрисидаги қонун 1995 йилни 21 декабрда қабул қилиниб 2002 йилда унга айрим ўзгартиришлар киритилган.

Қонуннинг 3-моддасига кура Марказий банкнинг бош мақсади миллий валютани барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади. Валюта барқарорлиги тушунчаси пул массаси барқарорлигини, баҳо ва миллий валюта алмашув курсини барқарорлигини англатади.

Қонуннинг 6-моддаси Марказий банкнинг мустақил эканлигига баћишлиниб у қуидагиларда кўринади:

- Марказий банк хукуматнинг иқтисодий сиёсати чегарасида фаолият кўрсатади. Марказий банк хукумат сиёсатидан ўтиб ўзининг алоҳида сиёсатини юргизмайди.

- Марказий банкнинг мустақиллиги унга юқлатилган вазифалар чегарасида амалга ошади. Бу мамлакатдаги пул-кредит сиёсатини белгилашда, кредитлар бўйича фоиз ставкаларини белгилашда, банк ликвидлиги нисбати, алмашув курсларини белгилаш билан боғлиқ бошқа ишларда кўринади.

Марказий банк ўзига юқлатилган вазифаларни бажарилишини таъминлаш учун тегишли таркибни ташкил этади. Қонуннинг 8-моддасига биноан Марказий банк Щорақалпоғистон Республикасининг пойтахти, вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида Бош бошқарма ва хизмат бўлимларига эга.

Қонуннинг 15-моддасига биноан Марказий банкнинг Олий Органи бўлиб банк Правленияси ҳисобланади. Банк Правленияси 11 кишидан иборат бўлиб унинг таркибига Марказий банк раиси, унинг муовинлари ва банк асосий бўлимлари бошлиqlари киради. Банк Правлениясининг раиси бўлиб Марказий банк Раиси ҳисобланади. Правления аъзолари Марказий банк раиси тавсиясига биноан Олий Мажлис кенгаши томонидан тасдиқланади.

Қонуннинг 5-моддасига кура Марказий банк ўз фаолияти натижалари бўйича Республика Олий Мажлисига бўйсунади.

Олий Мажлис:

- Республика Президентининг тавсиясига биноан Марказий банк раисини тайинлади ва вазифасидан бўшатади.  
- Йиллик хисобат ва аудитор хулосасини кўриб чиқади.

Қонуннинг 44-моддасига биноан Марказий банк қуидаги функцияларни бажаради:

1. Банкноталар (нақд пуллар) эмиссияси Марказий банкнинг қадимги ва муҳим функциясидир. Қонуннинг 38-моддасига кўра муомилага нақд пулларни чиқариш ва ундан олиш факат Марказий банк томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 6 апрелдаги «Пул массаси ошишини чегаралаш ва молиявий интизомни таъминлаш жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони нақд пулларни банкка ўз вақтида қайтишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Республикаизда муомилада нақд пул муомиласини чегаралаш мақсадида пластик карточкалардан кенг фойдаланиш ва бошқа чоралари кўрилмоқда.

2. Тижорат банклари касса резервларини тўплаш ва сақлаш. Қонуннинг 28-моддасида бу ҳолат ўз аксини топган бўлиб минимал захиралар бу тижорат банклари ресурсларининг Марказий банкда сақланиши зарур бўлган қисмидир. Мажбурий резерв миқдори тижорат банкининг йиғилган ресурсларига нисбатан фоизда белгиланади. Минимал заҳира жамъарма турига, унинг ҳажмига, банкнинг жойлашган ўрнига боғлиқ бўлган ҳолда турли мамлакатларда турлича. Жумладан, Японияда минимал резервлар ставкаси 2,5%, АШД да 12%, Германияда 12,1%, Португалияда

17%, Ўзбекистонда 2005 йилдан 15%. Марказий банк бундан пул муомиласини мувофиқлаштиришда фойдаланади.

3. Олтин-валюта заҳираларини сақлаш. Бу мамлакат тўлов баланси дефицитини қоплаш ва миллий валюта курсини барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизда 2005 йилда олтин-валюта заҳиралари 35%га ошиб, ташқи савдо ижобий қолдићи 1,317 млрд. АКШ долларига етди ва олтин-валюта заҳираларимиз республикамизнинг 8 ойлик импортини қоплашга етади.

4. Тижорат банкларини кредитлаш. Кредит муассасалари депозитларини марказлашуви кредит операцияларини кенгайтириш учун база ҳисобланади. 2005 йилда банклар томонидан иқтисодиётнинг реал секторига миллий валютада берилган кредитлар 3876 млрд. сўмни ташкил этди, унинг 81% и узоқ муддатли кредитни ташкил этади.

5. Давлат банки сифатида хукумат учун кредит бериш ва хисоб-китоб операцияларини бажариш. Бу марказий банкда хукумат ташкилотлари ва муассасаларининг счетларини юритилишида, шу счёtlар орқали қимматли қоѓозлар, узоқ ва қисқа муддатли кредитлар, давлат облигацияларини сотиб олиш, чет эл валютаси бўйича ва бошқа операцияларни амалга оширилиши билан боѓлиқ. Марказий банк хукуматининг фискал (хазина) вакили вазифасига мувофиқ хукумат органлари хисоб-варақларини юритар экан (47

модда), хукуматнинг молия операцияларини амалга оширишда кумаклашади, бюджет киримлари ва чиқимлари юзасидан маслаҳатлар беради.

6. Хисоб-китоб ва алмашув операцияларини амалга ошириш. Конуннинг 40,43 моддаларига биноан Марказий банк миллий валютани чет эл валютасига нисбатан курсини белгилайди, уни алмашиш лимитини белгилайди, республика худуди ва ундан ташқарида валюта операцияларини амалга оширади.

7. Пул-кредит сиёсати. Пул-кредит сиёсатининг асосий мақсади миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, валюта курси ва фоиз ставкаларини оқилона ўрнатиш асосида инфляция суръатларини камайтириш, кредитдан фойдаланишининг самарадорлигини ошириш ва иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашдан иборат.

Пул-кредит сиёсати давлатнинг иқтисодни бошқариш сиёсатининг бир қисми бўлиб муомиладаги пул массаси, кредит ҳажми, фоиз ставкалари даражаси ва бошқа пул муомиласи курсаткичларини ўзgartириши билан ишлаб чиқариш ҳажмини ўсиши ва пасайишига мослаб пул таъминотини йўлга куяди.

Жумладан, Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати 2006 йилга қуйидагича белгиланган:

1. Истеъмол нархлар индексининг йиллик даражаси 6,8% дан ошмаслиги.

2. ЯИМ ни реал ўсиши 7,2%, унинг дефлятори 12%ни ташкил этиши.

3. Бюджет тақчиллиги ЯИМнинг 1,5% дан ошмаслиги.

4. Соф ташки савдо айланмасини ижобий сальдоси 1445 млн. АШШ доллари ҳажмида бўлиши.

5. Банклардаги аҳоли жамъармаларининг қолдиғи 449,5 млрд.сўмга этиши ва бошқалар.

8. Назорат функцияси. Бу функцияга қонуннинг VIII-боби 50-54 моддалари баҳишланган бўлиб, уларда тижорат банклари фаолиятининг назорати ва уларни Марказий банк билан ўзаро муносабатлари акс этган.

Умуман тижорат банклар фаолияти назорати қўйидаги йўналишларда олиб борилади:

1. Давлат назорати – банк тизимидағи қонунчилик асосида, чунки ҳамма банклар, шу жумладан Марказий банк ҳам қонун асосида фаолият кўрсатади.
2. Юқори ташкилот назорати, яъни Марказий банк томонидан.
3. Мустақил ташкилот томонидан – аудиторлик ташкилоти ва бошқалар.

## **6. Махсус молия-кредит муассасалари**

Махсус молия-кредит муассасаларига суҳурта компаниялари, лизинг ва факторинг бўйича махсус молия муассасалари, кредит уюшмалари, жамъарма банклари ва бошқа турдаги молия-кредит муассасалари киради.

Ўзбекистон Республикасининг «Суҳурта фаолияти тўхрисида»ги (2002 йил, 5 апрель) қонуннинг 3 моддасига биноан «Суҳурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тулайдиган Суҳурта мукофатларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (Суҳурта ходисаси) юз берганда ушбу шахсларга Суҳурта шартномасига мувофиқ Суҳурта товонини (Суҳурта пулинни) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини химоя қилиш тушунилади.

Суҳурта фаолияти деганда Суҳурта бозори профессионал иштирокчиларининг Суҳуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти тушунилади.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики Суҳурта корхона ва аҳоли маблағларини марказлаштириш ва уларни хўжалик оборотига жалб этишининг самарали инструменти ҳисобланади.

Ўзбекистонда Суѓурта ишини шаклланиши икки йўналишда, яъни Госстрах тизимини такомиллашуви ва бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб янги Суѓурта компанияларини ташкил этиш йўлидан борди. Республикада 1993 йилда «Суѓурта тўјрисида»ги қонун қабул қилинди. 1994 йилдан «Ўзбекинвест» миллий компанияси ташкил этилди, хусусийлаштириш ва хусусий тадбиркорликни қуллаб-қувватлаш бўйича «Мадад» Суѓурта агентлиги тўзилди. Чет эл инвестицияларини сиёсий ва тижорат хатарларидан химоялаш бўйича ўзбек-америка «UZ-AIG» компанияси тўзилди.

1997 йилдан мамлакатда давлат Суѓурта тизимида ислоҳатларга киришилди. Бунда Ўзбекистон республикаси молия вазирлиги қошидаги Суѓурта давлат бош бошқармаси заминида «ЎзагроСуѓурта» давлат акционер Суѓурта компанияси тўзилди. Шу йилнинг ўзида «Кафолат» ва ЎзагроСуѓуртага Госстрах нинг шаҳарлардаги барча мажбуриятлари берилди.

1997 йилнинг февралида «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий компаниясига айлантирилди (экспорт шартномалари ва тижорат банклари кредитларини Суѓурталаш бўйича).

Кейинроқ «ЎзагроСуѓурта» қишлоқ хўжалигини Суѓурталаш билан, «Кафолат» - шахар жойидагиларни Суѓурталаш билан шуѓулланган.

Хозир республикада 21 Суѓурта ташкилоти мавжуд бўлиб, уларнинг 9 таси акционер жамиятлари ҳисобланади. 4 тасида давлат мулки мавжуд. Умуман Ўзбекистонда тўзилаётган Суѓурта компанияларининг муассислари бўлиб банклар ва бошқа Суѓурта компаниялари ҳисобланади. Банклар 75% Суѓурта ташкилотлари муассислари таркибига, 25% Суѓурта компаниялари муассислари таркибида чет эл инвесторлари ҳисобланади.

«Суѓурта фаолияти тўјрисида»ги қонуннинг 4-моддасига биноан Суѓурта қуидаги соҳаларга бўлинади:

- Хаётни Суѓурта қилиш (жисмоний шахсларнинг хаёти, соѓлиги, меҳнат қобилияти ва пул таъминоти билан боѓлиқ манфаатларни Суѓурта қилиш. Бунда шартнома бўйича Суѓуртанинг энг кам муддати бир йилни ташкил этади).

- Умумий Суђурта (шахсий, мулкий Суђурта, жавобгарликни Суђурта қилиш, ҳамда ҳаётни Суђурта қилиш соҳасига тааллуқли бўлмаган бошқа Суђурта турлари).

Ўзбекистон Республикаси Суђурта ташкилотларини жами устав капитали 2004 йилнинг бошига 10,3 млрд. сўмни ташкил этади ёки 1997 йилдагидан 2,3 баробар кўп.

Хозирги қонунчиликка кўра республикада Суђурта фаолияти давлат назоратини Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги қошидаги Суђурта назорати давлат инспекцияси олиб боради. Унинг фаолияти 1999 йил февралидан бошланган.

Республикамизда Сугурта бозорининг ривожланишига куйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- аҳолининг паст Суђурта маданияти (ишончнинг камлиги, ахборотнинг камлиги)
- кўпчилик аҳолининг Суђурта маҳсулотларини сотиб олиш учун пулининг йўқлиги.

Шахсий Суђуртанинг ривожланишига куйидаги омиллар таъсир қиласди:

- сођлиқни сақлаш тизимини тараққий этмаганлиги, хизматлар баҳосини юқорилиги;

- шахсий Суђуртага пул қўйишни рађбатлантирилмаслиги.

Ўзимизда ҳали айrim Суђурта маҳсулотларига ўтилган эмас. Жумладан, Японияда аёллар уйда, кўчада ёки транспортда таъқиб қилинганида Суђурта асосида етказилган маънавий зарарни қоплаш мумкин.

Буюк Британияда бой эркаклар Суђурта компанияларига бўлажак хотинларидан Суђурта қилишни сўраб мурожаат қилишмоқда, қайсилар никоҳдан кейин севимли хотиндан уни счётидаги пул билан, мулки билан қизиқадиган ёмон аёлга айланиши мумкин.

Буюк Британия фуқароси 26 ёшли Николь Джоунс чиройли бўлмай қолишдан ўзини Суђурта қилдирган. Бу шартномани у ўзининг Эри Симонни туђилган қунига тақдим этган. Буни учун аёл Суђурта компаниясига йилига 200 фунт тўлайди. Аёлдаги ўзгаришларни 10 курувчидан иборат комиссия аниқлайди, чунки унинг эри ҳам курувчи.

Америкалик рокон-роль қўшиқчиси Тина Теркер маълум сўммага барча тана қисмларини – овозини 3,2 млн. \$ га, оёғини 3 млн. \$ га, кукрагини 790 млн. \$ га ва барча аъзоларини 8 млн. \$ га Суђурта қилдирган.

Умуман Ўзбекистонда ҳам талабдан келиб чиқиб Суђурта маҳсулотлари турини янада ривожлантириш лозим.

Кредит кооперативлари ўзаро ёрдамнинг ташкилий-хуқиқий шакли сифатида дастлаб Германияда XIX асрнинг иккинчи ярмида кишлоқ хўжалик ва кредит кооперативлари шаклида ташкил топган.

XX аср бошида Европа кредит кооперативлари АШШ, Канадада тараққий этиб, Жанубий Америка давлатларида тараққий эта бошлади.

Ўзбекистонда бунга биринчи қадамлардан бири бўлиб 2002 йил 4 апрелда «Кредит уюшмалари тўћрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ҳисобланади.

Қонун 30 моддадан иборат бўлиб унинг 3-моддасига кўра – «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан кредитлар бериш мақсадида ихтиёрий тенг хуқуқли аъзолик асосида тўзиладиган кредит ташкилоти кредит уюшмаси деб эътироф этилади».

Кредит уюшмаларини давлат руйхатидан ўтказиш уларга лицензия бериш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилади.

Қонуннинг 7-моддасига биноан кредит уюшмаси аъзоларининг сони 50 тадан кам бўлиши мумкин эмас. Кредит уюшмасининг устави унинг таъсис хужжатидир. Кредит уюшмаси аъзолари пай бадалларининг умумий сўммаси устав фонди ҳисобланади. Устав фонди факат пул маблаѓларидан

шакллантирилади ва унинг энг кам микдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Кредит уюшмасининг юкори бошқарув органи бўлиб уюшма аъзоларининг умумий ийѓилиши ҳисобланади.

Кредит уюшмаси кредит уюшмаси аъзоларининг умумий ийѓилиши қарорига кўра, ихтиёрий равища, лицензия бекор қилинганда ва уюшма банкрот деб эълон қилинганда (28-модда) тутатилади.

Кредит уюшмаларининг тижорат банкларидан асосий фарки катта фойда олиш эмас, балки ўз аъзоларининг бизнесини ривожлантиришга паст фоизда кредит-молия ёрдами кўрсатиши. Унинг кредитларидан фойдаланишни расмийлаштириш оддий тушунарли ҳисобланади.

Ўзбекистонда 2005 йилнинг охирида 23 та кредит уюшмалари мавжуд бўлиб улар жумласига Хазина ва Шердор (Самарқанд), Ишонч (Жиззах), Ласточка (Навоий), Марвел ва Таянч (Наманган), Бухоро тадбиркори ва Умид (Бухоро), Мададкор (Андижон), Барака ва Тараққиёт (Тошкент вилояти) ва бошқаларни киритиш мумкин.

Самарқанднинг «Шердор» кредит уюшмаси Ўзбекистондаги биринчи кредит уюшмаси ҳисобланади. Ушбу кредит уюшмаси 2002 йилда тўзилган бўлиб уни 4300 аъзоси мавжуд.

Кредит уюшмаларининг асосий мақсади одамлар ўз фаолиятини ривожлантириб ўз фаровонлигини оширишни ўзлаштирун. Бу борада халқда «Агар оч қолганга балиқ совъя килсанг яхши иш қилган бўласан, агар сен уни балиқ тутишга ўргатсанг икки баробар кўп иш қилган бўласан» деган ибора мавжуд.

Шу жиҳатдан кредит уюшмалари кичик тадбиркорликни тараққий эттиришда муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун ҳам кредит уюшмалари бутун дунё бўйлаб ривожланишга эга. Бу кредит уюшмаларининг жаҳон ташкилоти (Wosssi) ни мавжудлиги бўлиши ҳам аҳамиятли. Бу ташкилот 30 йиллар олдин тўзилган бўлиб унга 90 мамлакатдаги 32 минг дан (112 млн. аъзоси билан) ортиқ кредит уюшмалари киради. Уни кредит уюшмаларинин ривожлантириш бўйича бир лойиҳаси Ўзбекистонда ҳам амалга оширилмоқда.

2003 йилни сентяброда Бешкек шаҳрида ушбу халқаро кредит уюшмаси бошчилигига «Марказий Осиёда барқарор кредит уюшмаларини тўзиш тўғрисида» биринчи халқаро конференция ўтказилди.

Қар йилни 20 октябрида халқаро кредит уюшмалари куни ўтказилади. Бу кун 1948 йилдан бери нишонланади. Қозир ушбу халқаро ташкилотга (Wosssi) 96 мамлакат аъзо.

Ўзбекистонда 2005 йилнинг сентябрига кредит уюшмаларининг жисмоний ва юридик шахслардан аъзолар 27 000 ни ташкил этади.

Ўзбекистон кредит уюшмаларининг активлари 6,5 млрд. сўмни, кредит портфели 5,8 млрд. сўмни, депозит ва пай бадаллари 5,8 млрд. сўмни ташкил этади.

2005 йилнинг июнида Ўзбекистонда кредит уюшмалари ассоциацияси тўзилди.

Республикамизда кредит уюшмалари тўғрисидаги қонунга Олий Мажлис томонидан 2006 йилнинг 24 январида айrim ўзгартиришлар киритилди.

Лизинг инглизча ижара маъносини билдиради. Эрамиздан олдинги тўртинчи асрда яшаган грек файласуфи Аристотель – «Бойлик мулкка эгалик қилишда эмас, балки ундан самарали фойдаланишдадир», - деган шу фикр билан олим лизинг Ҳоясига асос солган.

Мулк тушунчасида мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш хуқуқи тушунчалари мавжуд. Кейинги вактларда мулкдан фойдаланишнинг янги шакли ижара муносабатлари, кейинчалик эса уни такомиллашган маҳсус тuri молиявий ижара – лизинг вужудга келди.

Тарих маълумотларига кўра лизинг эрамиздан олдинги 2000 йилларда Шумер давлатида мавжуд бўлган, Венецияда ривожланган.

Уни ривожланган босқичи XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг дастлабки йилларига тўћри келади. Австриялик олим В.Хайор 1877 йилда ўзининг «Европада қандай қилиб бизнес қилиш керак» номли китобида «Белл» телефон компаниясида ўзи ишлаб чиқарган телефон аппаратларини ижарага берганлиги ва шу орқали катта фойда кўрганлиги тўћрисида гап юритади. Бунда истеъмолчилар нафакат телефон аппаратидан фойдаланиш хуқуқини, балки келишилган туловларни бажарганларидан сўнг унинг эгаси бўлиш хуқуқини ҳам қулга киритишган.

Буюк Британияда XX аср бошларида кончилар темир йўл вагонларини аввал ижарага олиб кейин сотиб олишган.

Бугунги замонавий лизинг (молиявий ижара) XX асрни 50 йилларида АШ да шаклланиб такомиллашди. Воситачи сифатидаги биринчи лизинг компанияси 1952 йилда Сан-Франциско шаҳрида ишбилармон Генри Шонфельд томонидан асосланган «United States leasing corporation» дунёга келди.

АШдаги лизинг бўйича шов-шувлар Германия, Италия ва Францияда давом этди. Жаҳон банки таркибида ҳалқаро лизинг муносабатларини тартибга солиш бўйича Ҳалқаро Молия корпорацияси (ХМК) иш бошлади.

Бугунги кунда ХМК 50 мамлакатнинг 96 лизинг компаниялари фаолиятини молиялаштирган. 40 мамлакатнинг 120 дан ортиқ лизинг соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда техник ёрдам кўрсатган ҳамда 25 мамлакатдаги лизинг компанияларининг муассиси ҳисобланади.

1995 йилда Ўзбекистонда ташкил этилган дастлабки «Ўзбеклизинг интернейшнл АЖ» нинг таъсисчиларидан бири ҳам ХМК ҳисобланади.

Ўзбекистонда биринчи ҳалқаро лизинг операцияси 1993 йилда ташкил иқтисодий фаолият банки томонидан «Ўзбекистон ҳаво йўллари»га чет эл компанияларидан самолётлар харид қилинган.

Республикамида лизинг операцияларининг ривожланиши 1999 йилни 14 апрелида қабул қилинган ва 2002 йил 13 декабряда тегишли ўзгартиришлар киритилган «Лизинг тўћрисида»ги қонунни қабул қилиши билан боћлиқ.

Юқоридагиларга асосан лизинг – бу мулкий муносабатлар мажмуи бўлиб бунда бир тараф (лизинг берувчи) бошқа бир тарафнинг (лизинг олувчининг топшириѓига биноан учинчи тараф (мол етказиб берувчи) дан лизинг шартномасига мувофиқ лизинг обьекти бўлган мулкни ўз мулки қилиб сотиб олиб уни тўлаш асосида лизинг шартномасида белгиланган шартлар билан

вақтингчалик фойдаланиш ва эгалик қилиш учун лизинг олувчига беради.

Лизинг муносабатларининг асосий хужжати бўлиб шартнома хисобланиб у қуидаги қисмлардан иборат:

1. Шартноманинг моҳияти ва мақсади
2. Техникани олиб кетиш тартиби
3. Техниканинг қиймати
4. У бўйича тўловлар
5. Тўловлар тартиби
6. Техникани етказиб бериш
7. Бўнак тўловларини тўлаш
8. Лизинг тўловларини тўлаш
9. Томонлар хуқуқ ва мажбуриятлари
10. Фойдаланиш шартлари
11. Томонларнинг жавобгарликлари
12. Низоларни ҳал қилиш
13. Амал қилиш муддати
14. Бошқа шартлар
15. Томонларнинг реквизитлари

Лизинг обьекти бўлиб истеъмол қилинмайдиган ва қонунчилик билан тақиқланмаган тадбиркорлик фаолиятида қулланиладиган ҳар қандай буюмлар, барча мулк мажмуалари, шу жумладан ер участкалари ва бошқа табиат обьектлари, бинолар,

иншоатлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кучар ва кучмас мулклар ҳисобланади.

Молиявий лизингнинг моҳияти мулк қийматини бўлиб бўлиб тўлаш асосида сотиб олишни ифодалайди ва товар кредити шаклига эга бўлади. Бунга лизинг муддати давомида лизинг берувчининг барча харажатларини тўлиқ коплашга етарли бўлган ва унга фойда келтиришни таъминлайдиган лизинг тўловлари йиғиндисини кўзда тутади.

Лизинг тўлови лизинг обьекти қийматини, мулкни Суђурталаш харажатларини ва кредит учун лизинг (фоиз) ставкасини ўз ичига олган сўммани ташкил этади.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида лизинг муносабатларининг ривожланишида 1999 йил 30 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Қишлоқ хўжаликмашлизинг акциядорлик лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 2 ноябрдаги «Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 28 августдаги «Лизинг тизими тараққиётини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги фармони муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридаги Президент фармонига кўра иқтисодиёт тармоқлари, айниқса кичик ва ўрта бизнес субъектларини замонавий технологик ускуналар билан таъминлаш мақсадида 2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб:

1. Лизинг тўловлари қўшилган қиймат солиҳидан озод этилади. Четдан лизинга бериш учун республика худудига келтириладиган технологик ускуналар божхона тўлови ва қўшилган қиймат солиҳидан озод этилади.
2. Лизинг олувчи – хўжалик субъектлари лизинга берилган мулк бўйича лизинг шартномаси даврида мулк солиҳидан озод этилади. Лизинга берувчининг ялпи даромадидан лизинга бериш учун олинган мулк бўйича кредит тўлови бўйича фоизлар ва бошқа тўловлар чиқарилади.

Умуман юқоридаги фармон ва қарорлар лизингдан фойдаланувчиларни тегишли мулкка эга бўлиш бўйича катта имконият ва имтиёзларни беради.

#### **Мавзуни мустақил ўрганиш бўйича саволлар:**

1. Банклар қачон келиб чиқкан ва уларни бозор иқтисодиёти шароитидаги ўрни нимада?
2. Кредит тизими ва у қандай таркибга эга?
3. Ўзбекистон Республикаси банк тизими қандай таркибга эга?
4. Бир ва икки поһонали банк тизимининг моҳияти нимада?
5. Банк тизими тараққиёти қандай босқичларни ўз ичига олади?
6. Ўзбекистон Республикаси банк тизими ривожланиши қандай босқичларга эга?
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қандай функциялари мавжуд?
8. Махсус молия-кредит муассасаларига қандай ташкилот ва муассасалар киради?
9. Ўзбекистон Республикаси Суђурта тизими қандай тўзилишга эга?
10. Кредит уюшмалари ва улар Ўзбекистонда қандай тараққиётга эга?
11. Лизинг муносабатлари қандай муносабатларни ўз ичига олади?
12. Ўзбекистон Республикасида банклар фаолияти қандай меъёрий хужжатларга асосланади?

## **8 – мавзу: Тижорат банклари ва улар фаолиятини тартибга солиши**

### **Режа:**

1. Тижорат банклари фаолиятини ташкил қилишнинг иқтисодий ва хуқуқий асослари
2. Тижорат банклар фаолиятининг тамойил ва функциялари
3. Тижорат банкларининг пассив ва актив операциялари
4. Тижорат банкларининг депозит, нодепозит ва бошқа операциялари
5. Кредитлаш услублари ва турлари (шакллари)
6. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва тадбиркорбанк линиялари хисобидан микро кредитлар бериш тартиби
7. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солища қулланиладиган иқтисодий меъёрлар. Банк тизими фаолиятининг тартибга солища қулланиладиган иқтисодий чоралар.

### **Таянч тушунчалар**

Тижорат банклари ва уларни хуқуқий асослари. Тижорат банклари устав капитали миқдорига бўлган талаблар. Тижорат банклари фаолияти тамойиллари. Тижорат банклари функциялари. Тижорат банкларининг пассив ва актив операциялари. Тижорат банкларининг кредитлаш жараёни боскичлари. Тижорат банкларининг депозит, нодепозит, банк хизмати ва воситачилик операциялари. Кредитлаш услублари ва турлари. Кредитлаш буйича ссуда счёtlари. Кичик бизнес субъектларига микрокредитлар бериш тартиби, унинг хуқуқий асослари. Бюджетдан ташқари жамгарма кредит линияси. Дастлабки сармояни шакллантиришга микрокредитлар. Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси кредит линиялари. Оилавий тадбиркорлик субъектларига бериладиган микрокредитлар. Микрокредитбанк АТ банки. Тижорат банклари дастлабки фаолиятини тартибга солища қулланиладиган иқтисодий меъёрлар. Банк тизими фаолиятини тартибга солища қулланиладиган иқтисодий чоралар.

**Адабиётлар:** 2, 3, 11, 12, 13, 18, 22, 23, 24, 40, 44, 48, 51, 57<sup>a, г, д</sup>.

### **1. Тижорат банклари фаолиятини ташкил қилишнинг иқтисодий ва хуқуқий асослари**

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўјрисида»ги қонуннинг биринчи моддасида таъкидланганидек «Банк – бу тижорат муассасаси бўлиб жисмоний ва хуқукий шахсларнинг бўш турган пул маблаѓларини жалб қилиш ва уларни ўз номидан тўловлилик, муддатлилик, қайтариб бериш шарти асосида жойлаштириш операцияларини ва бошқа банк операцияларини бажаради».

Тижорат банклари банк тизимининг муҳим бўјини бўлиб кредит ресурсларининг асосий қисми шу банкларда йиғилади ва бу банклар хуқукий ва жисмоний шахсларга хизматларни кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари банк тизимининг Марказий банкдан кейинги пођонаси ҳисобланади. Хозирги кунда Республикаизда 2006 йилни 1 январ ҳолатига 29 турдаги, шундан 3 та давлат мулкига асосланган, 12 та акционер - тижорат, 9 та хусусий ва 5 та чет эл сармоясини ҳиссаси билан тижорат банклари мавжуд.

Республика худудида тижорат банклари ўз фаолиятларини Марказий банк томонидан берилган лицензия асосида амалга оширадилар.

Банкларга лицензия бериш Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банк тўјрисида»ги,

«Банклар ва банк фаолияти тўјрисида»ги, «Акционерлик жамиятлари ва акциядорлар хуқукини химоя қилиш тўјрисида» ги ва бошқа қонунлари ҳамда банклар бўйича тегишли меъёрий хужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

Тижорат банкларини ташкил қилиш 1999 йилни 11 – февралида қабул қилинган «Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўјрисида»ги 630 – сонли Низом асосида олиб борилади. Ушбу Низомга асосан тижорат банклари очиқ ёки ёпиқ акционерлик жамиятлари шаклида ташкил этилиши мумкин.

Банкни давлат рўйхатидан утказиш учун Марказий банк томонидан белгиланган банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,1 фоизи миқдорида, филиаллар рўйхатга олинаётганда эса ушбу маблаѓнинг ярми миқдорида хақ тўланиши, устав капиталининг 30 фоизидан ортиѓи хорижий шахсларга тегишли бўлган банклар ва шуъба банкларини рўйхатдан ўтказиша 5000 АШШ долларига тенг сўммада хақ тўланганлигини тасдиқловчи хужжатлар тақдим этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўјрисида»ги қонунга асосан банк устав капиталини шакллантиришга давлат хокимият органлари, жамоа

бирлашмалари, жамоа фонди маблағлари, шунингдек кредитга ва гаровга олинган маблағлардан фойдаланиш ман этилади.

«Банкларни рўйхага олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан ҳар бир акциядорнинг устав капиталидаги улуши 2002 йилнинг 1 январидан бошлаб устав капитали умумий миқдорининг 7 фоизидан ошмаслиги керак. Шунингдек банкларнинг бошқа банклар устав капиталида иштирокига рухсат этилмайди. (шуъба банклар ташкил этиш бундан мустасно). Ҳар бир банк ўз устави асосида фаолият курсатади.

Марказий банк томонидан тасдиқланган «Тижорат банклари капиталининг етарлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низом» га (2000 йил, 25 июль, 949 – сон) кўра фаолият курсатаётган банклар 2 млн АШШ долларидан кам бўлмаган миқдордаги умумий капиталига эга бўлиши лозим. Янги очилаётган банклар устав капиталига бўлган талаб 2002 йилни 1 январидан аҳолиси 0,5 млн кишидан кўп бўлган шаҳарларда 2,5 млн АШШ долларида, аҳолиси 0,5 млн кишидан кам бўлган шаҳарларда 1,25 млн АШШ долларида, чет эл капитали иштирокидаги банклар бўйича 5 млн АКШ доллари, хусусий банклар учун 1,25 млн АКШ долларидан кам бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 – апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги 56 – сонли қарорига кўра тижорат банклари ўз капиталларини бир маромда усиб боришини тъминлаш, кредит портфели сифатини яхшилаш, лойиҳаларини молиялашни такомиллаштириш ва бошқа вазифалар қўйилган.

Жумладан, қарорда кўзда тутилишича 2007 йилни 1 январига қадар янги ташкил этиладиган тижорат банкларининг устав капитали 5 млн АШШ долларига, хусусий банкларни устав капитали 2,5 млн доллардан кам бўлмаган миқдорга етказиш кўзда тутилган.

Банк фаолиятини тухтатиш ва банкларни тугатиш «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонун ҳам Марказий банкнинг 240 – сонли «Банкларни тугатиш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан амалга оширилади.

Унга кўра банклар акциядорлар йиғлишининг қарорига кўра, Марказий банк лицензияни қайтариб олганда ва банк банкрот деб эълон қилинганда ўз фаолиятини тухтатади. Ўз фаолиятини тухтатган банк Марказий банк томонидан банкларни Давлат рўйхатига олиш дафтаридан чиқарилади. Уни фаолияти тухтатилганлиги матбуотда эълон қилинади.

## 2. Тижорат банклар фаолиятининг тамойил ва

## **функциялари.**

Тижорат банкларининг фаолияти қуйидаги тамойилларга асосланади:

1. Кредит ресурсларини ташкил этишда четдан жалб қилинган ресурсларга таяниши

2. Мавжуд маблағлар чегарасида хизмат курсатиш. Бу банкнинг нафакат ўз ресурс ва кредит қўйилмаларининг мутоносиблиги, балки банкнинг активлари билан унинг жалб қилинган маблағлари ўртасидаги мутоносиблигини таъминлашини билдиради.

3. Банк фаолиятининг тула иқтисодий мустақиллиги. Бунда банк ўз ва жалб этилган маблағлардан мустақил фойдаланиши, мижозлар ва омонатларни ўзи мустақил равища танлаши, кредит сиёсатини мустақил тўзиши ва амалга ошириши, фоиз ставкаларини мустақил ўрнатиши ва ўзгартериши, даромадларни мустақил равища таксимлаши ва бошқа фаолият турларини бажариши мумкинлиги кўзда тутилади.

4. Банклар фаолиятини тижоратлашуви. Бу тамойил банкларни камроқ ҳаражат қилиб фойда билан, кўпроқ фойда билан фаолият қўрсатишга асосланади. Банк фаолиятининг хавфсизлиги (кам хатарлилиги) ҳам банк тижоратининг асосларидан бири хисобланади.

5. Мижозлар манфаатини химоялаш. Банк ўзининг капитали, даромади билан риск қилиши мумкин, лекин у мижознинг даромади ёки капитали билан риск қилиши мумкин эмас. Бу тамойил «ҳамма нарса мижоз учун» маънони англатиб у банк мижоз учун тўлалигича жавоб бериш зарурлигини билдиради, уни даромадини таъминлайди.

6. Банклар фаолиятининг универсаллашуви ва диверсификацияси (лотинча deilersiteatro - ўзгариш, хилма – хиллик) банклар фаолиятини турли тармоқ ва соҳаларни қамраб олишини билдиради.

7. Ўзаро манфаатдорлик. Банкнинг ва мижознинг бир – бирига бўлган ишончи ўзаро ҳамкорликни мустахкамлайди. Мижоз банкга нафакат пул ёки кредит учун эмас, балки молиявий малакавий ёрдам, малакали хизмат, маслаҳат олиш учун боради. Мижоз банкдан ўз маблағини нимага ва қандай сарфлаш, ўз фойдасини қандай ошириш ёки йўқотишларга қандай барҳам беришликини ўрганади. Тижорат банклари фаолияти қуйидаги функцияларга асосланади:

1. Хуқуқий ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини йиғиши.

2. Халк хўжалигига ҳисоб – китоблар ва туловларни амалга ошириш

3. Хўжалик субъектларини кредитлаш, ички ва ташки хўжалик оборотига кредит – молия хизмати кўрсатиш
4. Молиявий ва моддий қийматлар сақланишини таъминлаш
5. Мижозлар мулкини ишончли бошқариш (факторинг, траст ва бошқа операциялар)
6. Молия – валюта бозорида фаолият кўрсатиш, яъни қимматли қоѓозлар чикариш, уларни жойлаштириш, сотиб олиш ва бошқалар
7. Иқтисодий молиявий аборотлар бериш, маслаҳат хизматларини кўрсатиш ва бошқалар

### **3. Тижорат банкларининг пассив ва актив операциялари**

Банк ресурсларини шакллантириш билан боглик бўлган операциялар банкларнинг пассив операциялари дейилади. Банкларнинг пассив операциялари уларнинг фаолиятини ташкил қилишда катта роль уйнайди. Пассив операциялар ёрдамида тижорат банклари кредитлаш учун зарур бўлган ресурсларини ташкил этади.

Пассив операциялар асосан қўйидаги шаклга эга:

1. Щимматли қоѓозларни муомилага чикариш йўли билан ресурслар йиғиши

2. Банк фойдаси ҳисобидан ҳар хил фонdlар ташкил қилиш ёки фонdlар сўммасини ошириш
3. Бошқа кредиторларнинг маблагларини жалб қилиш
4. Депозит операцияларини амалга ошириш

Тижорат банкларининг ресурслари банкнинг ўз маблаѓлари, жалб қилинган ва эмитентлашган маблаѓлар ҳисобидан шаклланади.

Юқорида келтирилган пассив операцияларнинг дастлабки иккитасида банкларнинг ўз маблаѓлари юзага келади ва қолган икки шаклида кредит ресурсларининг жалб қилинган ресурслар кисми юзага келади.

Банкларнинг ўз маблаѓларига – устав капитали, резерв капитали, маҳсус фонdlар (моддий рађбатлантириш ва бошқа ташкил этилган фонdlар) ва тақсимланмаган фойда киради. Банкларнинг кейинги йиллар балансларида ўз маблаѓлари таркибида акциялар бўйича эмиссия устамаси, асосий восита ва чет эл капиталини қайта баҳолаш сўммалари ҳам ўз аксини топган.

Республикамиз тижорат банкларининг капитали 2005 йилни бошига 824,1 млрд сўмни ташкил этган ва бу 2004 йилга нисбатан 33,1 млрд. сўмга ёки 104,2 фоизга ошиқ.

Амалиётда банк пассивларининг 20 фоизига яқини банкларнинг ўз маблағлари түбіри келади. Банк ўз маблағлари ичидә асосий ўринни банк устав капитали эгаллады. Банкларнинг устав капитали уларнинг мажбуриятларини бажарилишининг асоси бўлиб хизмат қиласи ва у банклар ташкил қилинганда моддий ва пул маблағларидан ташкил топади. Банк кредитлари ҳамда четдан бошқа пул маблағларини жалб қилиб уни ташкил қилиш мумкин эмас.

Шу каби банкларни захира капитали ва тақсимланмаган фойдага тегишли манбалар ҳисобидан шаклланади ва сарфланади.

Жалб қилинган маблағлар тижорат банклари кредит ресурсларининг асосий қисмини ташкил этади. Бўларга депозитлар, шунингдек контокоррент ва вакиллик ҳисоб варакларидаги маблағлар киради.

Банк ресурслари таркибида аҳолининг қуйилмалари муҳим рол уйнайди ва у 2006 йилни 1 январига 449,5 млрд сўмни ташкил этади.

Банкларнинг эмитентлашган маблағлари. Банклар мижозлар маблағларидан етарли даражада ўзроқроқ фойдаланиши амалга оширишдан манфаатдордирлар. Шу сабабли банклар облигация

қарзлари, банк векселлари ва бошқаларни чиқариш йўли билан ўз ресурсларининг микдорини кўпайтириб борадилар.

Даромад олиш мақсадида банк ресурсларини жойлаштириш билан боғлиқ операциялар банкларнинг актив операциялари дейилади. Банкларни актив операцияларида асосий ўринни уларнинг кредит операциялари эгаллади.

Хозиги кунда тижорат банклари томонидан берилаётган кредитларнинг таъминоти сифатида кучмас мулк, қимматли қоғозлар, учинчи шахс ва сугурта ташкилотининг кафолати қабул қилинган.

Тижорат банкларининг кредитлаш жараёни қуидаги боскичларни ўз ичига олади:

- Кредит олиш учун мижоз аризасини кўриб чиқиш
- Щарз олувчининг туловга ва кредитга лаёқатлигини банк томонидан ўрганиш
- Кредит қўмитасини қарори
- Кредит шартномасини расмийлаштириш
- Кредит бериш
- Кредитни фоизи билан қайтарилишини банк томонидан назорат қилиш

Тижорат банклари ресурсларининг 2002 йилда 66,83 фоизи, 2003 йилда 68,08 фоизи, 2004 йилда 70 фоизи кредитлашга йўналтирилган. 2004 йилда банклар томонидан иқтисодиётнинг

реал секторига берилган кредитлар 860 млрд сўмни ташкил этди. Берилган кредитларнинг 81 фоизи ўзок муддатли кердитларни ташкил этади.

#### **4. Тижорат банкларининг депозит, нодепозит ва бошқа операциялари**

Тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини банкга жалб қилиш билан боғлиқ операциялари депозит операциялари дейилади. Депозит операциялари тижорат банкларининг 90 фоизгача пассивлари ташкил қилиниши мумкин.

Депозит операцияларининг субъектлари бўлиб бир томондан тижорат банклари, иккинчи томондан корхона, ташкилотлар, молия, суѓурта, инвестицион ва траст компаниялари, хусусий корхоналар, қўшма, хиссадорлик корхоналари, жамоа ташкилотлари, алоҳида жисмоний шахслар ҳисобланади.

Депозит операцияларининг обьекти бўлиб эҳтиёждан ортиқча пул маблағлари (қўйилмалари) ҳисобланади.

Пул қуювчиларнинг тоифасига кўра депозитлар бўлинади:

- юридик шахслар (корхона, ташкилотлар ва бошқалар) қўйилмалари

- жисмоний шахслар қўйилмалари

Маблағларни олиш шаклига кўра депозитлар бўлинади:

- Муддатли депозит маблағлар

- Талаб қилиб олгунга қадар депозит маблағлар

- Аҳолини жамғарма маблағлари

Муддатли депозит маблағлар бўлинади:

- 3 ой муддатгача

- 3 ойдан 6 ойгача

- 6 ойдан 9 ойгача

- 9 ойдан 12 ойгача

- 12 ойдан юқори бўлган депозит маблағлари

Назарий жиҳатдан замонавий банк тизимида нақд пулсиз айланишларнинг ривожланиши натижасида дастлабки шакллантирилган депозитларни чекланмаган тарзда бир банкдан иккинчи банкга утказиш, шу билан бирга тижорат банклари томонидан берилаётган кредитларни чексиз ошириш имконияти мавжуд. Хорижий назарияда бу жараён депозит мультиликацияси (маблағларни бир банкдан иккинчи банкга ўтказилиши) ва кредит экспанцияси деб ном олган.

Масалан «А» банкдан дастлабки депозит 1000 бирликни ташкил этса унинг 20 % мажбурий заҳира сифатида Марказий

банкга ўтказилса банкни кредит бериш имконияти 800 бирликни ташкил қиласи. Бу кредит мижозга берилгандан кейин бошқа банкда депозитта айланиши мумкин. Жумладан, ушбу берилган кредит сўммаси «Б» банкнинг мижози бўлган маҳсулот етказиб берувчининг ҳисоб варагига сотувдан тушум шаклида келиб тушади. Бунда А банкнинг кредити Б банкда депозитни вужудга келтиради. Б банк бу депозитдан кредит берадиган бўлса, мажбурий захирани ҳисобга олган ҳолда унинг миқдори 640 (800 – 160) бирликка тенг бўлади.

Тижорат банкларининг нодепозит операциялари деб тижорат банкларининг йирик пул бозорларидан пул маблағларини жалб қилиш, қимматли қоғозлар, облигацияларни муомилага қўйиш йўли билан маблағларни жалб қилиш соҳасидаги операцияларига айтилади.

Жаҳон банки амалиётида тижорат банкларига маблағларни жалб қилишнинг кенг тарқалган нодепозит шаклларига қўйидагилар киради:

- Банклараро бозордан қарз олиш
- Қимматли қоғозларни қайтиб сотиб олиш шарти билан сотиш (Репо операциялари)
- Банк акцептларини сотиш

- Тижорат қоғозларини чиқариш

- Евро – долларлар бозоридан қарз олиш

- Капитал ноталар, облигациялар чиқариш ва бошқалар

Нодепозит операциялар бозорда рақобатчилик асосида, воситачилар (брокерлар) орқали сотиб олинади. Бунда биринчидан маблағларни сотиб олиш Ҳояси банкнинг ўзига тегишли, иккинчидан бу Ҳоя банкнинг бирор – бир мижози билан боғлиқ эмас. Нодепозит манбалардан асосан молиявий марказларда жойлашган ҳамда молия бозори механизмидан эркин фойдаланиш хуқукига эга бўлган йирик банклар кенг фойдаланадилар. Нодепозит маблаглар йирик миқдорда сотиб олинади.

Тижорат банкларининг бошқа операцияларига банк хизматлари ва воситачилик операцияларини киритиш мумкин. Бунда банклар мижознинг ҳисобидан уларнинг турли топшириқларини бажарадилар. Бундай топшириқлар мамлакат ичida ёки бир мамлакатдан бошқа мамлакатга пул утказиш билан боғлиқ.

Шундай операциялардан бири бўлиб факторнинг (инглизча воситачи) операцияси бўлиб бунда банк мижознинг қарзга оид талабларини, уларни етказиб бериш қийматининг 80 фоизи шу заҳоти тўлаш ва қолган қисмини кредит учун фоизлар ва воситачилик ҳақини чиқариб тўлаш шарти билан сотиб олади.

Воситачилик операцияларининг бири бўлиб траст (инглизча ишончли) операциялари ҳисобланиб у мулкка эгалик қилишнинг энг тарқалган шакли – акция, облигация ва пул маблағларининг бир эгалидан (шахсдан) иккинчи эгаликга (шахсга) ўтказишни банклар орқали амалга оширишни билдиради. Бу мижоз билан келишилган ҳолда уни маблағларини бошқариш ишончини қулга киритишидир.

Банклар траст операцияларининг нафақат жисмоний шахслар бўйича балки юридик шахслар учун ҳам амалга оширадилар.

Жисмоний шахслар учун траст бўйича меросни бошқариш ишонч ва восийлик билан боғлиқ операциялар бажарилади. Шундай операцияларга тратта (италиянча утказма вексел) операцияларини ҳам киритиш мумкин. Бу кредиторнинг қарздорга (одатда банкга) ёзма буйруғи. Бу ташки савдодаги ҳисоб – китобларда қулланилиб унда банкнинг учинчи шахс (такдимчи) га ёки траттани тақдим этганга муайян сўммани тўлаш кўрсатилади.

Тижорат банкларининг молиявий хизматлари жумласига лизинг операцияларини ҳам киритиш мумкин.

## **5. Кредитлаш услублари ва турлари (шакллари)**

Кредит соҳасидаги муносабатлар белгиланган маълум тизимга эга бўлади. Банкнинг кредитлаш тизими деганда кредитлаш жараёнини ташкил қилувчи ва уни кредитлаш тамоили бўйича

тартибга солинишини белгиловчи элементлар мажмуаси тушунилади.

Кредитлаш тизимининг ташкилий элементларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- Кредитлаш жараёнида қарз олувчининг ўз маблағларининг қатнашиш тартиби ва даражаси
- Кредитни мақсадга йўналтирилганлиги
- Кредитлаш услублари
- Суда ҳисоб варактарининг шакллари
- Суда қарзини тартиблаш усуллари
- Суда маблағларини мақсадли ва самарали фойдаланилишини ҳамда ўз вақтида қайтарилишини назорат қилиш тартиби ва шакллари

Замонавий кредитлаш тизими давлат томонидан хўжалик органларининг ўз ва қарз маблағлари ўртасидаги нисбат каби меъёрларни белгиламаслиги (илгари қонун билан қатъий чегараланган) билан ҳарактерланади.

Фаолият юритишнинг бундай тижорат асослари хўжаликларнинг ўз маблағларини максимал ишлатишга ва қарз маблағлари олдида тўлиқ масъулиятни сезишга мажбурлайди.

Банк кредитлаш тизимининг асосий элементларидан бири бўлиб кредитлаш усуллари ҳисобланади, чунки улар бу тизимнинг

юқоридаги бир қатор элементлари: ссуда счёти түри, ссуда мажбуриятини тартибга солиш, қарз маблағларини мақсадли ишлатиш ва уларни ўз вақтида қайтариш тартибини ва шаклини назорат қилиш кабиларни белгилаб беради.

Кредитлаш усуллари деганда кредитлаш тамойилларига мос равишида кредитни бериш ва қайтариш услублари тушунилади.

Собик Иттифоқ банк амалиётіда кредитлашнинг 3 усули: қолдиқ буйича, айланма буйича ва айланиш – қолдиқ усуллари буйича кредитлаш тартиби кулланилган.

Қолдиқ усулининг моҳияти кредитнинг ҳаракати кредитланаётган моддий қийматларнинг қолдиқ қиймати билан боғланар эди. Захираларнинг меъеридан ошиши кредитга талабни ошириш, камайиши эса кредитнинг маълум қисмининг қайтарилиши лозимлигини курсатади. Бунда захира ва ҳаражатларнинг меъеридан ортиқ қисми ўз маблағлари билан эмас, балки кредит ҳисобидан қопланар эди.

Айланиш усулида кредитнинг ҳаракати материал қийматларнинг айланиши, яни келиб тушиши ва ишлатилиши билан боғланар эди. Бу усул ёрдамида хўжалик субъектларининг тўлиқ оборотининг ўзлуксизлигига ва қарз олувчини хўжалик оборотида кредитни доимий қатнашувини такозо этар эди.

80 – йилларга келиб фақат айланиш усули бўйича кредитлашга ўтилди.

Замонавий шароитларда баъзи давлат, саноат, транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо ва таъминот ташкилотларини кредитлаш ушбу тартибда амалга оширилмоқда.

Хозирги кунда Ўзбекистонда тижорат банклари янги тижорат тўзилмалари, яни мулкчиликнинг бошқа турига асосланган субъектларга кредит беришда тижорат банкларининг хориж амалиётига таяниб кредитлашнинг янги усулларидан фойдаланилмоқда.

Хорижий банк амалиётіда кредитлашнинг икки усули маълум.

- Биринчиси ҳар бир ссуда индивидуал тартибда кўриб чиқилишидадир. Ссуда маълум максаддаги маблағ эҳтиёжини қондиришга берилади. Ушбу усул аниқ муддатга ссуда ажратиша қулланилади.

- Иккинчи усулда ссуда банк томонидан қарз олувчига олдиндан белгилаб қўйилган лимит бўйича берилади, бунда қарз олувчи унга қўйилган тulos ҳужжатини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

Кредитлашнинг ушбу услуги кредит линияси деб аталади. Очилган кредит линияси кредит ҳисобига барча ҳисоб китоб пул ҳужжатларини банк ва мижоз ўртасидаги шартномага асосан тўлаш бир йилга очилади, аммо кредит линияси ундан қисқа муддатга ҳам очилиши мумкин. Кредит линияси муддати давомида мижоз банк билан қўшимча келишувни истаган вақтида ссуда олиши мумкин.

Аммо банк қарз олувчининг молиявий ҳолатини заифлашганини аниқласа, мижозга белгиланган лимит чегарасида ссуда беришдан бош тортиши мумкин. Кредит линияси одатда молиявий барқарор ва эътиборли мижозларга очилади. Мижоз илтимосига биноан кредитлаш лимити қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Давом эттириладиган ва давом эттирилмайдиган кредит линияларини фарқи шундаки давом эттирилмайдиган кредит линияси очилиб ссуда берилган ва қайтарилигандан кейин мижоз ва банк ўртасидаги алоқалар тутатилади, давом эттирилганда эса кредит линиясида кредит белгиланган лимит асосида автоматик тарзда берилади ва қайтарилиди. Агар банк томонидан мижозга кредит линияси маълум товарларга бир шартнома бўйича бир йил ичida пул тўлаш учун очилган бўлса кредит линияси мақсадли бўлади.

Кредитлаш усули кредит беришда ва қайтаришда ишлатиладиган ссуда ҳисоб варађини шаклини танлаб беради. Банклар кредитлаш операцияларини амалга ошириш учун 2000 йилларни бошида мамлакатда қуидаги ссуда ҳисоб варакларидан фойдаланилган.

1. Алоҳида ссуда ҳисоб варађи
2. Контокоррент ҳисоб варађи
3. Овердрафт ҳисоб варађи

#### 4. Ломбард ҳисоб варађи

«Ўзбекистон Республикаси худудидаги банклар томонидан хўжалик субъектларини қисқа муддатли кредитлашни ташкил этиш тартиби тўћрисидаги Низом»га (Тошкент, 2001 йил) асосан алоҳида ссуда ҳисоб варађи орқали кредитлаш тижорат банклари томонидан «Кредит линияси очиб» ёки «Кредит линияси очмасдан» кредитлаш мумкин.

**Кредит линия очилмасдан** хўжалик субъектларига кредит шартномасига биноан кредитнинг мақсадидан келиб чиқиб товар – моддий қийматлар, бажарилган ишлар ва хизматлар учун тўловлар бўйича амалга оширилади. Бунда банк ҳар сафар толовни кредит шартномасида қайд этилган кредит мақсадидан келиб чиқиб таҳлил килган ҳолда пул утказишга қарор қабул қиласди.

Хўжалик субъектларини алоҳида ссуда ҳисоб варађидан кредит линияси очиб кредитлаш кредит шартномасида олдиндан белгиланган сўмма чегарасида амалга оширилади. Кредитлаш асосий фаолиятга тегишли товар – моддий қийматлар, бажарилган иш ва хизматлар тўлашга мулжалланган.

**Кредит линияси очиб** кредитлашда банк ўзининг вакиллик ҳисоб варађининг ҳолатидан қатъий назар кредит шартномасида кўзда тутилган кредитнинг муддати, микдори ва лимитидан келиб чиқиб сўзсиз кредитлашни амалга ошириш учун кафолат

мажбурияти расмийлаштиради. Кафолат мажбурияти иккى нусхада тузилиб уларни бир нусхаси банк бухгалтериясига берилади.

Кредит линияси очилганда қарз олувчи банкга кредит шартномасида кўрсатилган кредит лимитидан фойдаланмаган қисми учун компенсация тўлайди, кредит фоизини эса унинг фойдаланилган қисми учун тўлайди.

Хар иккала тартибда ҳам кредитни қайтариш кредит шартномасидан келиб чиқиб банк томонидан қуидаги тартибда амалга оширилади:

- Сўндирилиш муддати келган мажбуриятлар бўйича маблағларни мижознинг ҳисоб варағидан ундириб олиш орқали
- Муддатидан олдин қарздорнинг топширигига кўра ҳисоб рақамидаги бўш қолдик маблағларни сураб олиш орқали
- Гаров мулкини гаров хукукларидан фойдаланиб ўзлаштириш орқали

**Контокоррент** ҳисоб варағидан кредитлаш (италиянча Conto corrente – ҳисоб – китобларда ўзаро қарзларни ҳисобга олиш, ягона счёт) молиявий барқарор хўжалик субъектларига амалга оширилади. Ҳисоб варақ кредит шартномасига асосан очилиб мижознинг ягона счёти ҳисобланади. Счёт актив – пассив ҳисобланади. Бунда қарздорнинг асосий депозит счёти билан ссуда счёти бирлаштирилади.

Қарздор контокоррент счётидан кредитлашнинг белгиланган лимити бўйича кредитдан фойдаланади.

Счётдан кредит ҳисобига тўловлар асосий фаолият бўйича товар – моддий қийматлар, бажарилган иш ва хизматлар учун амалга оширилади.

Мехнат хаки, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга ва бошқа тўловлар контокоррент счётининг кредит қолдиғи чегарасида амалга оширилади.

Кредитни қайтариш товар, иш ва хизматлар сотишдан тушумларни контокоррент счётининг кредитига ёзиш билан амалга оширилади.

Кредит бўйича фоизларни ҳисоблаш кредит шартномасида кўзда тутилган муддатларда счётнинг алоҳида дебет ва кредит қолдиғи бўйича амалга оширилади.

- Дебет қолдиғи бўйича мижоз банкга кредит шартномасида кўзда тутилган фоиз ставкаси асосида фоизлар тўлайди.

- Кредит қолдиги бўйича банк кредит шартномаси асосида мижозга фоиз тўлайди.

Контокоррент счётининг ҳаракат муддати 12 ойдан ошмаслиги ва қарздор 12 ой ўтиши билан счёт бўйича кредит қолдиғини таъминлаши лозим. Агар кредитлаш муддати тугаши билан қолдик дебет холида бўлса кредитдан тўлиқ ҳисоблашилмагунгача кредит бериш тухтатилади.

**Овердрафт** (муомила соҳасида, мавсумий, жорий ҳисоб ва рақаси қолдиғидан ортиқ олинган сўмма, банқдан қарзни кўпайиши, лимитланган қарзни ошиши) кредити контокорент кредитининг алоҳида шакли ҳисобланади. Бунда банк қисқа вакт ичидаги мижознинг асосий депозит счётида дебет қолдик бўлишига рухсат этади. Бу счётдан одатда ишончли мижозларга фойдаланишга рухсат этилади.

Овердрафтда ҳам мижознинг асосий фаолияти учун товар моддий қийматлар, бажарилган иш ва хизматларга кредит берилади.

Мехнат хаки, бюджетга ва бошқа туловлар овердрафт счётининг кредит қолдиғи микдорида амалга оширилади.

Овердрафтда қарз ҳисобига ҳамма тушумлар йўналтирилиши туфайли кредит ҳажми маблағларни келиб тушиши билан кредит ҳажми ўзгариб туриши мумкин.

Овердрафтда контокорентдан фарқ қилиб овердрафт шаклидаги қарзга банк ва мижоз ўртасидаги битим расмийлаштирилади. Бунда кредитининг берилиш ва қайтариш шартлари банкга шу счётдаги ошиқча бўлган маблагдан туловни амалга оширмаслик хуқуқини беради.

Овердрафтда ҳар ойни охирига қарздор овердрафт бўйича кредит қолдиқни таъминлаши лозим. Агар мижоз банкда муддатли

депозит счётига эга бўлса депозит маблағлари ҳисобига доимий дебет қолдиғига эга бўлиш имконияти берилади.

Агар мижозни шу банкда муддатли депозит счёти бўлмаса ва ой охирига овердрафт бўйича дебет қолдиғи бўлса уни тўлиқ қоплагунга қадар кредит бериш тухтатилади.

**Ломбард** кредити кимматли қоғозлар гарови билан мижознинг асосий фаолияти учун товар – моддий қийматлар, бажарилган иш ва хизматлар учун алоҳида ссуда счётидан бериладиган қисқа муддатли ссудадир. Ломбард кредити таъминланишига гаров шартномаси асосида давлат кимматли қоғозлари, бошқа эмитентларнинг акция, облигация ва депозит сертификатлари қўйидаги руйхат бўйича қабул қилинади:

Тартиб раками	Кимматли коғозларнинг	Кимматли коғозларнинг	Кимматли коғозларнинг	Унинг номинал киммати	Бозор баҳоси	Гаров қиймати

Ломбард кредитининг ҳарактерли хусусияти бўлиб гаров кимматли қоғозларнинг шартнома тузиш кунига бўлган номинал

қиймати бўйича эмас, балки уларни сотишдаги курс хатарини ҳисобга олиб унинг маълум қисмига баҳоланади.

Шунинг учун ҳам ломбард кредитини беришда банк мижозни молиявий ҳолати ва кредитланиш қобилиятини таҳлил қилиш билан бирга қимматли қођозлар курс даражасини хатари ва сифатини баҳолашга эътибор қаратади.

Шундай қилиб қимматли қођозлар бозорида улар курсидаги ўзгаришларни ҳисобга олиб қимматли қођозлар гаров қиймати улар биржа қийматининг 80 фоизидан ошмаслиги керак, паст котировкадаги қимматли қођозлар гаров қиймати уларни номинал қийматининг 80 фоизидан ошмаслиги керак.

Ломбард кредити 12 ойгача, лекин қимматли қођозлар муомила муддатидан ошмаган ҳолда берилади.

Банклар томонидан чиқарилган қимматли қођозлар гаров сифатида қабул қилиниши мумкин эмас.

Қимматли қођозлар курси кредит шартномасида уларни фонд биржасидаги охирги савдоси бўйича курсатилади.

Давлат қимматли қођозлари юқори рейтинг сифатига эга бўлиб улар бўйича кредитнинг максимал сўммаси уларни гаров қийматининг 90 фоизигача етиши мумкин.

Қимматли қођозлар гаровга қуиилиб кредит шартномаси

тузилгач банк қимматли қођозлар эмитентларини уларни гаровга қуийилганлигини ва улардан тушадиган даромадлар учун депозит счётини хабар қиласи.

Кредитлаш давомида бўлиб ўтган биржа сотувлари натижасида гаровга қуийилган қимматли қођозлар курси пасайса кредит қўмитасининг қарорига кўра қарздорга камайган сўммага кўшимча таъминланиш талаб этилиши ёки кредитнинг миқдори камайтирилиши ва кредитнинг таъминланмаган қисми муддатидан олдин ундириш талаб этилиши мумкин.

Гаровга қуийилган қимматли қођозлар ва улар бўйича даромадлар қарздорга ломбард кредити бўйича барча мажбуриятлар тўлиқ бажарилганда қайтарилади.

Лобард кредити белгиланган муддатда қайтарилмаганда банк гаров бўйича амалдаги қонунлар асосида ўз хуқуқини амалга оширишга киришади.

Бу кредитни афзаллиги ликвидли маблађларга кучли эҳтиёж сезилган тақдирда вақтинчалик қисқа муддатли пулларни юзага келтиради; кредитни амал қилиш муддати унга бўлган заруриятига боѓлиқ равишда ўрнатилиши мумкин; рентабелли қимматли мулклар гаровга қуийилганда уларни сотишга зарурият қолмайди;

гаровга қуйилган буюмга мулкчилик хуқуқи сақланиб қолади; кредит берувчи томон учун афзаллиги.

Ломбард кредити – бу аввало ишончли кредит, яъни кредит тўлови кечикиб қолган тақдирда кредитор гаровни сотади ва тушумдан пулга эга бўлади. Хозирги вақтда ҳам уларнинг айримлари фойдаланишда.

## **6. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамъармалар ва тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби**

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес субъектларининг сони тобора ошиб бормоқда. Жумладан, уларни сони 2002 йилда 239, 5 минг тани ташкил этган бўлса 2005 йилда 310,5 мингтага етди ва унинг салмоҳи жами корхоналарга нисбатан 2005 йилда 94,8 фоизни ташкил этди. Кичик бизнес субъектларида банд бўлганлар салмоҳини 2005 йилда жами бандликка нисбатан 65,8 фоизни, ЯИМ даги салмоҳи эса 38,2 фоизни ташкил этган ва у 2006 йилда 45 фоизга этиши режалаштирилган.

Бу ўзгаришларда кичик бизнес субъектларига берилган кредитларни ўрни катта. Жумладан, тижорат банклари томонидан барча манбалар ҳисобидан кичик тадбиркорлик субъектларига 2000 йилда 96 млрд, сўм, 2001 йилда 205,7 млрд.сўм, 2002 йилда 265

млрд.сўм, 2003 йилда 294 млрд.сўм, 2004 йилда 354 млрд. сўм ва 2005 йилда 419,9 млрд.сўм кредит ажратилган.

Кичик бизнес субъектларига микрокредитлар беришнинг ушбу тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги ПФ – 1987 – сонли «Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни янада рађбатлантириш чора – тадбирлари тўћрисида»ги, 2003 йил 23 декабрдаги ПФ – 3367 – сонли «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қуллаб – қувватлаш механизмини такомиллаштириш тўћрисида»ги фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги 33 – сонли «Аҳолининг ижтимоий химояга муҳтоҷ қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қуллаб – қувватлашнинг 2002 – 2003 йилларга мулжалланган дастурини амалга ошириш чора – тадбирлари тўћрисида»ги қарорига мувофиқ тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини бюджетдан ташқари жамъармалар ҳамда тадбиркорбанкнинг кредит линиялари ҳисобидан кредитлашга асосланади.

Ушбу тартиб буйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қарори билан ушбу ёритилаётган савол номи билан Низом тасдиқланиб Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2006 йил 21 февралда 1548 – сон билан давлат руйхатидан утказилган ва у 2006 йилни 3 мартадан кучга

киритилган. Шунинг учун бу соҳага тегишли бўлган 2001 йил 3 октябрдаги 1074 сонли Низом, унга 2003 йил 25 сентябрдаги 1074 – 1 сонли Низом, (янги таҳтири), 2004 йил 7 апрелдаги 1074 – 2 Низом (қўшимча ва ўзгаришилар), 2004 йил 13 декабрдаги 1074 – 3 сонли Низомга ўзгаришилар ушбу Низомни жорий этилиши туфайли ўз кучини йўқотади.

Шу асосда 2006 йилни 3 мартаңдан жорий этилган янги Низомга кўра:

1. Кичик бизнес субъектларига микрофирмалар, кичик корхоналар, дехқон хўжаликлари ва фермер хўжаликлари киритилади.
2. Бюджетдан ташқари жамғармалар – бу иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамгармаси, Дехқон ва фермер хўжаликларини қуллаб – қувватлаш жамғармаси ҳамда собиқ «Бизнес фонд»га қарашли кредит линияларини Акционер – тижорат «Тадбиркорбанк»га қайтарилиши натижасида шаклланадиган АТ «Тадбиркорбанк» имтиёзли кредит ресурслари.
3. Бюджетдан ташқари жамғарма кредит линияси – бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда Тадбиркорбанк томонидан кичик бизнес субъектларини мақсадли асосда кредитлаш учун тижорат банкларига, уларнинг балансида

унинг сўммасини акс эттирган ҳолда ажратиладиган маблағлар.

Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар қуидаги мақсадларга берилиши мумкин эмас.

- Илгари олинган кредитларни ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтаришга, тамаки ва алкаголли ичимликлар ишлаб чиқаришга, савдо – воситачи корхоналар айланма маблағларини шакллантиришга;
- Савдо объектларини қуришни молиялашга, аҳолига ҳар хил уйинлар кўринишдаги хизматларни кўрсатиш ва улар учун ускуналар сотиб олишга, қимор уйинларини ташкил этишга;
- Ишлаб чиқариш мақсадлари учун ишлатилмайдиган шахсий мулкни сотиб олишга;
- Маъмурий ҳаражатларни тўлашга, шу жумладан, хизмат автомобиллари таъминотига;
- Идора учун мебел сотиб олишга, уяли телефон, пейжер сотиб олишга, алоқа хизматлари учун тўловга.

Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга микрокредитлар фақат янгидан очилган ва давлат рўйхатидан утказилган кундан 6 ойдан ошмаган давр мобайнида кредит олиш учун тегишли хизмат курсатувчи банкка буюртма берган юридик шахс мақомини олиб фаолият курсатаётган дехқон хўжаликлари,

микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг фаолиятини бошлаш учун айланма маблагларни шакллантиришга, инвестиция лойиҳасини техник – иқтисодий асосланишини ишлаб чиқишига, асбоб – ускуналар сотиб олиш учун берилади.

Ушбу микрокредитларни олишда ходимларнинг 50 фоизидан ортиғини ногиронлар, шу жумладан кўзи ожизлар жамияти аъзолари ташкил этган кичик бизнес субъектлари устиворликка эга бўладилар.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги кушма корхоналар устав капитали шакллангандан кейин ташкил этилишлари муносабатлари билан уларга ушбу микрокредитлар берилмайди.

Дастлабки (бошлангич) сармояни шакллантиришга микрокредитлар юридик шахс мақомини олиб фаолият курсатаётган дехқон хўжаликлари ва микрофирмаларга энг кам ойлик иш хақининг 150 баробаригача микдорда ҳамда кичик корхоналар ва фермер хўжаликларига энг кам ойлик иш хақининг 300 баробаригача бўлган микдорда берилади.

Дастлабки (бошлангич) сармояни шакллантиришга микрокредитдан фойдаланганлик учун фоиз микдори Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/6 кисмини ташкил этади.

Бюджетдан ташқари жамгармалар кредит линиялари ҳисобидан дастлабки (бошлангич) сармояни шакллантиришга

кредитлар қайтариш муддатини ўзайтириш хуқуқисиз 3 йилгacha бўлган муддатга берилади.

Дастлабки (бошлангич) сармояни шакллантириш учун берилган микрокредитлар буйича фоизлар ушбу кредитлар берилган кундан бошлаб ҳисобланади ва 12 ой муддат ўтгач ундирилади.

Мазкур микрокредитлар учун ҳисобланган фоизлар дастлабки 12 ой давомида тижорат банклари даромад (фойда) солиги ҳисоблаш базасига киритилмайди.

Иш билан таъминлашга кумаклашувчи давлат жамгармаси кредит линиялари ҳисобидан оиласи тадбиркорлик субъектларига бериладиган микрокредитларни асосий субъекти бўлиб эр – хотиннинг ва уларга қўмаклашадиган оила аъзоларининг шахсий меҳнати ҳисобланади.

Бунда эр – хотиннинг кайсими номига оиласи тадбиркорлик руйхатдан утган бўлса, у оиласи тадбиркорлик номидан ишни олиб боради.

Микрокредит олиш учун аҳолининг ижтиомий химояга мухтоҷ қўйидаги қатламлари устиворликка эга бўладилар:

- кам таъминланган оилалар
- таркибида ногиронлар, шу жумладан кўзи ожизлар жамияти аъзолари, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар билан оѓриган шахслар бўлган оилалар

- таркибда икки ва ундан ортиқ иш билан банд бўлмаган аъзолари мавжуд оилалар

- бокувчини йўқотган оилалар

Оилавий тадбиркорлик субъектларига бериладиган микрокредитлар миқдори энг кам ойлик иш хақининг 150 баробаригача бўлган миқдорни ташкил этади ва улар 2 йилгacha муддатга қайтариш муддатини ўзайтириш хукуқисиз берилади.

Оилавий тадбиркорликни ташкил этиш учун микрокредитлардан фойдаланиш учун фоиз миқдори Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қисмини ташкил этади.

Микрокредитларни қайтариш, 6 ойлик имтиёзли даврни кўзда тутган ҳолда оилавий тадбиркорлик субъекти бошлиги ва тижорат банки уртасида тўзиладиган кредит шартномасида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Бюджетдан ташқари жамгармалар кредит линиялари хисобидан юридик шахс макомига эга бўлмаган якка тартиbdагi тадбиркорлар ва дехқон хўжаликларига 5000 АШШ доллари эквивалентидан ҳамда юридик шахс макомини олиб фаолият курсатаётган тадбиркорлик субъектларига 10000 АКШ доллари эквивалентидан куп бўлган миқдорда кредитлар берилишига йўл қўйилмайди.

Бюджетдан ташқари жамгармалар маблаѓлари ҳисобидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва фаолиятини ривожлантириш мақсадлари учун бериладиган микрокредитлар фоиз ставкаси кредитланаётган инвестиция лойихаларининг йўналишидан келиб чиқкан ҳолда қуйидаги миқдорларда берилади:

- дехқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олиш, фермерлик иншоатларини қуриш, чорвачилик, паррандачиликни ривожлантириш учун микрокредитлар Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 1/3 қисми миқдорида;

- бевосита ишлаб чиқариш соҳаси, яъни маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хомашё ва материалларни тубдан қайта ишлаш, хунармандчиликни ривожлантириш, касаначилик меҳнатини ташкил этиш, бинокорлик материалларини ишлаб чиқариш ва қурилиш мақсадлари учун микрокредитлар Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 40 фоизи миқдорида;

- ахолига тиббий хизмат курсатишни ташкил этиш, ахолига майший хизмат курсатиш, туризм соҳасини ривожлантириш мақсадлари учун микрокредитлар Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 45 фоизи миқдорида:

Дехқон ва фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишга бериладиган микрокредитлар коида тариқасида 2 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Бюджетдан ташқари жамгармалар кредит линиялари хисобидан бериладиган бошқа барча микрокредитлар 3 йилгача бўлган муддатга берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майда «Микрокредитбанк акциядорлик – тижорат банкини ташкил этиш тўјрисида»ги фармони кабўл қилинган бўлиб у кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг, оиласвий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш уринларини яратиш, айниқса, қишлоқ жойларда аҳолини кенг табакаларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун молиявий маблаѓлар беришни янада кенгайтириш мақсадида тўзилган.

Фармонда таъкидланишича:

- Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли микрокредитлар 5 фоиздан юқори бўлмаган энг кам ойлик иш хақининг 200 каррагача бўлган миқдорда 18 ойгача бўлган муддатда
- Кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблаѓларни тўлдиришга энг кам ойлик иш хақининг 500 каррагача бўлган миқдорда 24 ойгача бўлган муддатда
- Кичик бизнес субъектлари учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган ставка буйича энг кам ойлик иш хақининг 200 каррагача бўлган миқдорда 3 йилгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар берилади.

## **7. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солишда кулланиладиган иқтисодий меъёрлар. Банк тизими фаолиятини тартибга солишда қулланиладиган иқтисодий чоралар**

Тижорат банклари учун иқтисодий меъёрларнинг урнатилиши – бу аввало Марказий банк томонидан самарали банк назоратини олиб боришга эришиш, тижорат банклари фаолиятида вужудга келадиган муаммоларни олдиндан аниқлаш ва барқарор банк тизимини яратишда муҳим воситадир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари фаолиятини тартибга солишини ҳалқаро андозларига мос равиша таомиллаштириш ҳамда тижорат банкларининг молиявий ҳолатига реал баҳо беришни 1997 йил 22 августда тасдиқланган 10 – сонли «Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш қоидалари» асосида олиб боради. Бу қоидаларга кўра республика тижорат банклари фаолиятини баҳолашнинг қуидаги меъёрлари тасдиқланган ва улар барча банклар томонидан бажарилиши лозим:

1. Янгидан ташкил этилаётган ва фаолият курсатаётган банкларнинг энг кам устав фонди миқдорини ўрнатиш
2. Капиталнинг етарлилик коэффициенти

3. Банк капитали билан унинг мажбуриятлари ўртасидаги нисбат кўрсаткичлари
4. Банк баланси ликвидлиги кўрсаткичи
5. Бир қарз олувчига тўћри келадиган хатарнинг энг катта ҳажми
6. Барча катта кредитларга тўћри келадиган хатарнинг энг юқори ҳажми
7. Бир омонатчига тўћри келадиган хатарнинг энг катта миқдори
8. Қимматли қоћозлар бўйича операцияларда ўз маблађларидан фойдаланиш кўрсаткичи
9. Даҳлор шахслар билан иш олиб бориш

Янгидан ташкил этилаётган банклар учун устав фондининг энг кам миқдори 2000 йилни 1 январидан Тошкент шахри учун 2 млн. экю, вилоятлар ва қишлоқ туманларида жойлашган тижорат банклари учун 1 млн экю миқдорида белгиланган. Бундан ташқари ушбу мавзунинг биринчи саволида қайд этилганидек 2002 йилнинг бошидан аҳолиси 0,5 млн кишидан кўп бўлган шаҳарларда 2,5 млн АШ долларида, аҳолиси 0,5 млн кишидан кам бўлган шаҳарларда 1,25 АШ доллари, чет эл капитали иштирокидаги банклар бўйича

5 млн АШ доллари, хусусий банклар учун 1,25 млн АШ долларидан кам бўлмаслиги керак.

Мавзунинг биринчи саволида таъкидланганидек бу меъёрлар 2007 йилни биринчи январида янги ташкил этилаётган тижорат банклар устав капитали бўйича 5 млн АШ долларини, хусусий банклар устав капитали бўйича 2,5 млн доллардан кам бўлмаган миқдорга етказиш кўзда тутилган.

Капиталнинг етарлилик коэффиценти қўйидагicha аниқланади:

$$M_1 = \frac{K}{A_x}$$

бунда К – банк капитали;  $A_x$  – хатарни хисобга олиб чамаланган банк активлари

Банк капитали асосий икки қисмдан – асосий ва қўшимча капиталдан иборат. Бунда асосий капитални умумий капиталдаги салмоги 50 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Банк капитали ўзининг хатар даражасига кўра бўлинади:

1. Хатардан холи бўлган активлар
2. Минимал хатарли активлар
3. Юқори хатарли активлар
4. Максимал хатарга эга бўлган активлар

Мазкур коэффицентнинг минимал миқдори 0,08 га teng бўлиши керак.

Банк капитали билан унинг мажбуриятлари ўртасидаги нисбат курсаткичи қўйидагича аниқланади:

$$M_2 = \frac{K}{M}$$

Бунда М – банк мажбуриятлари

Бу курсаткич банк мажбуриятларини ўз капитали билан таъминланганлигини кўрсатади ва унинг энг юқори миқдори 0,05 га тенг.

Тижорат банклари учун қўйидаги ликвидлик коэффицентлари белгиланган (банк ликвидлиги деб ўз активларини накд пул сифатида ишлатиш ёки уларнинг номинал қийматини сақлаб қолган холда тезда пул маблағларига айлантириш йўли билан мавжуд молиявий мажбуриятларини қоплай олиш қобилиятига айтилади):

а) Лахзали ликвидлик коэффиценти ва у қўйидаги нисбат бўйича аниқланади:

$$M_3 = \frac{LA}{BM}$$

Бунда: LA – банкнинг пул шаклидаги активлари

BM – банкнинг муддатсиз депозит ҳисоб варагларига доир мажбуриятлари

Бу меъёр банкнинг омонатчилари олдидағи мажбуриятларини шу лахзада бажара олиш қобилиятини англатади ва уни Марказий банк томонидан кунлик баланс асосида тезкор

тарзда назорат қилиб борилади. Бу коэффицентнинг минимал миқдори 0,25 дан кам бўлмаслиги керак.

б) Жорий ликвидлик коэффиценти ликвид шаклдаги банк активларининг талаб қилиб олингунга қадар бўлган ҳисоб вараглари бўйича ва муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар нисбати сифатида аниқланади:

$$M_4 = \frac{LA(1)}{BM(1)}$$

Бунда: LA (1) – қайтариш муддати 30 кунгача муддатда берилган банкнинг ликвид активлари ва кредитлар

BM (1) – қайтариш муддати 30 кунгача бўлган йўклаб олингунгача турадиган мажбуриятлари

Бу коэффицентнинг минимал миқдори 0,3 га тенг

в) Киска муддатли ликвидлик коэффиценти банкнинг қайтариш муддати 30 кундан 1 йилгacha бўлган депозитлар, олинган кредитлари ва бошқа қарз мажбуриятларига нисбати тарзда аниқланади.

$$M_5 = \frac{A}{D + K}$$

Бунда A – 30 кундан 1 йилгacha бўлган банк активлари

D – муддати 30 кундан бир йилгacha бўлган жалб қилинган депозитлар ва жалб қилинган ресурслар

Бу курсаткичининг хажми 1 – га тенг бўлиши керак.

Бир қарз олувчига тўғри келадиган хатарни энг катта ҳажми

қуидагича аниқланади.

$$M_6 = \frac{\bar{Y}K}{K}$$

Бунда ЙК – банк хатарининг бир қарз олувчига тўғри келадиган сўммаси қўшилган депозитлардан ташқари 75 фоиз балансдан ташқари мажбуриятлар. Бу давлат кафолатланган кредитларига тегишли эмас.

Бу меъёрнинг юқори чегараси 0,25 га тенг.

Барча катта кредитларга тўғри келадиган хатарнинг энг юқори ҳажми қуидагича аниқланади:

$$M_7 = \frac{\bar{Y}KC}{K}$$

Бунда: ЖЙКС – жами йирик кредитлар сўммаси

Умуман бир қарз олувчига берилган кредитлар қўшилган шу қарз олувчига нисбатан берган, банк капиталидан 15 фоиз ортиқ бўлган балансдан ташқари мажбуриятлар сўммасининг 75 фоиз жамланган қарз катта кредит ҳисобланади. Банк учун катта кредит тоифага кирадиган ва бир қарз олувчига бериладиган кредитлар сўммасини шу қарз олувчининг ўз маблағлари сўммасидан оширмаслик тавсия этилади.

Бу меъёр банк капиталининг 5 баробаридан ошмаслиги керак.

Бир омонатчига (кредиторга) тўғри келадиган хатарнинг энг

юқори меъёри олинган кредит ёки омонатнинг энг юқори микдори ва битта депозиторнинг депозит ҳисоб варағидаги қолдиқ қийматини банкнинг ўз маблағлари микдорига нисбати билан аниқланади.

$$M_8 = \frac{O}{K}$$

Бунда О – олинган кредит ёки омонатнинг энг юқори микдори ва битта омонатчининг ҳисоб рақамидаги, жорий рақамидаги ва қимматли қоғозлар бўйича операциялар қолдиқлари.

Ушбу меъёр учун ўрнатилган энг юқори микдор 1999 йилнинг 1 январидан 2000 йилни 1 январигача – 0,50. Демак бу ҳар йилга алоҳида белгиланади.

Қимматли қоғозлар билан бўлган операцияларда ўз маблағидан фойдаланиш кўрсаткичи банкнинг олди – сотти учун ҳарид қилган нодавлат қимматли қоғозлари микдорини ўз маблағларига нисбати билан белгиланади.

$$M_9 = \frac{KK}{AK}$$

Бунда: КК – олди – сотти мақсадида қимматли қоғозларни сотиб олишга йўналтирилган банкнинг ўз маблағлари

#### АК – акционер капитали

Банкнинг бошқа банклар, корхоналар, ташкилотлар устав фондига қуядиган жами инвестиция сўммаси миқдорининг улуши банк капиталининг 20 фоизидан, Устав фондининг 10 фоизидан оширмаслик тавсия этилади.

Мазкур меъёр учун белгиланган миқдор 0,5 га тенг

Банкнинг асосий акциядорлари, унинг раҳбарлари, ходимлари ва улар билан боғлиқ шахслар банк хизматларидан имтиёзли асосда фойдаланмасликлари ва амалдаги қонунларга риоя қилишлари талабларидан келиб чиқиб даҳлор шахслар курсаткичи мавжуд.

Кенгрок маънода шундай шахсларга киритилади:

- банк кенгаши, банк бошқаруви, тафтиш комиссияси таркибиға кирган барча шахслар, шунингдек уларнинг яқин қариндошлари
- банк устав фондининг 10 фоизидан кўпроқ қисмига эга бўлган ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар, шу юридик шахсларнинг ҳар қандай раҳбарлари, шунингдек уларнинг яқин қариндошлари
- қонунга кўра банк фаолиятини назорат қилувчи юридик шахслар ва уларнинг бошқарувчилари

Уларга имтиёзли шароит яратмаслик керак деганда:

- бошқа мижозлардан талаб қилинадиганидан кам ҳажмда фоизлар, бадаллар, бошқа туловларни ундириш ёки таъминотни кам кабўл қилиш
- кредитни қайтариш муддатини етарли асосларсиз ўзгартириш
- ўз табиатига, мақсадига ва йул қуйиладиган хатарга кўра банк даҳлор бўлмаган мижозлар билан тўзмайдиган битимларни тўзиш.

Тижорат банклари томонидан уларнинг фаолиятининг дастлабки икки йили мобайнида даҳлор шахсларга кредит бериш тақиқланади.

$$M_{10} = \frac{KCx100}{AK}$$

Бунда: КС – битта даҳлор шахсга берилган кредит миқдори

Бу курсаткич банк капиталининг 15 фоизидан ошмаслиги керак.

Банк барча даҳлор шахсларга берадиган кредитларнинг умумий сўммаси банк устав фондининг 100 фоизидан ошмаслиги керак.

$$M_{11} = \frac{\mathcal{ЖКМ}}{AK}$$

Бунда: ЖКМ – даҳлор шахсларга берилган жами кредитлар миқдори.

Юқорида келтирилган иқтисодий меъёрларга амал қилмаган банкларга Марказий банк тегишли қонун хужжатлари асосида қуидаги жазо чораларини қуллайди:

- Иқтисодий меъёрларни ўзгартириш
- Мажбурий резерв фондини ошириш
- Айрим банк операцияларини амалга оширишни таъкиқлаш
- Хиссадорларга дивидендлар тўлашни тухтатиб қўйиш
- Банк устидан васийлик ўрнатиш
- Энг охирги чора уларга берилган лицензияларни қайтариб олиш

Шу каби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисоб варакларидан нақд пул тўловларини ўзлуксиз таъминлаш кафолатлари тў Ѣрисида»ги карорига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг иш якунларини кўриб чиқиш вактида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга банкларнинг депозит ҳисоб варакларидан нақд пулларни кечиктирмай тўлаш борасида ўрнатилган тартиб бир неча марта (ойига 3 мартадан кўпроқ) бўзилган тақдирда тижорат банклари худудий бўлимлари ва филиалларининг раҳбарлари эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниши, нақд пул маблаѓлари беришни мунтазам кечиктириш холлари мавжуд бўлганида тижорат банкларига нисбатан қаттиқ жавобгарлик чоралари, хатто банк операцияларини амалга ошириш

хуқуқини берадиган лицензияни қайтариб олиш чоралари қулланилиши белгиланган.

### **Мавзуни мустақил ўзлаштириш буйича саволлар**

1. Тижорат банклари ташкил этилишининг хуқуқий асослари нималар?
2. Тижорат банклари устав фонди миқдорига қандай талаблар қуилган?
3. Тижорат банклари фаолияти қандай тамойилларга асосланади?
4. Тижорат банклари фаолияти қандай функцияларга асосланади?
5. Қандай операциялар тижорат банкларнинг пассив операциялари ҳисобланади?
6. Тижорат банкларининг актив операцияларига қандай операциялар киради?
7. Тижорат банкларнинг кредитлаш жараёни қандай босқичларни ўз ичига олади?
8. Тижорат банкларининг депозит операцияларига қандай операциялар киради?

9. Тижорат банкларининг нодепозит операцияларига қандай операциялар киради?
10. Қандай операциялар тижорат банкларининг хизмат ва воситачилик операциялари ҳисобланади?
11. Тижорат банкларининг қандай кредитлаш услуглари мавжуд?
12. Тижорат банклари томонидан кредитлашнинг қандай турлари (шакллари) мавжуд?
13. Кредитлаш буйича қандай ссуда ҳисоб вараклари мавжуд?
14. Иқтисодий тараккиётда кичик бизнес субъектларининг аҳамияти ва ўрни нимада?
15. Кичик бизнес субъектларини микрокредит беришнинг хукуқий асослари нимада?
16. Бюджетдан ташқари жамғармаларга нималар киради?
17. Бюджетдан ташқари жамғарма кредит линияси маблағларига қандай маблағлар киради?
18. Дастлабки сармояни шакллантиришга қандай тартибда микрокредитлар берилади?
19. Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси кредит линияларидан фойдаланиш тартиби қандай?
20. Оиласвий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар қандай тартибда берилади?
21. Кичик бизнес субъектларини микрокредитлар билан таъминлашда «Микрокредитбанк» акциядорлик – тижорат банкларининг ўрни?
22. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш қандай иқтисодий меъёрларга асосланади?
23. Банк тизими фаолиятини тартибга солиша қандай иқтисодий чоралар қўлланилади?

## **9 – Мавзу: Банкларнинг инвестицион фаолияти ва банклар фаолияти барқарорлигини таъминлаш**

### **Режа:**

1. Инвестициялар ва уларни иқтисодиётдаги ўрни
2. Банкларнинг инвестицион сиёсати. Банкларни кимматли қоҳозлар билан боғлиқ операциялари
3. Банк тизими барқарорлиги ва банкларни тўлов қобилиятини таъминлаш йўллари
4. Банк ликвидлиги ва уни таъминлаш йўллари. Банклар фаолиятига таъсир қилувчи омиллар.

### **Таянч тушунчалар:**

Инвестиция ва капитал қўйилма тушунчалари. Инвестициянинг иқтисодиётдаги ўрни. Реал, молиявий ва интеллектуал инвестиция. Ички ва ташки инвестиция. Банкларнинг инвестицион сиёсати. Банкларни қимматли қоҳозлар билан боҳлиқ операциялари. Банк тизими барқарорлиги. Банкларни тўлов қобилияти ва уни таъминлаш йўллари. Ретроспектив ва Перспектив тахлил. Банк ликвидлиги ва уни таъминловчи омиллар. Банк фаолиятига таъсир этувчи омиллар. Банк фойдаси ва унга таъсир этувчи омиллар.

**Адабиётлар:** 2, 9, 12, 23, 24, 36, 43, 44, 45, 47<sup>6</sup>

## 1. Инвестиция ва уларни иқтисодиётдаги ўрни

Бозор иқтисодиёти шароитида кенгайтирилган ишлаб чиқариш объектив зарурият ҳисобланади. Халқ хўжалигига қилинаётган капитал сарфлар кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариши таъминлашнинг асосий манбаи ва уни юқори суръатларда амалга оширишнинг асоси ҳисобланади. Бу мамлакатимиз иқтисодиётига кейинги йилларда сарфланган инвестиция маблаҳлари ҳажмидан ҳам кўринади. Агар мамлакат иқтисодиётига инвестиция 2001 йилда 1320,9 млрд сўмни ташкил

этган бўлса бу кўрсаткич 2002 йилда 1442,4 млрд сўмни, 2003 йилда 1867,4 млрд сўмни, 2004 йилда 2473,2 млрд ва 2005 йилда 2873,3 млрд. сўмни ташкил этди. 2004 йилдаги инвестициянинг 1586,1 млрд.сўмни ишлаб чиқариш объектларига, қолган 867,1 млрд сўмни ноишлаб чиқариш объективларига сарфланган.

Ривожланган мамлакатларда инвестиция ресурсларининг катта улиши корхоналар маблаҳларига тўћри келади. Республикаизда ҳам ушбу ҳолат эътиборга олинган ҳолда инвестиция манбалари таркибида корхоналар маблаҳларининг улуши 2001 йилдаги 31 фоиздан 2004 йилда 43,2 фоизга етди, давлат бюджети маблаҳлари эса шу даврда 21,5 фоиздан 14,9 фоизга тушди. Шу каби 2004 йилда инвестиция манбалари таркибида аҳолининг маблаҳлари 12,4 фоизни, тўћридан – тўћри чет эл инвестициялари 10 фоизни, хукумат кафолати билан чет эл инвестициялар 4,5 фоизни, тижорат банклари кредитлари 2,3 фоизни, бюджетдан ташқари фондлар 2,4 фоизни ташкил этади.

Республикаизда 2005, 2006 йилларда инвестиция дастурини асосий курсаткичлари куйидагича:

Кўрсаткичлар	2005 йил		2006
	млрд.сўм	фоиз	млрд.сўм
Капитал куйилмаларнинг уму-мий ҳажми	2873,3	100	3533,1
Шу жумладан:			
1. Марказлаштирилган инвести-			

циялар	862,4	30,0	1065,2	30,0	Инвестиция асосий воситаларни ташкил этиш, кенгайтириш
Шундан хукумат кафолати остида бериладиган инвестиция ва кредитлар	383,7	44,0	440,7	41,0	ва қайта қуришдан ташқари унга тегишли айланма маблағлар,
2. Марказлаштирилмаган инвестициялар	2010,5	70,0	2467,9	70,0	акциялар, облигация ва бошқа молиявий объектлар, шунингдек
Шундан хорижий инвести-циялар ва кредитлар	265,0	28,0	666,4	27,0	кимматли қоғозлар, мулкдан фойдаланиш ва эгалик қилиш
					хукуқлари, илмий – техника маҳсулотлари, «НОУ – ХОУ», кадрлар тайёрлаш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Жадвал маълумотларига кўра республикамизда 2005 йилда жами инвестицияларнинг 862,4 млрд сўми ёки 30 % и марказлаштирилган инвестицияларни, 2010,5 млрд сўми ёки 70 фози марказлаштирилмаган инвестицияларни ташкил этади. Марказлаштирилмаган инвестицияларнинг 28 фоизини хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил этади. Бу курсаткичлар 2006 йил режасига кўра тегишли нисбатлар сақлангани ҳолда янада ортади.

Шу тариқа мамлакат иқтисодиётiga мулжалланган инвестициялар ҳажмини йилдан – йилга ошиб бориши иқтисодиётини жадал суръатлар билан ривожланишининг асосий омилларидан ҳисобланади.

Адабиётларда бир – бирига яқин бўлган инвестиция ва капитал қўйма тушунчалари мавжуд бўлиб улар ўртасида маълум фарқлар ҳам мавжуд.

Капитал қўйилма – бу асосий воситаларни янгидан ташкил этиш, мавжудларини кенгайтириш ва қайта кўриш билан боғлиқ бўлган харажатлардир.

Юқоридаги инвестициянинг таърифидан келиб чиқиб айрим муаллифларни уни факат кимматли қоғозларга тегишли эканлигига қўшилиб бўлмайди. Жумладан, Ш.З. Абдуллаеванинг фикрича (Пул, кредит ва банклар. Тошкент, 2000 йил, 228 бет), «Инвестиция – бу хусусий, давлат корхоналари ва ташкилотлари кимматли қоғозларига узоқ муддатга қўйилган маблағлардир».

Ушбу таъриф маълум даражада молиявий инвестицияга тўғри келади. Маълумки, инвестициялар қимматли қоғозлардан ташқари бошқа маблағларни ҳам ўз ичига олади.

Асосий воситалар ва айланма маблағларга инвесторлар куядиган барча турдаги маблағлар реал инвестиция дейилади.

Жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида илмий – техник тараққиёти жадаллашган ҳозирги даврда интеллектуал (ижодий ақлий меҳнат маҳсали – ақлий мулк) потенциал иқтисодиётнинг энг фаол элементи бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам кейинги

йилларда мамлакатимизда ҳам кадрлар тайёрлаш, илмий тадқиқот ва умумий таълим соҳаларига сарфланаётган инвестициялар ошиб бормоқда.

Инвестициялар ички ва ташқи инвестицияларга ҳам бўлинади. Республикаизга юқорида таъкидланганидек чет эл инвестицияларини киритиш иқтисодиётни соҳломлаштириш, ижтимоий кескинликни бартараф этиш, миллий иқтисодиётни тартибга солиш, қайта қуриш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни устирган холда экспорт имкониятини ошириш муаммоларини ҳал этишда ижобий рол уйнайди.

## **2. Банкларнинг инвестицион сиёсати. Банкларни қимматли қоҳозлар билан боғлиқ операциялари.**

Тижорат банклари томонидан инвестицион фаолият олиб боришдан асосий мақсад уларнинг даромадлилиги ва ликвидлигини таъминлашдан иборат. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида тижорат банкларининг инвестицион сиёсати банк фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади ва банкларнинг ликвидлигини таъминлайди.

Банклар инвестицион фаолиятининг асосий қисмини қимматли қоҳозлар ташкил этиб бунда банк турли эмитентлардан қимматли қоҳозларни сотиб олади ва банкнинг қимматли қоҳозлар

портфелини вужудга келтиради. Банк томонидан қимматли қоҳозларни харид қилинишидан мақсад – бу қимматли қоҳозларни кейинчалик қайта сотиш ёки капитални узок муддатга қўйиш йўли билан фойда олишдан иборат.

Банклар тизимида инвестиция сиёсати – тижорат банклари фаолиятининг бир йўналиши бўлиб, у маълум хатар даражасига асосланган банкнинг қимматли қоҳозлар билан актив операцияларини ўз ичига олади ва банк фаолиятининг даромадлилиги ва ликвидлигини таъминлашга қаратилган бўлади.

Инвестиция фаолиятининг тамойиллари ва қимматлиги қоҳозларга маблаѓларни қўйишни асосий омиллари – даромадлилик, ликвидлик ва хатар – орасидаги боғликлардан келиб чиқсан холда ҳар бир тижорат банки юқоридаги омиллар таъсирини англаган ёки англамаган холда ёки бу инвестиция сиёсатини яхши ёки ёмон амалга оширади. Бу ўз навбатида банкнинг инвестиция сиёсатида банк томонидан маълум даражадаги инвестиция хатарига боришни билдиради ва тижорат банкларининг инвестиция сиёсатида тегишли чоралар ишлаб чикиш зарурлигини англатади.

Инвестиция билан боғлиқ хатарларни камайтириш усусларидан бири бу банкларнинг инвестиция портфелини диверсификация қилишdir. Бу банкнинг инвестиция портфелида

турли хил кўпдан – кўп қимматли қоѓозларнинг мавжудлигига эришишни билдиради.

Тижорат банкларининг қимматли қоѓозлар портфелини диверсификация қилишнинг қимматли қоѓозларни турлари, тўлов муддати бўйича диверсификация қилиш ҳамда уларни эмитентлари бўйича диверсификация қилиш каби турлари мавжуд.

Шимматли қоѓозларни географик тарқалишига нисбатан диверсификация мақсади – тегишли минтақаларда иқтисодий қийинчиликлар рўй берганда юзага келадиган хатарларни камайтириш.

Шимматли қоѓозларни тўлаш муддати бўйича диверсификациядан максад – фоиз ставкаларини тебраниши билан боѓлиқ хатарларни олдини олиш.

Жаҳон амалиётида тижорат банклари ўз инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун бошқариш таркибида маҳсус инвестиция бўлимларини ташкил қилишади.

Банкларнинг қимматли қоѓозлар бўйича операцияларининг турлари:

1. Шимматли қоѓозларни кредитнинг таъминланганлиги учун қабул қилиш йўли билан ссудалар бериш

2. Шимматли қоѓозларни банк томонидан ўз хисобига сотиб олиш йўли йўли билан операциялар ўтказиш.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг қимматли қоѓозлар билан боѓлиқ операцияларини хатар даражасига кўра қўйидагича гурухланади:

1. Давлатнинг қисқа муддатли облигацияларига қилинган инвестициялар. Бу операцияларнинг хатар даражаси паст бўлиб улар банкка қатъий белгиланган фоиз кўринишида барқарор даромад келтиради. Банкларнинг ушбу қимматли қоѓозлардан оладиган даромадлари соликка тортилмайди.

2. Тижорат қимматли қоѓозларига қилинган инвестициялар.

Бу шаклдаги инвестицияларнинг хатар даражаси юкори бўлиб бунда қимматли қоѓозларнинг бозор баҳосининг ўзгариши ва эмитентларнинг тўловга қобиллиги кафолатланмаган.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки банклар қўйидаги шартлар бажарилгандагина қимматли қоѓозларга қуйилмаларни амалга оширишлари мумкин:

а) банкнинг бир корхона устав капиталига, шунингдек ушбу корхонанинг бошқа қимматли қоѓозларига қилган қуйилмаси микдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 15 фоизидан ошмаслиги керак.

б) банкнинг барча эмитентлар устав капиталига ва бошқа қимматли қоғозларига қилинган инвестициялари миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 15 фоизидан ошмаслиги керак.

в) Олди – сотти учун нодавлат қимматли қоғозларига қилинган банк қўйилмаси миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги керак.

г) Банк исталган корхона (молиявий институтлардан ташкари) устав капиталининг 20 фоизидан ортигига тўјридан – тўјри ёки билвосита (шуъба корхоналари орқали) эгалик қилиши мумкин эмас.

Гаров хуқуқларини амалга ошириш натижасида қимматли қоғозлар олинган ҳолда банк бир ой муддатда олинган қимматли қоғозларни сотиши шарт.

### **3. Банк тизими барқарорлиги ва банкларни тўлов қобилиятини таъминлаш йўллари.**

Банкларнинг ликвидлиги ҳамда тўловга қобилиятлилиги банкларнинг умумий молиявий барқарорлигини таъминлашга асос ҳисобланади. Банкнинг молиявий барқарорлигига турли ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатади. Бу омиллар ичida банкнинг молиявий бозордаги рақобатдошлиги, доимий мижозларнинг

мавжудлиги ва банк амалиётини утказиш ҳамда ҳисобини расмийлаштиришда илғор технологияларни қўллаш омиллари муҳим ўрин тутади. Банкнинг ички барқарорлиги бу тижорат банк фаолиятининг барқарор, юқори натижаларини таъминловчи пассивлар ва активлар таркибининг ҳолати ва молиявий натижалар динамикасидир.

Тижорат банкига нисбатан ташқи барқарорлик, ушбу банк фаолият курсатаётган иқтисодий муҳит барқарорлиги билан белгиланади. Ташки барқарорликка бутун мамлакат миқъёсидаги бозор иқтисодиётига хос бўлган бошқариш тизими орқали эришилади.

Банкнинг молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш қўйидаги асосий йўналишларда олиб борилади.

1. Ретроспектив таҳлил. Бунда Марказий банк тамонидан банклар учун ўрнатилган иқтисодий меъёрларга тижорат банклари тамонидан риоя қилинишининг назорат қилишга асосланган молиявий барқарорликнинг асосий кўрсаткичлари ва белгиларини таҳлил қилишни ўз ичига олади. Бу йуналишда ликвидлик, фойдалилик, активлар сифати, капиталнинг етарлиги ва бошқалар таҳлил қилинади.
2. Перспектив таҳлил. Бу йуналишнинг мақсади тижорат банки фаолияти самарадорлигини прогнозлаш ҳисобланади.

Банк ликвидлигини таъминловчи омиллардан бири банк томонидан

қарз олиш, ўз активларини сотиш йўли билан ёки ўз мажбуриятларини бажариш учун маблаѓ топа олиш имконини берадиган пул бозорининг мавжудлигидир.

Тўловга қобилиятсизлик маълум бир санага белгиланган мажбуриятларни қоплай ва тўлай олиш қобилиятини билдиради. Шуни таъкидлаш лозимки ликвидлиги бўлмаган банк тўловга лаёкатли бўла олмайди. Амалда айнан ликвидлик тўловга қобилиятсизликнинг асосий сабаби бўлиб, уларни банкрот ва банк тизимининг берқарорлигига олиб келиши мумкин.

Банкларнинг ликвидлиги ҳамда тўлов қобилиятилиги банкларнинг умумий молиявий берқарорлигини таъминлашга асос ҳисобланади.

#### **Ўзбекистон банк тизимининг ликвидликни таъминлашни энг**

оддий усули банкнинг бир қисм активларини ликвид шаклда. Масалан, нақд пул, Марказий банк ва бошқа банклар вакиллик ҳисоб варактаридағи қолдиқлар, давлатнинг қисқа муддатли облигациялари шаклида сақлаш ҳисобланади.

Банклар зурур бўлганда ёки моявий бозорда қарз олиш ёки банклараро кредитлар олиш ҳисобига ликвидликни таъминлаши мумкин .

Банк ликвидлигини таъминловчи омиллардан бири банк пассивларининг сифатидир. **Е**з ва жалб қилинган маблаѓлар нисбати банкнинг ишончлигиги ва фаолияти ривожланишининг истиқболини характерлайди. Жалб қилинган маблаѓлар оқимининг барқарорлиги ликвидлик муаммосини ҳосил қиласдан туриб қисқа муддатли ресурсларни узоқ муддатли қуйилмаларга йўналтириш имкониятини беради.

Банк ликвидлигини таъминловчи омиллардан бири банк томонидан қарз олиш, ўз активларни сотиш йўли билан ёки ўз мажбуриятларини бажариш учун маблаѓ топа олиш имконини берадиган пул бозорини мавжудлигидир.

Банклар молиявий берқарорлигини яна бир омили бу банк фаолиятининг фаолиятининг фойдалилигидир. Фойда олиш-банк фаолияти кўламини кенгайтириш манбаларидан биридир.

#### **4. Банк ликвидлиги ва уни таъминлаш йўллари.**

##### **Банклар фаолиятига таъсир қилувчи омиллар.**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги**

«Бозор ислоҳатларини чукурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устивор йўналишлар амалга

оширилишини жадаллаштириш чора тадбирлари тугрисида» ги фармонига мувофиқ мамлакатимизда бозор ислоҳатларии чукурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнларнинг амалга оширилишида молиявий жиҳатдан барқарор ва иқтисодий жиҳатдан курдатли бўлган тижорат банкларнинг роли каттадир.

Ез навбатида тижорат банклари молиявий барқарор хамда иқтисодий қурдатга эга бўлиши учун унинг фаолият натижалари самарали бўлмоғи лозим. Шу сабабли тижорат бинклари фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омилларни доимо таҳлил қилиб бориш муҳим ҳисобланади.

Тижорат банкларнинг молиявий холатига баҳо беришда уларнинг фойдалилиги, ликвидлиги ва тўловга қобилиятлигига эътибор қаратилади. Айнан шу омиллар банкнинг молиявий ҳолати қандай даражада эканлигини белгилайди. Банкларнинг ликвидлиги ва туловга қобилиятлилиги нафқат битта банк ёки банк тизимининг мувозанатлигини, балки бутун бир иқтисодиётнинг мувозанатини таъминлайди. Банк фаолияти тизимида энг аввало банкларнинг ликвидлиги ва тўловга қобилиятлиги аҳамиятли ҳисобланади, чунки фойдалилик фақатгина банкнинг ўз манфаатини ифодаласа, ликвидлик ва тўловга қобилиятлилик жамиятнинг кенг қатлами манфаатларини ифодалайди.

Банк лидвидлиги деб активларнинг нақд пул сифатида ишлатиш ёки уларнинг номинал қийматини сақлаб қолган ҳолда тезда пул маблағларига айлантириш йўли билан мавжуд молиявий мажбуриятларни қоплай олиш қобилиятига айтилади.

Агар банкнинг нақд пуллари ва ликвид активларининг ийғиндиси унинг

қарзи ва молиявий мажбуриятларини қоплаш учун етарли бўлса банк фаолияти ликвид ҳисобланади.

Банк ликвидлигига эришиш учун;

- Тижорат банкининг маълум вақт мобайнидаги активлари таркибини такомиллаштириш йўли билан. Бунда айрим активларнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ва хавф-хатарлигини аниқлаш; активлар сифатини улар даромадлилиги, ликвидлиги, диверсификация қилинганлигига эътиборни қаратган ҳолда.

- Тижорат банкининг маълум вақт мобайнида юзага келган ноқулай тушиб кетишдан актив ва пассивларнинг мос моддаларини қўшимча заём маблағларини жалб қилиш ва банк молиявий барқарорлигини даромадларини устириш йўли билан.

- Банк фаолиятини таҳлил қилиш, устав, маҳсус фондлар ва заҳиралар жалб қилинган маблағлар, актив кредит

операцияларини амалга оширишни таҳлил қилишда илмий асосоланган иқтисодий сиёсат олиб бориш орқали.

Умуман олганда хар бир тижорат банки уз лидвиллиги ни саклаш учун бутун чоралар билан харакат қилиши лозим.

Умумий лидвилликни баҳолашда тижорат банклари асосий ликвидлик, жорий ликвидлик ва истиқболли лидвилликни бир тизимда таҳлил қилишлари лозим.

Республикамизнинг йирик акциядорлик-тижорат Пахта банки ўз фаолиятида ички манфаатларни ҳисобга олган ҳолда қуидагиларни амалга оширмоқда.

- Щуйилмалардан юкори даражада максимал фойда олиш;
- Кредит портфелини бошқаришнинг мақбул даражасига эришиш;
- Ликвидлик ва тўловга лаёқатликнинг зурур бўлган даражасини таъминлаб туриш;
- Ёсишнинг замини ва захирасини яратиш;

Банк ташки манфатларини ҳисобга олган ҳолда;

- Мамлакатда иқтисодий ва сиёсий барқарорликни қуллаб қувватлаш;
- Ислоҳатлар курсини амалга ошириш;
- Тадбиркорликни ривожлантириш;
- Тўлов интизомини мустаҳкамлаш;

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларининг фаолияти фойда олишга йўналтирилган, чунки тижорат банкларнинг фойдаси банк капитали тўпланишининг ва ривожланишининг асосий манбаи ҳисобланади.

Банк фойдасининг ошиб боришига банкнинг рентабеллиги, вақтинча бўш

маблағларнинг самарали ишлатилиши, турли хил хизматларни кўрсатиш доирасини кенгайтириш, фойда келтирмайдиган активларни камайтириш, фойда келтирувчи активларни кўпайтириш ва бошқа омиллар таъсир этади.

Тижорат банклари фойдасини камайишига қуидаги омиллар таъсир этади.

- Баланснинг ноликвидлиги, бунда ликвидлик камомадини тўлдириш учун қўшимча кредит ресурсларини жалб қилиш зарурияти туѓилади.
- Депозитларнинг барқарор эмаслиги.
- Инфляциянинг усиши ва у орқали тартибга солувчи талаблар, жумладан, юқори мажбурий захиралар талаби таъсири остида бўлган фоиз даражасининг пастлиги.
- Даромад келтирувчи активларнинг нокулай таркиби, жумладан кам

даромад келтирувчи кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар, фоизсиз ссудалар салмоғининг юқорилиги ва тўловли пассивлар.

- Фоизсиз даромадлар ва фоизсиз харажатларнинг салбий нисбати.
- Маъмурий хўжалик харажатларининг мақсадга мувофиқ бўлмаган юқори даражаси
- Кредит портфелида муддати утган кредитлар салмогининг юқорилиги ва берилган кредитларнинг фойдаланиш хамда кайтарилиш муддатларини узайтириш билан боғлиқ йўқотишлар.
- Щимматли қоғозлар қийматининг тушиши.
- Соликлар даражасининг юқорилиги.
- Мувозанатлаштирилмаган фоиз сиёсати.
- Хажми ва миқдори жиҳатидан ўз капитали миқдорини чегараловчи асосланмаган юқори даражада хатарли бўлган банк фаолиятини юритиш ва бошқалар.

Умуман тижорат банклари фаолиятига таъсир этувчи муаммо ва омиллар ичida банкларни даромадларини ўстириш ва харажатларини камайтириш билан боғлиқлари муҳим ўринни эгаллайди. Қар бир тижорат банки ўзларининг кундалик фоалиятида уларни биринчи навбатда ҳал этиш чораларини кўриши лозим.

## **Мавзуни мустақил ўзлаштириш бўйича саволлар.**

1. Инвестиция ва капитал қўйилмаларни моҳияти, уларни умумийлиги ва фарқлари нимада?
2. Инвестициянинг иқтисодиётдаги ўрни нима билан белгиланади?
3. Инвестициянинг қандай турлари мавжуд?
4. Банкларнинг инвестицион фаолияти нима?
5. Банкларни қимматли қоғозлар билан бўлган фаолиятига қандай операциялар киради?
6. Банк тизими барқарорлиги нима?
7. Банклар молиявий барқарорлиги қандай йўналишлар бўйича таҳлил қилинади?
8. Банк ликвидлигининг моҳияти ва у қандай йўллар билан таъминланади?
9. Банклар фаолиятига қандай омиллар таъсир этади?
10. Тижорат банклари фойдаси ва унга қандай омиллар таъсир этади?

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ӯзбекистон Республикасининг «Марказий банк тў҆хрисида»ги қонуни. Тошкент. 2002 йил
2. Ӯзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тў҆хрисида»ги қонуни. Тошкент. 1996 йил
3. Ӯзбекистон Республикасининг «Банк сири тў҆хрисида»ги қонуни. Тошкент, 2003 йил
4. Ӯзбекистон Республикасининг «Биржа ва биржа фаолияти тў҆хрисида»ги қонуни. Тошкент, 2001 йил

5. Ӯзбекистон Республикасининг «Суѓурта фаолияти тў҆хрисида»ги қонуни. Тошкент. 2002 йил
6. Ӯзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тў҆хрисида»ги қонуни. Тошкент. 2003 йил
7. Ӯзбекистон Республикасининг «Кредит уюшмалари тў҆хрисида»ги қонуни. Тошкент. 2006 йил
8. Ӯзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 январдаги «Тулов интизоми ва ўзаро хисоб – китоблар тизимини мустаҳкамлаш тў҆хрисида»ги фармони
9. Ӯзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 марта даги «Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора – тадбирлари тў҆хрисида»ги фармони

10. Ӯзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июн даги «Бозор ислоҳатларини чукурлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора – тадбирлари тў҆хрисида»ги фармони

11. Ҷизбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк акциядорлик – тижорат банкини ташкил этиш тўјрисида»ги фармони
12. Ҷизбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора – тадбирлари тўјрисида»ги қарори
13. Ҷизбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисоб варагларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўјрисида»ги қарори
14. Ҷизбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 августдаги 355 – сонли «Ташқи иқтисодиёт фаолиятни амалга оширишда валюта операцияларини эркинлаштириш чора – тадбирлари тўјрисида»ги қарори.
15. Ҷизбекистон Республикаси банк муассасаларида эмиссия, касса иши, пул тушумини инкасация қилиш ва бойликларни ташишга доир йуриқнома. Тошкент. 1998 йил
16. Ҷизбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб – китоблар тўјрисида Низом, Тошкент. 2002 йил
17. Ҷизбекистон Республикаси банкларида пул муомиласига доир ишларни ташкил этиш тўјрисида йўриқнома. Тошкент. 2005 йил
18. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамгармалар ва тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўјрисида Низом. Тошкент. 2006 йил
19. Каримов И.А. – Бунёдкорлик – фаровон хаёт асоси. Тошкент. 1995 йил 21 декабр.
20. Каримов И.А. Ҷизбекистон – иқтисодий ислоҳатларни чукурлаштириш йўлида. Тошкент. 1996 йил 3 том, 175 – 365 бетлар.
21. Каримов И.А. – Конституция – мамлакатимизда янги жамият, янги хаёт бунёд этишнинг хуқуқий асоси. Тошкент. 2003 йил
22. Каримов И. Банк тизими, пул муомиласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўјрисида (Ф.Муллажонов таҳрири остида). Тошкент, 2005 йил
23. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. Тошкент. 2005 йил
24. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Тошкент, 2005 йил
25. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент. 2003 йил

26. Кодиров А и др. Экономическая теория. Тошкент. 1999 г
27. Абдуллаев Е., Коралиев Т. Пул. Тошкент, 1996 йил
28. Абдуллаев Е., Бобокулов Т. Кредит. Тошкент. 1996 йил
29. БХМА – 9 Пул оқими ҳақида ҳисобот. Тошкент. 1998 йил
30. В.Узбекистане введена конвертация. Журнал. ЭО. 2003 г, №11
31. Наврузова К.Н., Ортиков О.А. Банкларда ҳисоб ва тўлов тизими. Тошкент. 2005 йил
32. Чжен В.А.ва бошқалар. Бозор ва очиқ иқтисодиёт. Тошкент. 1996 йил
33. Акбаров Н. Ҷазбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолияти. УИА журн. 2001 йил 7 – 8 сонлар
34. Абатуров В и др. Европейский банк реконструкции и развития: цели и программы деятельности. Журнал. ЭО, 2003 № 3 – 4
35. Ашрафхонов Б., Мирсаидов М. О развитии и реформировании страхового рынка республики Узбекистан журн. ЭО, 2004, №3
36. Бакаев Ф. Применение основных принципов Базельского комитета по банковскому надзору. Журн. БПК, 2005, №2
37. Болтаев Т. Валюта курси динамикаси. БПК журн. 2005, 10 сон
38. Банк тизими: ютуқларни мустаҳкамлаб янги марралар сари. БПК журн. 2006, 2 – сон.
39. Исламский банк развития. Журн.ЭО, 2003 №9
40. Итоги реформирования банковской системы и задачи дальнейшего углубления. БПК журн. 2006, 1 – сон.
41. Маматов А. Ҷазбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолияти асосий йўналишлари. УИА журн. 2002, 1 – 2 сонлар
42. Мурадов Н. Модель и перспективы развития системы кредитных союзов в Узбекистане. Журн. ЭО, 2004 №4
43. Махмудов Э и др. Инвестиционная стратегия и новые возможности экономики. Журн. БПК, 2005 №5
44. Муллажонов Ф. Банк тизимидағи ислоҳатларни чуқурлаштириш устивор вазифамиз. БПК журн. 2005, 8 – сон
45. Маткаримов М. Тижорат банклари фаолияти самараадорлигини белгиловчи омиллар. БПК журн. 2005, 8 – сон
46. Марказий банк пул – кредит ва монетар сиёсатининг 2006 йилга мулжалланган асосий йўналишлари. БПК журн. 2006 йил 3 – сон
47. Нурмуратов Х. Ҷазбекистонда пул муомиласи ва банк тизими шаклланиши тарихидан. БПК журн. 2001. 8 – 9 сонлар
48. Нурмуратов Х Тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалигини кредитлаш. БПК журн. 2005, 3 – сон.

49. Наумов Ю. От беды не спасет, но в беде помажет журн. ЭО, 2004,  
№8-9
50. Наилов Р. Куда поведет всемерный банк. Журн. ЭО. 2005.  
№3
51. Собиров О., Юсупов А. Стратегия формирования и укрепления капитала коммерческих банков Узбекистана. Журн. БПК, 2005. №2
52. Сафаров Н. **Ўзбекистон – Осиё тараққиёти банки хамкорлик истиқболлари.** БПК. Журн. 2005, 9 – сон
53. Тухлиев Б. **Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни ўрни.** БПК журн. 2006 й 5 – сон.
54. Хачиев Г. Внешнеэкономические связи в международном контексте. Журн. ЭО, 2004, №11
55. Экспорт ва импортнинг таркиби, савдо биланси таркиби. Узбекистон иктисадиёти журн. 2005. 6 – сон
56. Эрдонов А. Кредит уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш. БПК журн. 2006 йил 2 – сон
57. Интернет сайatlари
- а) [www.e](http://www.e-payment.net.ru/) – payment.net.ru/-17 К История развития платёжных систем России, Украины и Беларуси
- б) [www.bamm.ru/](http://www.bamm.ru/)-21 К Банки и деньги
- в) ee. tfi. uz /pdf/ bit 2 b – uzk pdb. **Ўзбекистон мустақиллигиниг биринчи йилларида пул муомиласи ва кредит**
- г) [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz/) /uz/ depart/ mon – 0,6 html – 61 К. [www.cbu](http://www.cbu.uz). Uz. Нақд пул маблағларининг банқдан ташқари айланмасини қисқартириш
- д) [www.Kredit24.ru](http://www.Kredit24.ru/) /- 20 К Помощь в оформлении банковских кредитов
- е) [credr.info/index.html](http://credr.info/index.html) – 13 К. Сущность, функции и структура кредитной системы
- ж) [www.credits.ru](http://www.credits.ru/) /- 60 К. Вопросы кредитования в России.

## **Мундарижа**

### **Кириш**

#### **1-мавзу: Пулнинг моҳияти ва функциялари**

1. Товар ишлаб чиқариш ва пулнинг зарурлиги. Пулнинг моҳияти ва хусусиятлари
2. Бозор иқтисодиёти шароитида пулнинг аҳамиятини ошиши
3. Пулнинг функциялари
4. Иқтисодиётни ривожлантиришда пул барқарорлигини таъминлашни ўрни ва омиллари
5. Пул түйғрисидаги назариялар

#### **2-Мавзу: Пул тизими ва пул муомиласи**

1. Пул тизими ва унинг элементлари. Пул тизимининг турлари
2. Ўзбекистон Республикаси пул тизими ва уни ривожланиш тарихи

3. Халқаро валюта муносабатлари. Валюта тизими ва унинг элементлари
4. Валюта курси, уларни турлари ва унга таъсир этувчи омиллар
5. Инфляция, унинг келиб чиқиш сабаблари, шакллари, оқибатлари ва ундан чиқиш йўллари
6. Муомиладаги пул массаси ва уни бошқариш. Пул муомиласини барқарорлаштириш йўллари

#### **3-Мавзу:** Пул айланиши ва унинг тузилиши

1. Пул айланиши, унинг моҳияти ва тузилиши
2. Нақд пул айланиши ва унинг хусусиятлари
3. Нақд пулсиз хисоб – китобларнинг зарурияти ва аҳамияти
4. Нақд пулсиз хисоб – китобларнинг ташкил этилиши ва

- тамойиллари
5. Нақд пулсиз хисоб – китоб шакллари хакида тушунча ва унинг тулов топширикнома шакли
  6. Нақд пулсиз хисоб – китобларнинг тўлов талабнома шакли

7. Нақд пулсиз хисоб – китобларнинг аккредитив шакли \_\_\_\_\_

8. Нақд пулсиз хисоб – китобларнинг инкассо топшириқнома

шакли \_\_\_\_\_

9. Нақд пулсиз хисоб – китобларнинг хисоб – китоб чеки

шакли \_\_\_\_\_

10. Нақд пулсиз хисоб – китобларда пластик карточкалардан

фойдаланиш \_\_\_\_\_

11. Хисоб – китоб ва тўлов интизоми юзасидан назорат \_\_\_\_\_

**4-мавзу:**                   **Халқаро хисоб – китоб муаммолари** \_\_\_\_\_

1. Халқаро хисоб – китобларни ташкил этилиши ва уларни ташқи иқтисодий алоқалардаги ўрни \_\_\_\_\_

2. Халқаро хисоб – китобларнинг шакллари, уларни қўлланиши ва хисоб – китобларни амалга оширилиши \_\_\_\_\_

3. Халқаро савдо ва хисоб – китоб баланслари \_\_\_\_\_

4. Тўлов баланси, унинг асосий қисмлари ва бўлимлари \_\_\_\_\_

5. Тўлов балансининг актив ва пассив қолдиғини аниқлаш ҳамда уни валюта тушум ва чиқимлардаги ўрни \_\_\_\_\_

**5-мавзу:**                   **Кредит ва кредит тизими** \_\_\_\_\_

1. Кредитнинг моҳияти, зарурияти, функциялари ва унинг бозор иқтисодиётидаги ўрни \_\_\_\_\_

2. Кредит муносабатлари ривожланишининг асосий босқичлари.                   **Кредит ресурслари** \_\_\_\_\_

3. Кредитнинг тамойиллари \_\_\_\_\_                   **асосий**

4. Кредитнинг шакллари ва турлари \_\_\_\_\_

5. Молия – кредит ресурслари бозори. Фонд биржаси ва уларнинг операциялари \_\_\_\_\_

6. Кредитнинг чегараси. Кредит фоизи ва унга таъсир қилувчи омиллар \_\_\_\_\_

**6-мавзу: Халқаро кредит ва унинг ташқи иқтисодий**

муносабатларнинг

ривожланишидаги

ўрни\_\_\_\_\_

1. Ташқи иқтисодий муносабатларда кредит, унинг турлари \_\_\_\_\_ ва

функциялари\_\_\_\_\_

2. Халқаро кредит муносабатларининг ривожланиш тарихи, гурухланиши ва ҳозирги замон муаммолари. Экспорт \_\_\_\_\_ ва импорт \_\_\_\_\_ операцияларини

кредитлаш\_\_\_\_\_

3. Халқаро миңтақавий, валюта \_\_\_\_\_ ва кредит ташкилотлари\_\_\_\_\_

4. Баъзи \_\_\_\_\_ давлатларнинг \_\_\_\_\_ кредит тизими\_\_\_\_\_

**7-мавзу:** **Банклар** \_\_\_\_\_ ва **банк** тизими\_\_\_\_\_

1. Банкларнинг моҳияти, келиб чиқиш асослари ва уларни бозор иқтисодиётидаги

ўрни\_\_\_\_\_

2. Кредит тизими \_\_\_\_\_ ва унинг таркибий қисмлари\_\_\_\_\_

3. Банк тизими \_\_\_\_\_ ва унинг ривожланиш босқичлари\_\_\_\_\_

4. Ўзбекистон Республикасининг банк тизими ва унинг

ривожланиш

босқичлари\_\_\_\_\_

5. Маҳсус молия \_\_\_\_\_ – кредит

муассасалари\_\_\_\_\_

6. Марказий банк ва унинг функциялари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятининг асослари\_\_\_\_\_

**8-мавзу:** **Тижорат банклари ва улар фаолиятини тартиба солиш**\_\_\_\_\_

1. Тижорат банклари фаолиятини ташкил қилишнинг иқтисодий \_\_\_\_\_ ва хукуқий асослари\_\_\_\_\_

2. Тижорат банклари фаолиятининг тамойил ва функциялари\_\_\_\_\_

3. Тижорат банкларининг пассив ва актив операциялари\_\_\_\_\_

4. Тижорат банкларининг депозит, нодепозит ва бошқа

операциялари\_\_\_\_\_

5. Кредитлаш услублари \_\_\_\_\_ ва турлари (шакллари)\_\_\_\_\_

6. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамъармалар ва

тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан  
микрокредитлар бериш  
тартиби \_\_\_\_\_

7. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солища  
кулланиладиган иқтисодий чоралар. Банк тизими  
фаолиятини тартибга солища кулланиладиган иқтисодий

чоралар\_\_\_\_\_

#### **9–мавзу: Банкларнинг инвестицион фаолияти ва банклар**

**фаолияти** **баркарорлигини**  
**таъминлаш** \_\_\_\_\_

1. Инвестициялар ва уларни иқтисодиётдаги  
ўрни \_\_\_\_\_  
2. Банкларни инвестицион сиёсати. Банкларни қимматли  
қоғозлар билан боғлиқ

операциялари \_\_\_\_\_

3. Банк тизими баркарорлиги ва банкларни тўлов  
қобилиятини таъминлаш

йўллари \_\_\_\_\_

4. Банк ликвидлиги ва уни таъминлаш йўллари. Банклар  
фаолиятига таъсир қилувчи

омиллар \_\_\_\_\_

**Фойдаланилган**  
**адабиётлар** \_\_\_\_\_

